**Misol 1.**  $A = B = R$  bo'lsa,  $R^2 = R \times R$  dekart ko'paytma tekislikdagi barcha nuqtalar to'plamidan iboratdir.

**Misol 2.**  $A = [0,1]$  va  $B = [1,2]$  segment nuqtalaridan iborat to'plamlarni olaylik. Bu to'plamlarning dekart ko'paytmasi  $A \times B = \{(x, y) | 0 \leq x \leq 1, 1 \leq y \leq 2\}$  to'plam 1-chizmada tasvirlangan kvadrat nuqtalaridan iborat to'plam bo'ladi:



1-chizma.


Shuni ta'kidlash lozimki, ikkita  $(a, b)$  va  $(c, d)$  juftliklar,  $a = c$  va  $b = d$  bo'lgandagina teng deb qaraladi. Xuddi shunday bir nechta to'plamlarning dekart ko'paytmasini  $A_1 \times A_2 \times A_3 \times \dots \times A_n$  kabi qarashimiz mumkin. Agar  $A_1 = A_2 = A_3 = \dots = A_n$  bo'lsa, u holda ularning dekart ko'paytmasini qisqacha  $A^n = A \times A \times A \times \dots \times A$  shaklda yozish mumkin va uni  $n$ -darajali dekart ko'paytma deb yuritiladi.  $A^n$  ning elementlari uzunligi  $n$  ga teng bo'lgan  $(x_1, x_2, \dots, x_n), x_i \in A$  satrli elementdan iborat bo'ladi.

**1-Ta'rif.** Ixtiyoriy bo'sh bo'lmagan  $A \times B$  to'plamning ixtiyoriy  $R$  qism to'plami ( $R \subset A \times B$ )  $A$  va  $B$  to'plamlar orasidagi binar munosabat deyiladi. Xususan,  $A = B$  bo'lsa,  $R \subset A \times B$  binar munosabat  $A$  da aniqlangan binar munosabat deyiladi. Binar munosabatlar, odatda  $R, P, Q$  kabi harflar bilan belgilanadi. Agar  $R \subset A \times A$  binar munosabat aniqlangan bo'lib,  $(x, y) \in R$  bo'lsa, u holda  $x$  element  $y$  element bilan  $R$  munosabatda deyiladi va  $xRy$  kabi belgilanadi.

**Misol 3.** Haqiqiy sonlar to'plami  $R$  da  $x = y$  tenglik munosabati binar munosabat bo'ladi.

**Misol 4.**  $A = \{2,5,4,6\}$  bo'lsin,  $R = \{(x, y) \setminus x < y\}$  to'plam binar munosabat bo'ladi. Ravshanki, bu holda:

$$R = \{(2,4), (2,5), (2,6), (4,5), (4,6), (5,6)\}.$$





Chekli to'plamlarda binar munosabatlar soni ham chekli bo'lib, u  $2^n - 1$  formula orqali topiladi. Bu yerda  $n$   $A$  to'plamdagi barcha tartiblangan juftliklar soni ya'ni  $A^2 = A \times A$  to'plamning elementlari sonidir.

Bizga ma'lumki elementlari soni  $n$  ta bo'lgan to'plamning barcha qism to'plamlari  $2^n$  formula orqali aniqlandi (bo'sh to'plam bilan birgalikda).

Masalan, 4-misolda  $2^4$  ta ya'ni 16 ta tartiblangan juftliklar bor. Binar munosabatlar esa  $2^{16} - 1$  ta.

**2-Ta'rif.**  $A$  to'plamda aniqlangan  $R$  binar munosabati uchun quyidagi shartlar bajarilsa,  $A$  to'plamning ekvivalentlik munosabati aniqlangan deyiladi:

1.  $\forall x \in A$  uchun  $xRx$  munosabat o'rinli (refleksivlik);
2.  $xRy$  munosabatdan  $yRx$  munosabatning o'rinliliigi kelib chiqsa (simmetrik);
3.  $xRy$  munosabatdan  $yRz$  munosabatdan  $xRz$  munosabat o'rinli ekanligi kelib chiqsa (tranzitivlik).


$A$  to'plamning  $x$  va  $y$  elementlari orasida  $R$  ekvivalentlik munosabati qisqachasi  $x \sim y$  shaklda yoziladi.

$R$  to'plam elementlari orasidagi  $R$  munosabat Dekart ko'paytmaning har qanday qism to'plami, ya'ni elementlari tartiblangan juftliklar to'plami bo'lganligi uchun munosabatlarning berilish usullari to'plamning berilish usullari bilan bir xil bo'ladi.

$A$  to'plamdan olingan va shu munosabat bilan bog'langan barcha element juftliklarini sanab ko'rsatish bilan berish mumkin. Masalan,  $A = \{4,5,6,8\}$  to'plamdagi biror munosabatni quyidagi juftliklar to'plami orqali berish mumkin:  $\{(5,4), (6,5)\}$ .

Shu munosabatning o'zini matritsa usuli bilan berish mumkin. Buning uchun biz matritsaning satr va ustunlariga to'plam elementlarini joylashtiramiz. So'ngra  $A = \{< 5,4 >, < 6,5 >\}$  binar munosabatni matritsasini tuzamiz.

Juftliklardagi 1-elementni satrdan 2-elementni ustundan olib, ular kesishgan joyga  $1$  qo'yamiz qolgan joylarga esa  $0$ . Shunda biz qidirgan matritsa paydo bo'ladi (2-chizma).






$$\begin{pmatrix} 0 & 0 & 0 & 0 \\ 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 0 \end{pmatrix}$$


2-chizma.

Munosabatlarni graflar yordamida ko'rgazmali tasvirlash mumkin. Masalan,  $A = \{3,6,9,18\}$  to'plam elementlari uchun karrali munosabatini ko'ramiz va uning grafini chizamiz (3-chizma). 18 soni 3 ga karrali, 18 soni 6 ga karrali, 18 soni 9 ga karrali va hakazo.  $A$  to'plamdagi ixtiyoriy son o'z-o'ziga karrali bo'lgani uchun oxiri ustma-ust tushadigan strelkalar mavjud. Bunday strelkalar sirtmoqlar deyiladi.




3-chizma.


Munosabatlarni xossalari ajratib ko'rsatish uchun matematikada yuqorida aytilgan munosabatlarni kesmalar to'plamida graflar yordamida tasvirlaymiz.  $a, b, s, d, e$  kesmalar berilgan bo'lsin (4- a, b, v, g chizmalar).



a) parallel munosabatining grafi

b) perpendikulyarlik munosabatining grafi











4-chizma.

**Misol 5.** Endi  $A = \{a, b\}$  to'plamni olib undagi barcha munosabatlarni 3 xil ko'rinishda ifodalab chiqamiz:

<u>Tartiblangan juftliklar</u>	<u>Graflar</u>	<u>Matritsalar</u>
$A_1 = \{ \langle a, a \rangle, \langle b, b \rangle, \langle a, b \rangle, \langle b, a \rangle \}$		$\begin{pmatrix} 1 & 1 \\ 1 & 1 \end{pmatrix}$
$A_2 = \{ \langle a, a \rangle \}$		$\begin{pmatrix} 1 & 0 \\ 0 & 0 \end{pmatrix}$
$A_3 = \{ \langle b, b \rangle \}$		$\begin{pmatrix} 0 & 0 \\ 0 & 1 \end{pmatrix}$
$A_4 = \{ \langle a, b \rangle \}$		$\begin{pmatrix} 0 & 1 \\ 0 & 0 \end{pmatrix}$
$A_5 = \{ \langle b, a \rangle \}$		$\begin{pmatrix} 0 & 0 \\ 1 & 0 \end{pmatrix}$
$A_6 = \{ \langle a, a \rangle, \langle b, b \rangle \}$		$\begin{pmatrix} 1 & 0 \\ 0 & 1 \end{pmatrix}$
$A_7 = \{ \langle a, a \rangle, \langle a, b \rangle \}$		$\begin{pmatrix} 1 & 1 \\ 0 & 0 \end{pmatrix}$
$A_8 = \{ \langle a, a \rangle, \langle b, a \rangle \}$		$\begin{pmatrix} 1 & 0 \\ 1 & 0 \end{pmatrix}$
$A_9 = \{ \langle b, b \rangle, \langle a, b \rangle \}$		$\begin{pmatrix} 0 & 1 \\ 0 & 1 \end{pmatrix}$
$A_{10} = \{ \langle b, b \rangle, \langle b, a \rangle \}$		$\begin{pmatrix} 0 & 0 \\ 1 & 1 \end{pmatrix}$






$A_{11} = \{ \langle a, b \rangle, \langle b, a \rangle \}$		$\begin{pmatrix} 0 & 1 \\ 1 & 0 \end{pmatrix}$
$A_{12} = \{ \langle a, a \rangle, \langle b, b \rangle, \langle a, b \rangle \}$		$\begin{pmatrix} 1 & 1 \\ 0 & 1 \end{pmatrix}$
$A_{13} = \{ \langle a, a \rangle, \langle b, b \rangle, \langle b, a \rangle \}$		$\begin{pmatrix} 1 & 0 \\ 1 & 1 \end{pmatrix}$
$A_{14} = \{ \langle b, b \rangle, \langle a, b \rangle, \langle b, a \rangle \}$		$\begin{pmatrix} 0 & 1 \\ 1 & 1 \end{pmatrix}$
$A_{15} = \{ \langle a, a \rangle, \langle a, b \rangle, \langle b, a \rangle \}$		$\begin{pmatrix} 1 & 1 \\ 1 & 0 \end{pmatrix}$

Ko'rinadiki bu to'plamda 15 ta binar munosabat bo'lib bulardan 4 tasi ya'ni  $A_1, A_6, A_{11}, A_{12}$  lar *refleksiv*, 4 tasi ya'ni  $A_1, A_{13}, A_{14}, A_{15}$  *simmetrik*, 3 tasi ya'ni  $A_1, A_{13}, A_{14}$  lar *tranzitiv* munosabatlardir. Bundan kelib chiqadiki 1 ta  $A_1$  *ekvivalentlik* munosabatidir.

Xulosa qilib aytganda binar munosabatlarni 3 xil usuldan biridan foydalanib tasvirlashimiz mumkin. Ko'p hollarda matritsa usuli qulay hisoblanadi.

**Foydalanilgan adaboyotlar ro'yxati:**

1. **F.M.Qosimov, M.M.Qosimova** "Boshlang'ich matematika kursi nazariyasi". - Buxoro 2021-yil, 30-35-betlar.
2. **Sh.A.Ayupov, B.A.Omirov, A.X.Xudoyberdiyev, F.H.Haydarov** "ALGEBRA VA SONLAR NAZARIYASI" (o'quv qo'llanma) .Toshkent 2019-yil, 12-15-betlar.
3. **Sh.A.Ayupov, B.A.Omirov** "ABSTRAKT ALGEBRA" (o'quv qo'llanma). Toshkent 2022-yil.





**Konlarni suvsizlantirish usullari. Kon suvlaridan foydalanish.**  
**Termiz muhandislik texnologiya instituti P.f.d .Prof/b O.N. Sultonova**  
**talabasi Esanov.D**

**Annotasiya.** Maqola hozirgi kunda global muammolardan biri bo'lgan karyerlarni suvsizlantirish maqsadida yangi zaomanaviy texnologiyalardan foydalangan holda keryer suvini kamaytirish va qulay ish sharoitini yaratishga qaratilgan.

**Kalit so'zlar.** Kon, suvsizlantirish, drenaj, atval, pog'ona, gil, transport, karer, quduq, nasos, bort, foydali qazilma.


**Mavzu maqsadi:** Konlarni ochiq usulda qazib olishda yer osti suvlaridan himoyalashda ko'pincha asosiy usul drenaj usulini qo'lash xisoblanadi. Shu sababli kon qazilmalarini suvsizlantirishning drenaj usuli va turlarni ko'rib chiqamiz.

**Kirish:** Kon ishlarini olib borishda yer osti va yer usti suvlaridan konni himoya qilish shuni ko'rsatdiki: 1) kar'er bortlari pag'onalar qiyaligini hamda otvallarni mustahkamligini ta'minlash 2) foydali qazilmani to'liq qazib olish va sifatini yaxshilash 3) kon transportlari va jixozlarini ishlash sharoitini yaxshilash kabi natijalarga erishilar ekan.

**Mazu bayoni:** Karer bortlarinig mustahkamligini oshirishda drenaj usulida suvsizlantirishning asosiy vazifasi gidrostatik va gidrodinamik kuchlarni ta'sirini pasaytirishdir. Shu kuchlarni ta'sirini drenaj usulini qo'lash orqali kamaytirishga erishilsa bortlar va pag'onalarning mustahkamligini ta'minlashda eng effektiv chora hisoblanadi. Agar gidrostatik va gidrodinamik kuchlar bort va pag'onalarga xavf solmasa unda drenaj usulida suvsizlantirish ishlarini amalga oshirish shart emas.

Vaqtincha qazish ishlari olib borilmaetgan (ishlamaydigan) otkoslar va pag'onalar qumli va gilli tog' jinslaridan tashkil topgan qazish ishlari olib borilmayotgan otkoslar va pag'onalar mustahkamligin ta'minlash uchun amalga oshiriladigan birlamchi vazifa bu pag'onalarni ustki maydonidagi suvlarni oqovasini yaxshilash. Bu bilan maydonlarda yig'ilib to'planib qolgan suvlarni chiqarish orqali gidrostatik va gidrodinamik kuchlarni kamaytirilishiga erishiladi, xamla qumli va gilli jinslarni suvga bo'kish shishib o'z xolatini o'zgartirishga va foydali qazilmaning ustki pag'ona yuza qismini yuvilib ketishini oldi olinadi.

Ma'lumki, gilli jinslar o'zidagi namlikni bermaydi va amaliy suv o'tkazmaydigan qatlam hisoblanadi va jinslardan suvni drenaj usulida chiqarib olib





bo‘lmaydi. Shuning uchun bu turdagi tog‘ jinslarni suvga to‘yinganda xajmini oshishi (shishib ketishi) kuzatiladi. Bunday tog‘ jinslari qatlamlari kontaktidagi qatlamlarini suvsizlantirish lozim bo‘ladi. Bunday xollarda, agarda suv eltuvchi qatlam karerni qazib olish jarayonida ochilsa drenaj usuli yordamida gidravlik bosimni kamaytirish mumkun. Pag‘onalardagi suvni oqizib chiqarib tashlash nafaqat gilli jinslarni qo‘shimcha namlanishi oldini oladi balki pag‘onalarni mustahkamligini saqlashda boshqa suvga bo‘kkan qattiq, qoyali, yarim qoyali tog‘ jinslarini ham mexanik xususiyatlarini susayishidan saqlaydi.

Otvallarni mustahkamligini ta‘minlashda xam drenaj usuli qo‘laniladi. Lekin shuni e‘tiborda tutish lozimki otvallarga suv kelib tushishini oldini olish zarur, xattoki konni ochishda suv elituvchi qatlamlar bo‘lsa xam.

Agarda otvallar tuproqli (supes, suglinok, lyoss) tog‘ jinslaridan tashkil topgan bo‘lsa atmosfera yog‘inlari suvlarini ta‘rtibga solish chora – tadbirlarini ko‘rish kerak. Aks xolda ular suvga bo‘kkanda ko‘chki, oqimlarni, salbiy xodisalari keltirib chiqaradi. Ma‘lumki ko‘pgina karerlarda drenaj usulin qo‘llash tog‘-kon jihozlari va ruda tashuvchi transportlar va boshqa jihozlarni ish sharoitlarini yaxshilaydi va bu bilan ishlab chiqarish unumdorligini oshirishga erishiladi. Brinchidan kon tubidagi ekskvator qaziyotgan foydali qazilmalarni suvga bo‘kishdan saqlaydi, ikinchidan pag‘onalarni suvlanib deformatsiyalanishini oldini oladi hamda burg‘ulash portlatish ishlarini amalga oshirish imkoniyatini yaxshilaydi.


Konlarning muxandislik – geologik hamda gidrogeologik sharoitlarlardan kelib chiqqan xolda amalga oshiradigan konni suvsizlantirishda drenaj tizimi usullarini qo‘llash chegaralari belgilanadi. Shu maqsadda konni ochiq usulda qazib olishda barcha konlarni 3 guruxga bo‘lish mumkun:

A- guruxga konning geologik tuzilishida zaif gilli va mineral zarralari birikmagan tog‘ jinslari majumasidan iborat bo‘lgan hamda ularning pag‘onlarining mustahkamligi ko‘p jixatdan yer osti suvlariga bog‘liq xisoblanadi.

B – guruxga konning geologik tuzilishida darzlangan va suvlanganda mustahkamlik darajasi pasaymaydigan va yaxshi suv o‘tkazuvchan tog‘ jinslari majmuasi qatnashadi.

V- guruxiga konning geologik tuzilishida A va B gurxlariga kiruvchi tog‘ jinslari majmuasi taxminan bir xil darajada ishtrok etadi.

A – guruxga taluqli tog‘ jinslari qatlamlari yotishi konda (kar’erda) joylashish sharoitlari bo‘ycha 2 turga bo‘linadi A-1 – tog‘ jinslarini yotish xolati o‘zgarmaydigan







yoki gorizontal xolatda joylashgan konlar. A-2 –tog‘ jinslari qatlamlari qiyalik burchak ostida joylashgan konlar.


Kar’erlarning suvsizlantirishda drenaj ishlari burg‘ quduqlar yordamida yer osti suvlarini sathini pasaytirish orqali amalga oshiriladi. Bunda xar bir burg‘ qudug‘i suv tortuvchi nasoslar bilan jixozlanadi. Konni suvsizlantirishda yer osti drenaj tizimi filtrli shtrek, hamda burg‘ quduqli drenaj, bosimli- o‘zi oqar burg‘ qudug‘i, hamda zumpf, lahmlardan suv chiqish drenajlari tizimi. Yuqorida keltirilgan karerlarni suvsizlantirish usullari xar doim xamma karerlarda ko‘llash yaxshi samara bermaydi. Xar bir kar’erda (konda) shu konning geologik, muxandislik- geologik va gidrogeologik shart – shariotlarini hamda texnikaviy iqtisodiy va mavjud kon texnik imkonyatlarini nazarda tutgan xolda drenajning qaysi usulidan foydalanish maqsadga muvofiqligi aniqlanadi va ulardan biri tanlanadi.

Burg‘ quduqlariga suv satxini pasaytiruvchi suv osti nasoslari tizimini qo‘llashda qo‘ydagilar ko‘zda tutiladi: bu usulda ko‘p kapital xarajatlar talab qilinmasligi va texnik soddaligi, burg‘ quduqlarini tezda ishga tushirish qulayligi; suvsizlantirishda karer maydonidan chiqarilayotgan suvni miqdorini o‘zgartirish, burg‘ quduqlarini sonini ko‘paytirish va kamaytirish mumkunligi.

Shu bilan bir qatorda yer osti suvlarini satxini pasaytirish bo‘ycha drenaj burg‘ quduqlari tizimini qo‘llashda quyda keltirilgan ba’zi kamchiliklar xam mavjud:

- 1) suv o‘tkazish xususiyati past bo‘lgan (sizilish koeffitsienti  $k < 5$  m/sut) tog‘ jinslari tarqalgan konlarda yaxshi natija bermasligi;
- 2) karerga tushayotgan yor osti suvlarini yana qo‘shimcha nasoslar yordamida ( bu hol foydali qazilma konlarini er osti usilida qazib olishda xam mavjud) chiqarish zarurligi;
- 3) haddan ziyod suv tortuvchi nasoslarni ishlatishda (nasoslarni tezda ishdan chiqish xollari kuzatilishi) ishchi xodimlarni ko‘p talab qilinishi, hamda drenaj tizimidagi tortib chiqarilgan suvlarni markazlashgan suv tashlash xavzalarini tashkil qilish muommalari.


Konlarni drenajli suvsizlantirishda katta diametrli (0,5-1 m) burg‘ quduqlaridan foydalanish yaxshi samara beradi va suv nasoslarni tanlash ko‘p muommolar tug‘dirmaydi. Bundan tashqari bunday katta burg‘ quduqlari drenaj tizimini qo‘llashda xarakatdagi nasoslar sonini kamaytirish orqali katta maydonda yer osti suvlarini satxini pasaytirishga erishish mumkin. Oxirgi yillarda diametri 1 m chuqurligi 200-300m va





bundan chuqur burg' quduqlari qo'llanilmoqda va drenaj tizimi yaxshi samara berayotganligi to'g'risida ma'lumotlar bor.

Yer osti drenaj tizimidan suv chiqarishni markazlashgan usuli (43.1-rasm) yaxshi natija berishi kuzatilgan. Bu usuldan yer osti suvlarini satxini pasaytirishda yaxshi suv o'tkazuvchan hamda kam suv o'tkavchan tog' jinslarida (sizilish koeffitsienti  $K=1-5\text{m/sut}$ ) ham foydalanish mumkin. Shu usuldan foydali qazilmalarni ochiq usulda qazib olishda yaxshi natija bermaganligi uchun foydalanilmaydi.



43.1 –rasm. Drenaj tizimini er osti turi.

1-to'liq kesib o'tuvchi filtr; 2-qoqib o'rnatiladigan filtr; 3-drenaj qudug'i; 4-shtrek; 5- ariq (kanava) tarmog'i. I, II, III — suvli qatlam

Bosimli o'zi oqib chiqadigan yer osti suvlari burg' quduqlari drenaj tizimidan karer osti va uni borti atrofi yer osti suvlarini bosimini kamaytirish maqsadida foydalaniladi. Agarda suv eltuvchi qatlam mayda zarrachali tog' jinslardan iborat bo'lsa burg' quduqlari diametrini oshirib graviylar solinadi va shu bilan filtrlarni to'lib qolishini oldi olinadi.

Ochiq drenaj usuli bu kar'er tublarida rejali suv to'planishini taminlash. Buning uchun kar'er tubida turli o'lcham va chuqurlikda  $10 \times 10$  m chuqurligi 5-6 m zumpor (xovuz) va uzunligi va chuqurligi turlicha lahmlar (transheyalar) tayyorlanadi va ularga suv tortadigan nasoslar o'rnatilib suvni kar'er tashqarisiga tabiiy suv to'plagich va soylarga chiqariladi. Drenajning bu turi Qalmoqir Sariq Cho'qqi va boshqa konlarda qo'llanilmoqda va yaxshi natija bermoqda. Bu usulni qo'llashda tog' jinslarining turiga mustahkamligiga hamda sizilish koeffitsientiga katta ahamiyat berish kerak. Masalan,





kar'erning tubi zaif tog' jinslaridan iborat bo'lsa quriladigan zumpfning devorlarini mustahkamlash zarur, aks xolda devorlar to'kilib zumpf tog' jinslarga to'lib qoladi.

Ko'pgina xollarda drenaj usuli bilan foydali qazilmalarni suvsizlantirish (namligini kamaytirish) yoki qo'shimcha namlanishini oldini olish qiyin. Ayrim konlarda (kar'ernlarda) shunday suv eltuvchi qatlamlar borki (qumli gillar, gilli qumlar, qo'ng'ir ko'mirni ayrim turlari  $K < 0,5$  m/sut), amalda ularni mavjud usullar yordamida suvsizlantirish mumkin emas. Bunday tog' janslarida ochiq gorizont drenaj usulini qo'llash yaxshi natija beradi.


Kar'erning vaqtincha ishlamaydigan borti gorizont holda joylashgan qatlamlardan tashkil topgan bo'lsa, bunday tog' jinslarining sizilish deformatsiyalanishini kamaytirish uchun transport hamda saqlovchi bermalardan lahm (zovurlar) orqali oqova suvlarini chiqarish maqsadga muvofiq bo'ladi. Bunda kar'er bortlari bo'ylab drenaj zovurlarga drenaj quvurlarini yotqizish usulini amalga oshirish yo'li bilan vaqtincha ishlamaydigan pog'onalarni mustahkamligini saqlash mumkin (43.2. a,b,d –rasm). Agarda drenaj zovurlari yuza ko'milgan bo'lsa, qishki sharoitga o'tganda ularni ustki qismiga qum to'kilib, drenaj zovuridagi oqova suvlarini muzlashdan saqlanadi.

Agarda pog'onaning pastki qismida mavjud tog' jinslari o'ta kam suv o'tkazish xususiyatiga ega bo'lsa, masalan, supes, suglinok va boshqa gilli jinslar, u xolda nomlari keltirilgan tog' jinslaridan suv sizib chiqish jarayonida surilma, ko'chki va oqimlarga qarshi to'siq yoki kuch barpo qilish maqsadida qum va sheben bilan 43.3-rasmda ko'rsatilganidek, loyihada belgilangan qalinlikda (to'siq) yuk barpo qilinadi. Ayrim holatlarda yuqorida keltirilgan choralar yaxshi natija bermasa suvsizlantirishda drenaj ishlari burg' quduqlarini qiya burchak ostida yoki gorizont yo'nalishda burg'ulash amalga oshiriladi va quduqlar oralig'i ularning chuqurligiga teng qilib olinadi.

Konchilik ishlarini loyihalashda shunday vaziyatlar borki, ularni e'tiborga olish zarur hisoblanadi:

1) kondagi ishlamaydigan bortda ishonchli drenaj ishlarini tashkil qilish, ishlaydigan bortga nisbatan qulay, sodda va arzon. Shuning uchun imkon darajasida ishlamaydigan bort tomonidan asosiy yer osti suvi oqimini tashkil qilish maqsadga muvofiqdir;





43.2-rasm. Drenajli joylashtirish chizmasi.

2) drenaj – suvlari oqovasini ishlamaydigan bort tomonida tashkil etish soddaroq hisoblanadi, agarda er osti suv eltuvchi qatlamning tagligi gorizonti ishlamaydigan beraning mutloq balandligiga mos kelsa.

Kar'erning ishchi borti tomonida drenaj ishlari natijasi pog'onaning mustahkamligi hamda tog'-kon mashina mexanizmlarni, jihozlarni ishlash sharoitlarini ta'minlashi zarur. Bundan tashqari qazib olinayotgan foydali qazilmalarni namligini ham kamaytirish ko'zda tutiladi.

Yer osti suvlari satxini pasaytiruvchi burg' quduqlaridan uzoq muddat foydalanish maqsadga muvofiqdir. Bunda ularning chuqurligi 200m dan oshmasligi, sizilish koeffitsienti  $K > 3\text{m/sut}$  bo'lishi kerak, aks holda ulardan etarli, yaxshi natija olinmaydi.

Drenaj burg' quduqlari kondagi ishchi pog'onalariga parallel ravishda konturli tizimda joylashishi tavsiya etiladi. Konda drenaj burg' quduqlarni joylashtirishda ishchi pog'onalarning bir necha yillar davomida siljishi va kondagi mashina-mexanizmlarni harakati hisobga olingan holda amalga oshiriladi.

Foydali qazilma konlari geologik-litologik tuzilishiga ko'ra turli guruhlariga bo'linadi. Darzlangan qoyali va turli suv o'tkazuvchan va suvga to'yingan tog' jinslaridan iborat konlar ham mavjud. Ayrim hollarda yuzlab metr chuqurlikkacha er osti suvlari uchramaydi. Karstli, darzlangan, ohaktoshlar (ayniqsa tektonik buzilishlar rivojlangan maydonlarda) va turli litologik tarkibli tog' jinslari kuzatiladi.

Ayrim hududlarda orasidagi masofa uncha uzoq bo'lmagan burg' quduqlaridan yer osti suvlari to'g'risida turlicha ma'lumot olish mumkin. Birinchisida suv mo'l, ik-





kinchisida suv yo‘q. Shunday holatlarda konchilikda drenaj ishlarini olib borish murakkablashadi. Bu hol ko‘pincha qattiq, darzlangan tog‘ jinslari majmualarida uchraydi.

Konlarni ochiq usulda qazib olishdagi amaliy ishlar shuni ko‘rsatadiki, yer osti suvlarini chiqarishda drenaj usulini qo‘llash sodda va hech qanday muammolar tug‘dirmaydi.

Bu ishlarda, birinchidan suv eltuvchi tog‘ jinslari qatlamlari ko‘pgina holatlarda karerdan foydali qazilmalarni qazib olish paytida ochiladi va bu suvlar kar‘erni tubida maxsus tayyorlangan suv to‘plagich – zumpfga to‘planadi. Zumpfdan suv maxsus nasoslar orqali tortib olib karerdan ancha olis masofaga (tabiiy pastlik, soylarga) chiqariladi. Konlarda foydali qazilmalarni suvsizlantirishni ochiq drenaj usuli texnikaviy va iqtisodiy nuqtai nazardan qulay hisoblanadi.


Ushbu usuldan respublikamizdagi barcha ochiq usulda qazib olinayotgan rudali konlarda foydalaniladi. Barcha konlarda foydali qazilmalar (rudalar) qoyali va yarim qoyali darzlangan tog‘ jinslaridan iborat va yer osti suvlari kam tarqalgan va bosimsiz bo‘lib, ular darz va yoriq suvlaridan iborat. Bunday sharoitdagi konlarni gidrogeologik nuqtai nazardan sodda konlar deyiladi.

Olmaliq rudali rayonida ochiq usulda qazib olinayotgan foydali qazilma konlarida ham foydali qazilmalarni suvsizlantirish maqsadida ochiq drenaj usuli muvaffaqiyatli qo‘llanilmoqda. Faqat kuz va bahor oylarida bo‘ladigan atmosfera yog‘inlari davrida zumpflarda o‘rnatilgan zahiradagi suv tortuvchi nasoslar ishga tushiriladi.

**Xulosa:** Bu maqoladan kelib chib shuni aytish mumkinki hozirgi kunda konlardagi asosiy va dolzarb momolardan biri bu konlarni suv bosishi va sizot suvlarning ko‘p miqdorda chiqishidur nularno oldini olish uchun quydagi ishlar amalga oshirilmoqda avalo karerlardan drenajlarga to‘planadi va karerdagi barcha sizot suvlar o‘sh yerga to‘planmoqda va drenaj quduqlaridan nasoslar yordamida suvlar tashqariga chiqarilmoqda karerlardan va shaxtalardan chiqan sizot suvlarini soylıklarga va vodiylarga tashlanadi kondagi bu foydalanayotgan usul hozirgi kunda ancha qo‘l kelmoqda va o‘zbekistondagi konlarning rivojlanishiga tasir ko‘rsatmoqda.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Mironenko V.A. i dr. Gorno-promishlennaya gidrogeologiya. M. Nedra. 1989g.
2. Galperin A.M. i dr. Hidrogeologiya i injenernaya geologiya. M.Nedra. 1989 g.
3. Klimentov P.P. i dr. Obshaya gidrogeologiya. M.Nedra. 1977 g.





**Fanlararo aloqadorlik asosida darslarda vektorlarning fizik va geometrik talqinlarini bayon etish texnologiyasi.**


**M.A. Babayeva Termiz muhandislik texnologiya instituti assistenti.**  
**S. Turdiyev Termiz muhandislik texnologiya instituti talabasi.**

**Annotasiya.** Bugungi kun o'quvchisi fanlardan nafaqat ma'lum bilim, ko'nikma va malakalar to'plamini o'zlashtirishi, balki ularni turli vaziyatlarda qo'llay olishlari ham zarur. Bunda integratsiyalashgan darslardan foydalanish ijodiy faoliyatni rivojlantirish uchun keng imkoniyatlar yaratadi, kognitiv, ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishga, o'z bilimlarini mustaqil ravishda qo'llash, tanqidiy fikrlashni rivojlantirishga asos bo'ladi.

**Kalit so'zlar:** integrasiya, vektor, masala, skalyar, geometriya, koordinata, ko'paytma.

Zamonaviy ta'lim darslarni fanlararo tashkil etishni taqozo etmoqda, darslar o'quvchilarning qiziqishlari va ehtiyojlaridan kelib chiqib, bolaning shaxsiy tajribasiga asoslanishi muhim ahamiyat kasb etadi. Ta'limning asosiy vazifasi - atrofda voqelikni to'la qonli o'rganish bo'lib, bunda integratsiyalashgan darslar ta'lim sifatini oshirishga yordam beradi, darsni nostandart qiladi. Bunday darslarni ishlab chiqish bir necha fan o'qituvchilarining birgalikda faoliyat ko'rsatishini talab etadi va yaxshi natija beradi. Bu o'quvchilarda fanlar bo'yicha umumiy bilim sifati va qiziqishi ortishi, yuqori motivatsiya hosil bo'lishi bilan izohlanadi. O'quv materialining integratsiyasi ya'ni bir nechta fanda qo'llaniladigan umumiy tushunchalar bitta fanda (albatta o'qituvchi tomonidan to'liq o'rganilib) o'rganilayotganda fanlararo talqinlarini keltirish, boshqa fanlar bilan uyg'unlashtirish o'quvchilarning ijodiy tafakkurini rivojlantirishga yordam beradi, olingan bilimlarni real sharoitlarda qo'llash imkonini beradi, o'quvchilarning таянч kompetentsiyalari, madaniyatini va shaxsiy fazilatlarini rivojlantirishning muhim vositasi hisoblanadi.

Matematikaning asosiy tushunchalaridan biri bu vektor tushunchasi hisoblanadi. Vektor tushunchasi matematika, mexanika, texnikaning turli jabhalarida keng foydalaniladi. «Vektor» terminining o'zi 1845 yilda Vilyam Rouen Gamilton tomonidan kiritilgan. O'tgan asr oxiri va hozirgi asr boshlarida vektorlar ustida amallar va uning qo'llanishi keng rivojlandi. Vektorlar ustida qo'shish va songa ko'paytirish, vektorlarning skalyar, vektor va aralash ko'paytmalari, vektorlarni bazis







fazoda almashtirish, vektorlarni proyeksiyalash vektorli algebraning predmeti hisoblanadi.

Vektor algebrasi, vektor analizi vektor fazosining umumiy nazariyasi kabi bilimlar hozirgi zamon fizikasining asosiy qismi bo'lgan nisbiylik nazariyasida keng ishlatilishi natijasida yanada mustahkamlandi. Vektor matematikaning elementar, analitik va differensial geometriya bo'limlarida qo'llaniladi. Vektorli algebra fizika va mexanikanig turli bo'limlariga, kristallografiyaga, geodeziyaga tatbiq qilinadi. Vektorlar nafaqat fizika va matematikada balki boshqa ko'plab fanlarda qo'llaniladi. Vektorlar va ular ustida amallardan foydalanib geometriya va fizika fanlarida uchraydigan masalalarni qulay usulda yechish mumkun. Fizikada «vektor» so'zi ancha keng ma'noda ishlatiladi. Masalan, tezlikni vektor deb yuritiladi. Ammo, geometrik vektorning uzunligi metrlarda, tezlikning absolut qiymati esa sekundiga metrlarda o'lchanishining o'zidanoq tezlikning geometriyada qabul qilingan ma'nodagi vektor emasligi ko'rinib turibdi. Biz geometriyada tezlikni vektor emas, balki vektor kattalik deymiz. Umuman, vektor kattaliklar, o'zlarining modulidan tashqari, yo'nalishi bilan aniqlanadi. Ma'lum masshtab tanlab olinganda vektor kattaliklar geometrik vektorlar bilan tasvirlanadi. Bunda vektor kattaliklami qo'shishga ularni tasvirlovchi geometrik vektorlami qo'shish, vektor kattaliklami sonlarga ko'paytirishga esa ularni tasvirlovchi geometrik vektorlami o'sha sonlarga ko'paytirish mos keladi. Hisoblashga, yasashga hamda trigonometriya elementlarini qo'llashga oid masalalarni vektorlarni qo'llab yechish ancha qulay. Vektorlar yordamida geometrik va fizik masalalarni samarali yechishda nafaqat vektor algebrasi qonunlaridan foydalana olish, balki masalani vektor "tili"da o'girish va masala yechish usulini to'g'ri tanlay olish talab etiladi. Vektorlar tatbig'iga oid bir nechta masalalarni ko'rib chiqaylik.

**1-masala.** Agar  $|\vec{a}|=4$ ,  $|\vec{b}|=3$  bo'lib, vektorlar orasidagi burchak  $120^\circ$  bo'lsa, bu vektorlarga qurilgan parallelogram diagonallarining uzunliklarini toping.

Vektorlarni qo'shish va ayirishning parallelogramm qoidasiga ko'ra, ya'ni :  $\vec{a} + \vec{b}$  va  $\vec{a} - \vec{b}$  vektorlar  $\vec{a}$  va  $\vec{b}$  vektorlarga qurilgan parallelogrammning diagonallaridan iborat.





Yechish: parallelogram qoidasiga ko'ra :  $|\vec{a} + \vec{b}| = d_1$  ,  $|\vec{a} - \vec{b}| = d_2$

Vektor xossalaridan foydalansak:  $|\vec{a} + \vec{b}| = \sqrt{(\vec{a} + \vec{b})^2} = \sqrt{\vec{a}^2 + 2\vec{a}\vec{b} + \vec{b}^2}$

$$|\vec{a} - \vec{b}| = \sqrt{(\vec{a} - \vec{b})^2} = \sqrt{\vec{a}^2 - 2\vec{a}\vec{b} + \vec{b}^2}$$

$$d_1 = \sqrt{16 + 2 \cdot 4 \cdot 3 \cdot \cos 120^\circ + 9} = \sqrt{13}$$

$$d_2 = \sqrt{16 - 2 \cdot 4 \cdot 3 \cdot \cos 120^\circ + 9} = \sqrt{37}$$

**2-Masala.** Uchlari  $A(1; 3; 5)$ ,  $B(-3; 4; 7)$  va  $C(4; 6; 3)$  nuqtalarda bo'lgan uchburchak yuzasini toping.

**Parallelogrammning yuzasi.** Fazoda berilgan  $\vec{a}$  va  $\vec{b}$  vektorlarning vektor ko'paytmasining moduli  $|\vec{a} \times \vec{b}|$  son jihatdan shu  $\vec{a}$  va  $\vec{b}$  vektorlarga qurilgan parallelogrammning yuzasiga teng.

Demak,  $\vec{a}$  va  $\vec{b}$  vektorlarga qurilgan **uchburchakning yuzi** shu vektorlar vektor ko'paytmasi modulining yarmiga teng.


**Yechish.** ABC uchburchak yuzasi  $\vec{AB}$  va  $\vec{AC}$  vektorlarga qurilgan parallelogramm yuzining yarmisiga teng.

$$\vec{AB} = (-3 - 1; 4 - 3; 7 - 5) = (-4; 1; 2)$$

$$\vec{AC} = (4 - 1; 6 - 3; 8 - 5) = (3; 3; 3)$$

$$\vec{AB} \times \vec{AC} = (-3; 18; -15)$$

$$|\vec{AB} \times \vec{AC}| = \sqrt{9 + 324 + 225} = 3\sqrt{62}$$









$$S = \frac{3}{2}\sqrt{62}$$

**3-masala.** ABC ucburchakning A, B, C burchaklari berilgan bo‘lib, M nuqta BC tomonning o‘rtasi bo‘lsa BAM burchakni toping.

Yechish: faraz qilaylik  $\angle BAM = \alpha$ ,  
 $PB = c$ ,  $AC = b$ ,  $BC = a$



$\vec{AM} \parallel (\vec{AB} + \vec{AC})$  ekanligidan

$$\cos \alpha = \frac{\vec{AB}(\vec{AB} + \vec{AC})}{|\vec{AB}||\vec{AB} + \vec{AC}|} = \frac{AB^2 + (\vec{AB} \cdot \vec{AC})}{c(c^2 + b^2 + 2bc \cos A)} \text{ va } \frac{b}{c} = \frac{\sin B}{\sin C} \text{ dan}$$

$$\cos \alpha = \frac{\sin C + \sin B + \sin A}{\sqrt{\sin^2 B + \sin^2 C + \sin^2 A}}$$

$$\text{bundan } \alpha = \arccos \frac{\sin C + \sin B + \sin A}{\sqrt{\sin^2 B + \sin^2 C + \sin^2 A}}$$

**4-masala.** Kub diagonali bilan uning qirrasi orasidagi burchakni toping.

**Yechish.** Uning uchun kubning bir uchini koordinata boshi deb tushunib uch o‘lchovli Dekart koordinatalar sistemasini kiritamiz.

$$\vec{u} = (k; 0; 0), \vec{v} = (0; k; 0),$$


$\vec{w} = (0; 0; k)$  U holda diagonal bo‘yicha yo‘nalgan vektor

$$\vec{d} = \vec{u} + \vec{v} + \vec{w} = (k; k; k)$$

$$\cos \theta = \frac{\vec{u} \cdot \vec{d}}{|\vec{u}||\vec{d}|} = \frac{k^2}{k\sqrt{3k^2}} = \frac{1}{\sqrt{3}}$$

$$\theta = \arccos \frac{1}{\sqrt{3}} \approx 54,74^\circ$$

Jismga ta’sir etadigan kuchning (qo‘yilgan kuchni) yo‘nalishi ta’sir etish yo‘nalishi bilan bir xil, absolut qiymati esa kuch miqdoriga proporsional vektor bilan





tasvirlash qulay. Tajriba shuni ko'rsatadiki, kuchlami bunday tasvirlash usulida jismga bir nuqtada ta'sir qiluvchi ikki yoki bir nechta kuchning teng ta'sir etuvchisi shu kuchlarga mos vektorlarning yig'indisi bilan, agar qarama qarshi yo'nalgan bo'lsa vektorlar ayirmasi bilan tasvirlanadi, jismga A nuqtada a va b vektorlar bilan tasvirlangan ikkita kuch ta'sir etadi. Bu kuchlarning teng ta'sir etuvchisi  $c=a+b$  vektor bilan tasvirlanadi. Kuchni berilgan ikki yo'nalishda ta'sir etuvchi kuchlarning yig'indisi shaklida tasvirlash kuchni yo'nalishlar bo'yich yoyish (ajratish) deyilad. Fizikada jismning ilgariharakati deb shunday harakatga aytiladiki, bunda jismning barcha nuqtalari bir xil vaqt oralig'ida bir xil yo'nalishda bir xil masofaga siljiydi. Shunday qilib, fizikadagi siljish vektor darsligimizda qabul qilingan ma'nodagi vektor ekan.

**5-masala.** Moddiy nuqta A(2;4;6) nuqtadan B(4;2;7) nuqtaga  $\vec{F}(3;2;4)$  kuch ta'sirida to'g'ri chiziq bo'ylab ko'chgan. F kuchning bajaragan ishini va ko'chish yo'nalishi bilan tashkil qilgan burchagini toping.


**Doimiy kuch ishi.** Moddiy nuqta A nuqtadan B nuqtaga  $\vec{F}$  kuch ta'sirida to'g'ri chiziq bo'ylab  $\varphi$  burchak ostida ko'chgan bo'lsin.  $\vec{AB}=\vec{S}$  va (fizikadan ma'lumki)  $A=F \cdot S \cdot \cos\alpha$  ekanligidan  $A=\vec{F} \cdot \vec{S}$  kelib chiqadi. Demak, moddiy nuqtaning to'g'ri chizikli harakatida o'zgarimas kuchning bajarilgan ishi, kuch vektori bilan ko'chish vektorining skalyar ko'paytmasiga teng.

$$\vec{S}=\vec{AB}=(2;-2;1) \quad A=\vec{F} \cdot \vec{S}=3 \cdot 2+2 \cdot (-2)+4 \cdot 1=6$$

$$\cos\alpha=\frac{\vec{F} \cdot \vec{S}}{|\vec{F}| |\vec{S}|}=\frac{2}{\sqrt{29}}$$

$$\alpha=\arccos\frac{2}{\sqrt{29}}$$

**Xulosa** qilish mumkinki, fanlararo aloqadorlik bir qator fanlar bo'yicha bir biriga mos keluvchi o'quv materialini tanlash va tuzilishiga ta'sir qiluvchi, o'quvchilarning tizimli bilimlarini mustahkamlashga, o'qitish usullarini faollashtirishga, ta'limni tashkil etishning murakkab shakllaridan foydalanishga, ta'limning birligini ta'minlashga qaratilgan zamonaviy o'qitish tamoyilidir. Ta'limdagi integratsiya, eng avvalo, fanlardagi aloqalarni sezilarli darajada rivojlantirish va chuqurlashtirishni, turli fanlarni o'qitishni uyg'unlashtirishdan ularning chuqur o'zaro ta'siriga o'tishni nazarda tutadi. Fanlarning integratsiyasi fikrlash jarayonlarini






rivojlantiradi, ijodiy shaxsni rivojlantirishga yordam beradi, ta'lim oluvchida tabiatga, odamlarga, hayotga yaxshi munosabatda bo'lishga asoslanadi.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Yo.U. Soatov “Oliy matematika” 3-jild Toshkent “O’qituvchi” 1996yil
2. SH.R. Xurramov. Oliy matematika 1-jild. Darslik. Cho’lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. Toshkent — 2018y.
3. M.A.Babayeva. Matematik masalalarni yechishda fizika bilan fanlararo bog’lanish texnologiyasi. Toshkent davlat Pedagogika universiteti. Ilmiy axborotlari ilmiy nazariy jurnali. 2-son, 2022 yil. B. 4-11. ISSN 2181-9580 (13.00.00.№ 32)
4. M.A.Babayeva. Kompetensiyaviy yondashuvda o’quv fanlari integratsiyasining ahamiyati. Toshkent davlat Pedagogika. Ilmiy axborotlari ilmiy nazariy jurnali. 5-son, 2022 yil. B.328-334. ISSN 2181-9580 (13.00.00.№ 32)





## NUTQ MADANIYATI

Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti Pedagogika fakulteti "Boshlang'ich ta'lim metodikasi" kafedrası o'qituvchisi  
Xushbaxtova Dilnoza Jaylov qizi

Denov tadbirkorlik va pedagogika Instituti Pedagogika fakulteti talabasi  
Shuhratova Dilfuza


**Annotatsiya:** Nutq madaniyati, avvalo, to'g'ri, adabiy til me'yorlariga amal qilgan holda so'zlashishdir. Nutq madaniyatining yuqori darajasi madaniyatli kishining ajralmas xususiyati hisoblanadi. Yuksak nutq madaniyati kishining umumiy yuqori madaniyatini, fikrlash madaniyatini, tilga nisbatan ongli mehr-muhabbatini namoyan qiladi. Maqolada nutqning madaniyligi, yuksak nutq madaniyati sohibi bo'lish haqida fikr yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** nutq madaniyligi, nutqiy mahorat, til madaniyati kommunikativ sifatlar, adabiy me'yor, nutq texnikasi.

Avvalambor, tariximizga nazar solars ekanmiz unda go'zal nutq, nutq odobi, ona tilining qudrati kabi masalalar hamisha buyuk allomalarimiz diqqat markazida bo'lib kelgan. Jumladan, Mahmudxo'ja Behbudiy, Abdulla Avloniy, Abdurauf Fitrat, Ashurali Zohiriy kabi bir qator ma'rifat shaydolari tilimiz muhofazasi, tilning sofliigi va nutq odobi haqidagi jiddiy fikrlarini bayon qilganlar.

Bugungi nutq madaniyati tushunchasi nutq odobini ham o'z ichiga oladi. Nutq madaniyati fikrni mustaqil, ravon, go'zal va nutq vaziyatiga muvofiq tarzda ifodalashni nazarda tutadi. Raso nutq madaniyati jamiyat madaniy-ma'rifiy taraqqiyotining, millat ma'naviy kamolotining muhim belgisi, o'ziga xos ko'zgusidir. Nutqiy muloqotning samaradorligi nutq madaniyatiga bog'liq, chunki madaniy nutqqa chinakam ta'sir kuchiga ega bo'la oladi.

Muborak hadisi shariflarda <<Kishining zeb-u ziynati, go'zalligi uning tilidadir>> deyiladi. Mahmud Qoshg'ariy bobomiz esa <<Odobning boshi til>> ekanligini maqol tarzida qayd qilib ketganlar. Bizning madaniyatimizda latif so'zga oshuftalik, nutq latofatidan zavqlanish, ona tilida ta'sirli nutq ayta oluvchiga ayriha havas bilan qarash azaliy urflardan hisoblangan. Sharqda, xususan, o'zbeklarda so'z bilan tinglovchining faqat qulog'ini emas, balki qalbini ham zabt eta bilish, go'zal va betakror nutq ila tinglovchining yuragiga kirib borish nafaqat yuksak nutq sohibining, balki har bir barkamol insonning tarbiyasidan, ziyolilik belgilaridan sanalgan. Zotan, nutqning go'zalligi, nutqiy ifodaning aniqligi, rasoligi inson uchun o'ziga xos husn





bo`lib, u millatning, jamiyatning umumiy madaniy kamolotini shakllantiradi. Ulug` alloma Yusuf Xos Hojibning <<Qutadg`u bilig>> asarida <<til ardami>> (nutq odobi) haqida bir qancha e`tiborga loyiq hikmatlar mavjuddir:


1. So`zingga ehtiyot bo`l, boshing ketmasin.  
Tilingga ehtiyot bo`l, tishing sinmasin.
2. Bilib so`zlasa, so`z donolik sanaladi,  
Nodoning so`zi o`z boshini yeydi.
3. Aql ko`rki so`zdir va til ko`rki – so`z,  
Kishi ko`rki yuzdir, bu yuz ko`rki – ko`z.

Nutq madaniyati, avvalo, to`g`ri, adabiy til me`yorlariga amal qilgan holda so`zlash. Nutq madaniyatining yuqori darajasi har bir o`zini madaniyatli deb hisoblangan insonning ajralmas xususiyatidir. Nutq madaniyati ijtimoiy hodisa bo`lib, u jamiyat, fan va texnika, madaniy va adabiy hayot rivoji bilan chambarchas bog`liq holda taraqqiy etadi. Albatta har qanday nutqning asosiy maqsadi muayyan axborot va hissiy holatni tinglovchiga yetkazish va shu yo`l bilan unga ta`sir qilishdan iboratdir. Ammo nutq bunday ta`sir darajasiga ega bo`lishi uchun, albatta, madaniylik talablariga javob berishi, ya`ni nutqda bir qator zaruriy sifatlar mavjud bo`lishi kerak.

Nutqning madaniyligini ta`minlaydigan kommunikativ sifatlar bir qancha bo`lib, ularning asosiylari quyidagilardan iboratdir: to`g`rilik, aniqlik, mantiqiylik, ifodalilik, boylik, soflik, jo`yalilik.

Aytish joizki, nutqning to`g`riligi boshqa barcha kommunikativ sifatlarning poydevori vazifasini bajaradi. Shuning uchun ham nutqning to`g`riligi nutq madaniyatining birinchi bosqichi bo`lib, nutq tarkibi va qurilishining amaldagi adabiy til me`yorlariga to`la mosligi asosida yuzaga keladi. O`zbek adabiy tilida bu me`yorlar quyidagilar bilan farqlanadi: 1) leksik me`yorlar; 2) talaffuz me`yorlari; 3) so`z yasalishi me`yorlari; 4) morfologik me`yorlar; 5) sintaktik me`yorlar; 6) uslubiy me`yorlar.

Adabiy til me`yorlarining odatdagi nutqda buzilishi nutqning noto`g`ri tuzilishiga olib keladi. Ammo badiiy adabiyotda muayyan estetik maqsad bilan adabiy til me`yorlaridan chekinish holatlari ham kuzatiladi va ular badiiylik uchun xizmat qiladi. Masalan, o`zbek tilidagi grammatik me`yorlarga ko`ra, ega shaxs bo`lmasa, u ko`plik sonda bo`lsa-da, kesim ko`plik qo`shimchasini olmaydi. Maqsud Shayxzodaning qalamiga mansub quyidagi she`riy parchada bu me`yor cheklab o`tilganini guvohi bo`lishimiz mumkin:






Tovushlarning kichik, ulug`i,  
Tovushlarning hidi – bo`yi bor.  
Tovushlarning sovuq, ilig`i,  
Tovushlarning rangi – ro`yi bor.  
Tovushlarning shirin - achchig`i,  
Bordir hatto yumshoq, qattig`i.  
Shoir rassom bo`lsaydi agar,  
Chizar edi shundan lavhalar.

Yuqori nutq madaniyati sohibi bo`lishimiz uchun biz albatta nutq texnikasini mukammal tarzda o`zlashtirishimiz kerak bo`ladi. Nutq texnikasi deganda jonli, tovushli nutq va uning barcha unsurlarini to`g`ri voqelantirish ko`nikma va malakalarining jami tushuniladi. Bunda ovozning sifati, nutq jarayonida to`g`ri nafas olish, tovush va tovush qo`shilmalarini aniq talaffuz qilish – aniq diksiya, nutq oqimining mazmun ifodasiga uyg`un tarzda tez yoki sekinligi kabi bir qator hodisalar nazarda tutiladi.

Nutq madaniyati jamiyat taraqqiyotining muhim belgisi bo`lib, unda millat ma`naviyati o`z aksini topadi. Insonning o`z ona tiliga bo`lgan mehr-u muhabbati va hurmati, o`z tilini qanchalik bilish – bilmasligi undagi madaniylik darajasi o`lchovi hisoblanadi. Madaniyatning asl ma`nosini tushungan inson o`zi gapirgan tilning sofligi, tantanasi uchun hamma vaqt jon kuydiradi. Bunday inson ruscha gapirayotganda, rus tilining, o`zbekcha gapirayotganda o`zbek tilining sofligini saqlaydi. Madaniyatning nima ekanligini anglamagan, o`z ona tilini qadrlamagangina ruscha gapirib turib o`zbekcha so`zlarni, o`zbekcha gapirib turib ruscha so`zlarni aralashtiradi. Bu esa har ikkala tilni buzish, ikkala tilning yuziga oyoq bosishdan boshqa narsa emas!. Madaniyatli bo`lish uchun insonga faqat bilim, kiyim, taqinchoq, yaxshi ro`zg`orning o`zigina kifoya emas, shular bilan birga shirinso`zlik, tozalik, saranjomlik, og`irlik, halollik va eng muhimi, o`z ona tiliga muhabbat va uning sofligini saqlashga harakat ham zarurdir.

Nutq madaniyati ila insonning qalbiga kirish, balki ziddiyatlarni bartaraf etish, noo`rin kelishmovchiliklarning oldini olish, vatanga, ota-onaga, buyuk tariximizga hurmat tuyg`usini bildirish mumkin. Shu o`rinda quyidagi she`riy parchani tahlil qilib o`tsak:

Besh asrkim nazmiy saroyini,  
Titratadi zanjirband bir sher.





Temur tig`i yetmagan joyni,

Qalam bilan oldi Alisher.


Tarixdan ma`lumki Sohibqiron Amir Temur bobomiz buyuk sarkarda bo`lganlar. Turli jang-u jadallar bilan qanchadan qancha davlatlarni o`ziga bo`ysundirgan. Ammo shunday buyuk sarkardaning tig`i yetmagan joylarni, so`zlarni mohirona tarzda ishlatib insonlarning qalbiga kirib borgan she`r-u g`azallari, davlatlarni muzokaraga chorlagan nutqlari ila o`ziga maftun aylagan yana bir ajdodimiz so`z mulkinging sultoni Alisher Navoiy bobomiz haqida go`zal satrlar bitilganiga guvohi bo`lishimiz mumkin.

Xulosa o`rnida shuni aytishimiz mumkinki, mustaqil O`zbekistonimiz ravnaqi, taraqqiyot darajasining oshishi jamiyatning madaniyat, ma`naviyat, ilm-fan sari intilishi natijasida ro`yobga chiqishi, jannatmakon ona diyorimizning yanada gullab-yashnashi uchun turtki bo`la oladi deb ayta olamiz. Nutq madaniyatimizni yuksaltirish har bir, o`zini shu ona vatan farzandi deb bilgan va ona tili uchun jon kuydira oladigan yetuk va barkamol shaxsning oldidagi eng katta burchidir.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. R.Qung'urov, E.Begmatov, Y.Tojiyev.Nutq madaniyati va uslubiyat asoslari.
2. T.Qudartov. Nuqt madaniyati asaslari.
- 3.K. Nazarov.Nutq madaniyatiga oid masalalar.
4. B.Mengliyev, O'.Xoliyorov, N.Abdurahmonova "O'zbek tilidan universal qo'llanma"

[5.@nargizaerkaboyeva](#)





## THE HISTORY OF COVERAGE OF ISSUES OF IDEOLOGICAL STRUGGLE IN THE HISTORY OF UZBEKISTAN IN THE 20'S XX CENTURY.

Lobar Eryigitova - Doctor of Sociological Sciences, Termez Institute of Engineering and Technology

**Annotation:** This article is devoted to one of the most important topics in the history of Uzbekistan. In particular, the history of the struggle of our people for their freedom and independence in the 20s of the last century was covered and falsified according to the existing principles of the historiography of that time - the principle of classicism and partisanship. Despite the difficult situation, it was our national intelligentsia, our great-grandfathers, who first of all began to truthfully illuminate the historical truth. Western historians have also carried out considerable scientific research to examine the historical truth on a scientific basis, especially in the coverage of issues related to the policy of bloodshed initiated by the Soviets.

**Key words:** the principle of classicism and partisanship, historical methodology, the school of Sovietologists, pan-Turkism, pan-Islamism, "basmachi movement"<sup>1</sup>, scientific and theoretical views of the national intelligentsia.


The science of history studies the ways of development of society on a scientific basis. And the history of society is the history of the productive forces of man - the totality of man-made tools of labor and production relations - from primitive political associations to the modern state system. As humanity begins to live in the form of society, the scope and content of historical science expands. History is a laboratory. By studying the past, we observe the importance of our present day, draw conclusions and lessons for tomorrow. The past of our ancestors is full of bright pages. But it is clear that history is not only victories, but also ups and downs, ups and downs and crises.

Before our independence, historical science was politicized, subordinated to the interests of the dominant ideology and the dominant political party.

In the scientific methodology of the Soviet era, the period of the struggle of our people against the authoritarian system was assessed one-sidedly, and those who fought for the freedom of their people were mistakenly assessed as "oppressors". The origin of the national liberation struggle, the main periods and stages of the struggle of this important period, the main driving forces of this movement, its national structure and the factors of its victories or the reasons for its defeat were misinterpreted. In this

---

<sup>1</sup> The Basmachi movement (russian басмачество, derived from Uzbek "basmachi" meaning "bandits") was an uprising against Russian imperial and Soviet rule by the Muslim peoples of Central Asia








existing structure, this struggle for freedom could not find its true meaning. That is why this important historical period was falsified in Soviet historiography.

In the historiography of Uzbekistan, the issue of "basmachi movement" has been dealt with since the 20s of the 20th century. On this issue there was a great ideological struggle even at a time when the national liberation struggle was in full swing. The communist historians of that time approached these issues from the point of view of classism and partisanship and could not show the true nature of this movement. In their opinion, it was an armed movement against the Soviets, propagating the ideas of pan-Turkism, pan-Islamism, organized by the hand of international imperialism, and even in these movements, local and falsifications of the events of the October Revolution of the Russian bourgeoisie and feudal-clerical circles. When substantiating their ideas, they take into account the opinion of local Soviet figures, such as N. Torakulov, M. Shklyar . (M.A. Shklyar, From way x Impressions of Fergana - Military thought of the book. I; Dervesh.T. Fergana problem - Military thought book II, Modern Basmachi "Communist 1922 No. 3)

Later, on this occasion, A. Vinogradov, V. A. Gurko- Kryazhin published a number of articles in the journals "Istorik-Marxist" for 1923 and 1926 and tried to prove that the British imperialists had a hand in creating a "basmachi" in Khorezm and Fergana.

One of the local leaders of that time, G. Safarov, was able to give a correct assessment of this movement. His 1921 work titled The Colonial Revolution (The Experience of Turkestan) was later denounced, he was removed from positions of responsibility for the truth, and in the late 1920s he was accused of "Trotskyism". Although G. Safarov was a communist, he summarized with sufficient evidence the true nature of the national liberation movement, the reasons for its emergence, and explained that this movement was popular and was the result of a great mistake by the Soviets in national policy. According to G. Safarov, the economic, social and political situation in Turkestan before the revolution could not be a factor in the preparation of the revolution. The people of Turkestan were not ready for the revolution, the ideas of the revolution were alien to the faith and way of life of the peasant people. The revolution was "exported" to Turkestan from Russia. At the same time, G. Safarov justified the fact that the Soviets continued the colonial policy of tsarism from the first days of revolutionary upheavals. In his opinion, the national composition of the "basmachi" movement is made up of ordinary people - the poorest Uzbeks, Tajiks, Turkmens, Tatars, Kyrgyz, etc.






In fact, the first political parties that formed in Turkestan, the first national government - the Turkestan autonomy, were met by all the peoples of this land with great goodwill, and the people openly supported the activities of this government. This was contrary to the essence of the colonial policy that the Soviets began to pursue in our country at that time, so this government was formed on legal grounds and had neither a religious nor a nationalist spirit. At the same time, the Soviets lost the self-confidence of the local population. The destruction of the Turkestan Autonomous Region was an important factor that led to the beginning of the national liberation struggle, first in Ferghana, and then throughout the territory of Turkestan.

The Cabinet of Ministers about providing comprehensive help to women in a difficult social situation, disabled, low-income, raising children as a single-parent: the procedure for providing low-cost housing to mothers in need of improvement on the basis of the funds of the Public Fund for Women and Family Support every year in the republic, 10 percent of the initial contribution payments are being paid for houses given to more than a thousand women and girls who live in difficult living conditions, have disabilities, and need housing. In a word, women are always in the state's attention in Uzbekistan. These policies will continue to be executed, because when a woman feels happy, society will be prosperous, the stability of the spiritual environment in the family will be ensured.

#### REFERENCES:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 2-fevraldagi PF-5325-son Farmoniga 6-ILOVA.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 18-fevraldagi PF-5938-son Farmoniga 2-ILOVA.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 17-martdagi PF-6188-sonli Farmoni tahririda — Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 17.03.2021-y, 06/21/6188/0216-son).
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-noyabrdagi PF-27-sonli Farmoniga asosan o‘z kuchini yo‘qotgan — Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 01.12.2021-y., 06/21/27/1116-son).







## ZULFIYA- SADOQAT KUYCHISI

**Rozikova Sayyora Xabibullayevna**

Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti Pedagogika fakulteti Boshlang'ich ta'lim metodikasi o'qituvchisi

**Djamolova Shahnoza Sirojiddinova**

Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti Pedagogika fakulteti Boshlang'ich ta'lim yo'nalishi talabasi

**Annotatsiya:** O'zbekning buyuk shoirasi Zulfiya Isroilovaning hayoti, ijodiy faoliyati, uning o'zbek adabiyotidagi o'rni atroflicha tahlil qilingan. Zulfiya she'rlaridagi insonparvarlik, muhabbat va sadoqat kabi tuyg'ularning aks ettirilishi.

**Kalit so'zi:** Zulfiya, she'r, she'riyat, adabiyot, muhabbat, sadoqat, oliyanoblik

**Kirish.** Zulfiya Isroilova – taniqli va iqtidorli o'zbek shoirasi. Yorqin rassom, oddiy inson qalbini o'tkir his qilgan – mehnatkash, Sharq ayolining jamiyatdagi teng huquqi uchun mardonavar kurashgan ayol. Zulfiya she'riyatining nufuzi – bizning dabdabali murakkab davrimizning haqqoniy ifodasi, o'ziga xosligi, zamondoshlarimizning qalbi va harakatlarining yorqin tasviridir. O'zbek xalqining atoqli va ardoqli vakili, taniqli jamoat arbobi, xalqaro tinchlik uchun kurash jarchisi Zulfiya Isroilova xalqaro “Nilufar”, Javoharlal Neru nomidagi hamda Davlat mukofotlari sohibasidir.

Zulfiyaxonim Isroilova 1915-yili Toshkent shahrining qadimiy Degrez mahallasida tavallud topgan. Avval boshlang'ich maktabda, so'ng xotin – qizlar bilim yurtida tahsil olgan. Shoira badiiy ijodga juda erta kirishdi. O'n yetti yoshida “Hayot varaqalari” deb atalmish dastlabki she'riy kitobini chop ettirdi. 1935-1938-yillarda O'zbekiston fanlar akademiyasining Til va adabiyot instituti aspiranturasida o'qigan. Shundan keyin turli nashriyotlarda ishlagan. 1935-yildan 1980-yilgacha, qariyb o'tiz tilga yaqin respublikamizda keng tarqalgan “Saodat” nomli xotin -qizlar jurnalida bosh muharrir bo'lgan. Uzoq ijodiy umri davomida o'ttizga yaqin she'riy to'plamlar, o'ndan ortiq dostonlar yaratdi.

Zulfiyaxonim Isroilova Hamid Olimjon bilan turmush qurgan. Biroq ular orzularga to'la hayot kechirayotgan pallada 1944-yili mashina halokati tufayli turmush o'rtog'idan ayrildi.

Zulfiyaning ulkan iste'dodi faqat yurtimizdagina emas, balki dunyo miqyosida ham e'tirof etilgan. Shoira she'rlarining elaro mashhurligi tasodifiy emas. U bolaligidan





olamga hayrat ko'zi bilan qarovchi, uning boshqalar ko'rolmaydigan jihatlarini ilg'ovchi qizaloq ekanligi bilan ajralib turardi. Buning ustiga, oilasidagi muhit ham yosh Zulfiyada badiiy ijodga ishtiyoqni alangalatardi.


Shoira bolaligini shunday eslaydi: "Otamni... Isroil degrez der edilar. Otam zahmatkash temirchi edi. Otamning hamma vaqt olovga yo'ldosh kasbidan faqat zavq ko'rar edim. Otamday qudratli odam yo'q edi men uchun. Temirlar otam qo'lida chaqmoqlar taratishiga boqib, hayratda qolar edim. Uning qo'llari cho'g'ga aylangan temir parchasini istagan shaklga solib, inson uchun kerakli narsaga aylantirishga qodir edi. Men hali-hanuz otamday bolishni orzu qilaman, ammo na iloj, inson qalbiga kira bilish temirga ishlov berishdan mashaqqatliroq, yurakni chaqmoq kabi alanga oldirish har kimga ham muayassar bo'lavermas ekan..."

Mening onam o'zining ta'biricha, "usti butun – ichi tutun" ayollardan edi. U hamma vaqt kamgap, xayolchan edi, lekin fikrlari, o'ylari mudroq emasligini, unga mutelik, zaiflik yot ekanligini bilar edim. Ruhidagi ma'yuslik, ovozidagi hazinlik faqat uning xarakteriga xos bir sifatgina edi, xolos.

Onamning qancha-qancha qo'shiq va afsonalarni, doston va ertaklarni bilishiga aqlim bovar qilmadi. Bu sehrli afsona va ertaklar bizga benihoya huzur bag'ishlar, o'ziga rom qilib olar, har safar yangi jilva kasb etardi. Aminmanki, mo'jizalar yaratishga qodir, jahonni ko'zga keng ochuvchi, insonni go'zallik sari yetaklovchi so'zga shaydolik hissini mening qalbimda ostona hatlab ko'chaga chiqmagan oddiy ayol – onam uyg'otgan..."

Zulfiya she'riyati ana shunday pokiza buloqlardan suv ichgan ijoddir. Ayni shu sababdan uning tinchlik haqidagi, inson ruhiyatini g'ajib tashlay oladigan hijron to'g'risidagi, tabiatning ajib bir holati borasidagi she'rlari hech kimni befarq qoldirmaydi. Shu bois shoira barcha ayollarga, barcha onalarga, barcha ma'shuqalarga xos, tushunarli, anglanarli bo'lgan she'riyati aslo eskirmaydi. Uning asarlarida halol inson tuyg'ularining porloq yulduzi charaqlab turadi.

Shoira "Oydinda", "Sensiz", "Yurak", "Falak", "Bahor keldi seni so'roqlab", "O'g'irlamang qalamim bir kun", "Bo'm-bo'sh qolibdi bir varaq qog'oz" kabi she'rlari, "O'g'lim, sira bo'lmaydi urush", "Mushoira" kabi she'rlari xalq orasida mashhur. "Uni Farhod der edilar", "Quyoshli qalam", "Xotiram siniqlari" kabi lirik va liro-epik dostonlar muallifi. Shoira turmush o'rtog'i Hamid Olimjonning bevaqt vafotidan so'ng ko'plab mahzun she'rlar yozdi. Pushkin, Lermontov, Nekrasov, L.





Ukrainka, V. Inber va boshqa ko'plab shoirlarning asarlaridan namunalarni o'zbek tiliga tarjima qilgan.

Zulfiya she'riyati tabiatga hamda uning ajralmas qismi va yuqori cho'qqisi bo'lmish odamzotga nisbatan hayajonli sevgi bilan burkangan. Uning she'rlarida tabiat och ranglarda, yorqin bo'yoq va timsollarda gavdalanadi.


Zulfiyaning olijanoblik, jasorat, haqqoniy xalq g'ururi, tabiat va insonga nisbatan samimiy tuyg'ular va hurmat, boy ranglar va kutilmagan yangi timsollar bilan yo'g'rilgan lirikasi kitobxon qalbini larzaga keltiradi, insoniyatning kelajakka bo'lgan ishonchini mustahkamlaydi.

Iqtidorli shoira va yozuvchi, inson qalb tug'yonlarini o'tkir bilimdoni bo'lib, turli janrlarda asarlar yaratgan: dostonlar, balladalar, elegiyalar, nasriy she'rlar, hikoyalar, ocherklar, publististik maqolalar va gazeta xabarlar. Uning ko'p she'rlari SSSR xalqlari tinchligi va do'stligi sari kurashga bag'ishlangan edi. Urush yillari u vatanparvarlik she'rlarini yozgan. U tomonidan, shuningdek, o'zbek bastakorlarining operalariga librettolar ham yozilgan, masalan, "Zaynab va Omon" operasiga libretto. Shu bilan birga, turmush o'rtog'i Hamid Olimjon qalamiga mansub "Semurg'" dostoni mavzusi asosida, ertak-sahna asarini ham yozgan.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsam, Zulfiyaxonim o'zbek she'riyatida o'ziga xos o'ringa ega shoira bo'lishi bilan birga inson sifatida ham shu xalqning barcha olijanob xislatlariga ega ayol bo'lgan. Bugun shu maqolani yozish va Zulfiyaxonimni ijodiga chuqurroq nazar solish orqali yana bir karra amin bo'ldimki, o'zbek adabiyoti XX asrda har qancha ziddiyatli, mashaqqatli va murakkab yo'lni bosib o'tgan bo'lmasin, unda bir qator tom ma'nodagi ijodkorlar yetishib chiqqan va ularni ichidagi porloq yuzlulardan biri bu- Zulfiyaxonim! Bugungi istiqloq kunlarida ularning ijodlari yangi qirralari bilan namoyon bo'lmoqda. Zulfiyaxonimning hayoti va ijodi barcha xotin-qizlar uchun ibrat. Negaki, uning hayotidagi mehnatsevarligi, doimo olg'a intilishi, sevgi bobida sadoqatli yor ekanligi, badiiy ijod borasida tinimsiz izlanuvchanligi hamda hayot qiyinchiliklarida esankiramasligi, erishilgan yutuqlar oldida o'zini yo'qotmasligi har qanday qiz yoki ayol qalbida havas uyg'otadi.


Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Qayumov L. Shoira Zulfiya. Toshkent, O'zadabiynashr, 1965
2. Mirvaliyev S. O'zbek adiblari. Toshkent; Yozuvchi, 2000
3. Tanlangan asarlar (3jildi), Toshkent, 2008
4. G'afurov I. Zulfiya siymosi // Sharq yulduzi, 2015, №1. - B. 114-120.






5. Sharafiddinov O. Sizni sog'indim, Zulfiya opa! - Ijodni anglash baxti. - T., Sharq, 2004.
6. Habibullayevna, R. S. (2023). BOBUR ADABIY MUHITI VA UNING MANBALARI. *Scientific Impulse*, 1(7), 157–162. Retrieved from <http://nauchniyimpuls.ru/index.php/ni/article/view/5610>
7. Habibullayevna, R. S. (2022). O 'ZBEK TILINING LUG 'AT BOYLIGI. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(6), 825-826.
8. Khabibullayevna, R. S. (2021). HISTORY OF NAMING OF UZBEK LITERARY LANGUAGE. *ResearchJet Journal of Analysis and Inventions*, 2(06), 26-28.
9. N. N. Donayeva, & F. A. Normurodova (2021). O'QUVCHILARDA MA'NAVIY-AXLOQIY SIFATLARNI SHAKLLANTIRISHDA ZAMONAVIY AXBOROT VOSITALARIDAN FOYDALANISH. Academic research in educational sciences, 2 (NUU Conference 1), 214-216.
10. Donayeva, NNT (2020). ZAMONAVIY AXBOROT MUHITIDA O'QUVCHI YOSHLARNING MA'NAVIY-AXLOQIY QIYOFASINI YUKSALTIRISH. *Talabalar gazetasi* , (22-8), 65-66.
11. Baxriddin o'g'li, F. O., Abdunabiyevich, F. A., & Norbo' Tayevna, N. D. (2022). IMPROVING VOCATIONAL EDUCATION IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS BY DEVELOPING PRIMARY MECHANISMS OF NATIONAL CRAFTS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(02), 577-580.
12. Donaeva, N. (2022). PEDAGOGICAL SYSTEM OF FORMING SPIRITUAL MATURITY IN STUDENTS IN INFORMATION ENVIRONMENT. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL)*, 3(12), 64-72.
13. Abdunabievich, F. A., Ugli, F. O. B., & Norbutaevna, N. D. (2022). TYPES OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES THAT CORRESPOND TO THE SPECIFICS OF MORAL AND AESTHETIC EDUCATION AND TEACHING OF STUDENTS.
14. Abdurazakov, F. A., & Meliev, S. K. (2022). Interactive Methods Used In The Formation Of Creative Activity (On The Example Of Primary School Students). *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(1), 257-262.
15. Abdurazakov, F. A., & ugli Odinaboboev, F. B. (2022). Pedagogical importance of using module educational Technologies in the system of continuous education on the basis of modern approaches. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(1), 173-180.





16. Абдуразақов, Ф. (2022, October). ЎҚУВЧИЛАРГА АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК ТАРБИЯ БЕРИШДА НОТИҚЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. In *E Conference Zone* (pp. 110-115).
17. Абдуразақов, Ф. (2022). ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА УҚУВЧИЛАРНИНГ НОТИҚЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. *Conferencea*, 78-84.33
18. Чарыев, И., & Абдуразақов, Ф. (2021). СОВРЕМЕННЫЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБРАЗОВАНИИ В УЗБЕКИСТАНЕ. *Энигма*, (32), 86-93.
19. Abdurazakov, F. (2022). SPEAKING SKILLS FORMATION MECHANISMS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(11), 91-100.
20. Абдуразақов, Ф. А. (2023). ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА НУТҚҚА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР. *Journal of Universal Science Research*, 1(1), 36-42.
21. Xudayqulov, X., & Abdurazaqov, F. (2022). ЁШЛАР ОРАСИДА НУТҚ МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ. *Science and innovation*, 1(B7), 815-821.
22. Чарыев, И. Профессор кафедры Педагогика ТерГУ. Абдуразақов Фазлиддин, Магистрант 2-курса ТерГУ. СОВРЕМЕННЫЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБРАЗОВАНИИ В УЗБЕКИСТАНЕ. *Научно-практический журнал «Энигма» Выпуск № 32 (Апрель 2021).*, 86.
23. Vaxriddin o'g'li, F. O., Abdunabiyevich, F. A., & Norbo' Tayevna, N. D. (2022). IMPROVING VOCATIONAL EDUCATION IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS BY DEVELOPING PRIMARY MECHANISMS OF NATIONAL CRAFTS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(02), 577-580





## ZULFIYA SHE'RIYATIDA BADIY OLAM TALQINI

**Roziqova Sayyora Habibulayevna**

Denov tadbirkorlik va pedagogika institute Pedagogika fakulteti Boshlang'ich ta'lim metodikasi kafedrasida o'qituvchisi

**Ubaydullayeva Sayyora Ro'ziboy qizi**

Denov tadbirkorlik va pedagogika institute Pedagogika fakulteti Maktabgacha ta'lim yo'nalishi talabasi

**ANNOTATSIYA:** Ushbu maqolada shoira Zulfiya she'riyati haqida ma'lumot beriladi. Shoira Zulfiya she'rlarining mavzu ko'lami, obrazlar olami tahlil qilinadi. Shuningdek, shoira Zulfiyaning poetik timsol yaratish mahorati she'rlari tahlili orqali oydinlashtiriladi. Zulfiya she'rlarining tahlili shuni ko'rsatadiki, she'rlarining ruhi va ohangini, mazmuni va yo'nalishini, avj pardasini, maqsad, g'oya va ideallarini umuminsoniy fikr va tuyg'ular belgilaydi. Shu ma'noda, Zulfiya ijodining haroratini ta'minlagan omil ham undagi jo'shqin va faol insonparvarlik, poetik timsol, go'zal tuyg'ular olamidir. Zulfiya lirikasi teran tafakkur va jo'shqin hissiyot vobastaligidan hosil bo'lgan she'riyatdir. Maqolada shoira she'riyatining aynan shu jihatlari o'z ifodasini topgan.


**KALIT SO'ZLAR:** Lirik kechinma, qahramon tabiati, mavzu ko'lami, obrazlar olami, poetik timsol, mavzu, g'oya.

**ABSTRACT:** This article provides information about the poetry of the poetess Zulfiya. The scope of the theme and the world of images in the poems of the poet Zulfiya are analyzed. The poet Zulfiya's mastery of creating a poetic image is also clarified through the analysis of her poems. An analysis of Zulfiya's poems shows that the spirit and tone, content and direction, climax, purpose, ideas and ideals of her poems are determined by universal thoughts and feelings. In this sense, the factor that provides the warmth of Zulfiya's work is her passionate and active humanity, poetic image, the world of beautiful emotions. Zulfiya's lyrics are a poem of deep thought and passion. These are the aspects of the poet's poetry that are reflected in the article.

**Keywords:** lyrical experience, the nature of the protagonist, the scope of the theme, the world of images, the poetic image, the theme, the idea.

### KIRISH

Zulfiya ijodi va u yaratgan poetik asarlar hozirgi o'zbek she'riyatida muayyan ahamiyatga molikdir. Shoira Zulfiya ijodida xotin-qizlar mavzusining ko'p jihatlari teran yoritilishi, sevgi va hijron motivlarining haqqoniy badiiy tadqiq etilishi, tinchlik,






xalqlar do'stligi g'oyalarning ancha tasirchan tarannum etilishi tahsinga sazovor. Ma'lumki, Zulfiya tomonidan yaratilgan asarlarida realistik tasvir tamoyillari kuchayganligi hamda poetik obrazlar olami kengayganligini ko'rsatadi. O'zbek adabiyotshunosligining dolzarb muammolaridan biri san'atkorning o'ziga xos, betakror badiiy olamini o'rganish bo'lib, bu masalaning teran atroflicha tadqiq qilinishi yozuvchining individual mahoratini ko'rsatishga, uning adabiyotimiz taraqqiyotidagi o'rnini belgilashga xizmat qiladi. Zulfiyaning poetik fikrlash tarzini jiddiy o'rganish, uning asarlaridagi obraz va obrazlilikning tabiati, xarakterini yana ham to'laroq ochish o'zbek she'riyatidagi katta bir turkum asarlar mohiyatini tushunishga imkon beradi.

### ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Zulfiya she'riyati, shoira shoiraning poetik timsol yaratish, shoira badiiy olami borasidagi mahoratini N.Karimov, I.G'afurov, A.Akbarov, O.Sharafiddinov, H.Umurov, O.Hojieva, M.Ulug'ova, N.Jabborov, D.To'raev kabi adabiyotshunos olimlarimiz, ijodkorlarimiz alohida ta'kidlaganlar va Zulfiya ijodiga yuksak baho berganlar. Shuningdek, muallifligim ostida nashr etilgan "Shoira Zulfiyaning badiiy olami" nomli monografiyamizda, "Zulfiya lirikasida tuyg'ular tadriji", "Zulfiya badiiy mahoratining ba'zi qirralari" kabi maqolalarimizda shoira Zulfiya badiiy olami va uning o'ziga xos jihatlari tahlil qilingan. Shu bilan birga, Zulfiya ijodida kuzatiladigan voqelikka yangicha estetik nuqtai nazardan yondashish tamoyillari, insonparvarlik, falsafiylik, obrazli fikrlashdagi o'ziga xosliklar shoira shoiraning novatorlik izlanishlari bilan belgilanishini e'tirof etganlar.

### NATIJALAR

Zulfiya she'riyati hissiy ta'sirchanligi, tuyg'ulari rozining originalligi, mushohada va ifoda tarzining o'ziga xosligi bilan betakroridir. Ayniqsa, ijodining umumbashariyligi va zamonaviyligini, asarlarida sadoqatu vafo tuyg'ulari insoniylikning bosh mezoni darajasiga ko'tarilganligini kashf etish hamon dolzarbdir. Zulfiya yangi davr ayollar she'riyatining maktabida turib XX asr o'zbek adabiyotining ayol shoiralari poetik maktabini yaratdi. H.Xudoyberdieva, O.Hojieva, G.Jo'raeva, E.Oxunova va yana boshqa ko'plab shoira Zulfiya ijodining davomchilari sanaladilar. Ta'kidlash joizki, hozirgi paytda muayyan shoir she'rlari alohida o'ziga xosligini o'rganish bilan bog'liq qator muammolar va ularning natijalari bugunga qadar yaxlit holda umumlashtirilmaganligi ko'zga tashlanmoqda. Bundan tashqari, Zulfiya badiiy olami tur spetsifikasi - lirik asar dunyosi nuqtai nazaridan adabiy-nazariy jarayon sifatida yaxlitlashtirilgan.





XX asr o'zbek poeziyasida jahon she'riy maktablarining o'mi va ta'siri beqiyos. Bular adabiy aloqalarning mustahkamlanishida yorqin namoyon bo'lgan.

Shoira go'zal hayotning muayyan tomonini badiiy tadqiq qilar ekan, u asosiy e'tiborini inson qalbida kechayotgan ziddiyatlar, tuyg'u tovlanishini ifodalashga qaratadi. U inson ruhiy olamini rang-barang ko'rinish vaziyatlarda badiiy tadqiq etib, shu orqali uning yaratuvchilik, bunyodkorlik hamda borliqdagi barcha sodir bo'lgan, bo'layotgan voqealarga mas'uliyat hissini oshirishga intiladi. Shu jihatlari bilan shoira Zulfiya H.Olimjon she'rlaridagi ba'zi poetik ifodalarni lirik tasvir yo'nalishiga singdirib yuboradi:

Kecha jimjit: ko'p go'zal kecha,  
Qaraysanu suqing kiradi.  
Yonadi gul, jilmayar g'uncha,  
Ellar g'ti-g'tf esib turadi.


Tabiat go'zalliklaridan behad chuqur hayajonga tushish, o'z tuyg'ularini tabiatdagi tovlanishlar surati orqali berish Zulfiya ijodiga xos xususiyatlardan biridir. Shoironing hayoti haqidagi falsafiy fikrlari, lirik kechinma yo'nalishi hamda tabiat tasviri bilan hamohang teranlashib, tiniqlashib boradi. Fikr bilan tuyg'u uyg'unligi inson umrining abadiylikka daxldorligi mohiyatini ochadi:

Hijroning qalbimda, sozing qo'limda,  
Hayotni kuylayman, chekinar alam.  
Tunlar tushumdasan, kunduz yodimda,  
Men hayot ekanman, hayotsan sen ham.

Zulfiya mahoratidagi bunday o'ziga xoslik uning tasvir ob'ektini yangicha badiiy tadqiq etishi, u haqida yangicha fikrlashga intilishi natijasidir. Shuning uchun ham Zulfiya an'anaviy obrazlar qa'ridan yangi-yangi ma'no izlaydi.

Shoira Zulfiya ijodining poetik olami va estetik qarashlari ham mazkur jarayonning bir halqasini tashkil etadi. Negaki, ijodkor o'z davrining komil farzandi. O'zi yashab turgan ijodiy muhit suvratidan estetik qarashlari shakllanadi. Ustozlari boshlab bergan salmoqli ishlar, keyingi avlod nazaridan izsiz o'tmaydi. Bularni davom ettirganligi uchun bugungi adabiy jarayon o'ziga kerakli va muhim jihatlardan ibrat olishda davom etmoqda.\

Gavhar marjon kabi yaltirab tursa,  
Meni ham o'raydi she'riy hayajon!







Quyoshni qarshilab chiqib ayvonga,  
Nurlarga ko'milib yuraman shodon


Kuz poetik obraz darajasiga ko'tarilgan mazkur parchada lirik qahramonning kayfiyati shodlik va xurramlikni aks ettirmoqda. Hissiy bo'yoqdorlik bo'rtib ko'ringan ushbu she'r mohiyatida lirik obraz - kuz ziynati mushohada sahniga olib chiqilgan. Shuningdek, bu misralarda kuz ziynati-poetik timsol darajasiga olib chiqiladi. Idrok va tushuncha qa'rida tuyg'u realizmi kashf qilinadi. Shoira bir dam bo'lsa ham o'quvchi oldidagi samimiyatini pinhon tutmaydi, aksincha ro'y-rost izhor qilishni maqsad qiladi. Bular she'rning doimiy qoidalarini maromida ifodalanganida aniqroq ko'rinadi. "Tovusday bezangan daraxt bog'lari" tashbehining kuzga ishorasi o'ziga xos sifat darajasini yuzaga keltirgan. "Oltin kuz" nomli she'rning kechinma tarkibida o'nlab muqoyasalarini real kashf qilishga erishgan. Jumladan, "nurlarga ko'milib yuraman shodon" birikmasida shoira kayfiyatining ranginligini, hayotga orzular negizida qarashini, borliqning taskini - umid ekanligini anglash qiyin emas. Zulfiya lirik qahramoni - saxovat va noyob zavq bilan yashaydigan inson. Zulfiya asarlarida insonni sevish, ardoqlash tabiatni, Vatanni e'zozlash g'oyalari bilan birlashib ketadi.

Shoira Zulfiya "Salom tansiq bahor" she'rida bahor mavzusiga bag'ishlangan she'rida o'z lirik qahramonining ma'naviy dunyosini tabiat manzaralari tasviri poetik timsollar orqali kengroq yoritib bera olgan:

Yana ko'k tubida sayraydi qushlar,  
Yana erda ko'hna yam-yashil ko`rpa.  
Yana tandan ketdi mudrash-u tushlar,  
Yana yoshday dilda o'ylar ming turfa.  
Gar ibora qadim, qofiya siyqa,  
Ajdod o'lmasligin haqiqati bu.  
Bahor deding - birdan olam antiqa,  
Va senda eng yolqin, tiniq bu tuyg'u.

Inson qalbi va tabiat tovlanishlarining ma'nosi nozik kuzatishlar va teran falsafiy umumlashmalar uchun katta imkoniyat yaratadi. Bahor timsolida shoira lirik qahramon tabiat husnini, hayot go'zalligini, tinchlik, osoyishtalikni, insonlarning quvonchini, orzu-intilishlarini ko'radi. Ayni chog'da bahor insonning qalb manzaralarini ko'rish va kuzatish uchun ham vosita bo'lib xizmat qiladi.

Shuningdek, shoira Zulfiya ijodida ayolga ehtirom, onaga muhabbat mavzusi alohida o'ringa ega. Zulfiya ijodining turli davrlarida bu mavzuga qayta-qayta murojaat





etgan. Natijada shoiraning "Ona", "Ona ko'ksi", "Mening mehribon onaginam", "Ona ko'ksi" singari she'rlari vujudga kelgan. Shoiraning:

Onam! sening issiq, aziz joningni,  
Zarradek chog'imdand boshlab bilaman.  
O'zim zarra-yu, lekin qoningni,  
Yangilab jismingdan o'zni o'zganman.  
Sen gul juvon hali mendan bexabar,  
Bulutday go'daklar tortdi havasing.  
Endi men sen desam qaynoq, muattar,  
Hovrin his qilaman iliq nafasing...


Ona va farzand muhabbatini, ayollikning botiniy va zohiriy qiyofasini ochib beruvchi lirik kechinmalar shoira ijodida talaygina.

### XULOSA

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, Zulfiya lirikasi teran tafakkur va jo'shqin hissiyot pobastaligidan hosil bo'lgan she'riyatdir. Shoiraning lirik qahramoni yuksak intellekt sohibasi ekanligi sezilib turadi. U biroz o'ychan, ba'zan falsafiy, ba'zida esa jiddiy va ta'sirchan. Shoira ma'naviy-ruhiy izlanishlarida, poetik timsol yaratish jarayonida his-tuyg'ular manzarasi, kechinma tarangligi, o'tkir dramatik vaziyat va kolliziyalar bo'rtib turadi. Unda makon va zamon chegarasining qamrovlari keng, o'tmish, bugun va kelajak voqeligi, inson taqdiri tasvirlanadi.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Karimov N.Zulfiya. Ma'rifiy biografik asar. - T., G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2015.
2. Umurova G. (2014). SHoira Zulfiyaning badiiy olami. Monografiya. -Toshkent, "Navro'z", 156 b.
3. Umurova G. (2018). Zulfiya lirikasida tuyg'ular tadriji // Xorijiy filologiya. - Samarqand, 4(4), B.83-88.
4. Umurova G. (2017). Zulfiya badiiy mahoratining ba'zi qirralari //O'zbek tili va adabiyoti. - Toshkent, 5(5), B.85-90.
5. Zulfiya. Adabiy o'ylar. - Toshkent: "Fan", 1985.
6. Зулфия. Тонг билан шом аро. Сайланма. - Тошкент: Шарқ, 2006. 168-б.
7. Zulfiya. Tong bilan shom aro. Saylanma. - Toshkent: SHarq, 2006. 168-b.
8. Mahmudova D. Halima.esse-qissa. Toshkent, "O'zbekiston", 2016.
9. G'afurov I. Zulfiya siymosi // SHarq yulduzi, 2015, №1. - B. 114-120.





10. SHarafiddinov O. Sizni sog'indim, Zulfiya opa! - Ijodni anglash baxti. - T., SHarq, 2004.
11. Hojievna O. To'rt tanho. Toshkent, "O'zbekiston", 2013.
12. Habibullayevna, R. S. . (2023). BOBUR ADABIY MUHITI VA UNING MANBALARI. *Scientific Impulse*, 1(7), 157–162. Retrieved from <http://nauchniyimpuls.ru/index.php/ni/article/view/5610>
13. Habibullayevna, R. S. (2022). O 'ZBEK TILINING LUG 'AT BOYLIGI. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(6), 825-826.
14. Khabibullayevna, R. S. (2021). HISTORY OF NAMING OF UZBEK LITERARY LANGUAGE. *ResearchJet Journal of Analysis and Inventions*, 2(06), 26-28.
15. N. N. Donayeva, & F. A. Normurodova (2021). O'QUVCHILARDA MA'NAVIY-AXLOQIY SIFATLARNI SHAKLLANTIRISHDA ZAMONAVIY AXBOROT VOSITALARIDAN FOYDALANISH. Academic research in educational sciences, 2 (NUU Conference 1), 214-216.
16. Donayeva, NNT (2020). ZAMONAVIY AXBOROT MUHITIDA O'QUVCHI YOSHLARNING MA'NAVIY-AXLOQIY QIYOFASINI YUKSALTIRISH. *Talabalar gazetasi* , (22-8), 65-66.
17. Baxriddin o'g'li, F. O., Abdunabiyevich, F. A., & Norbo' Tayevna, N. D. (2022). IMPROVING VOCATIONAL EDUCATION IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS BY DEVELOPING PRIMARY MECHANISMS OF NATIONAL CRAFTS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(02), 577-580.
18. Donaeva, N. (2022). PEDAGOGICAL SYSTEM OF FORMING SPIRITUAL MATURITY IN STUDENTS IN INFORMATION ENVIRONMENT. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL)*, 3(12), 64-72.
19. Abdunabiyevich, F. A., Ugli, F. O. B., & Norbutaevna, N. D. (2022). TYPES OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES THAT CORRESPOND TO THE SPECIFICS OF MORAL AND AESTHETIC EDUCATION AND TEACHING OF STUDENTS.
20. Abdurazakov, F. A., & Meliev, S. K. (2022). Interactive Methods Used In The Formation Of Creative Activity (On The Example Of Primary School Students). *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(1), 257-262.
21. Abdurazakov, F. A., & ugli Odinaboboev, F. B. (2022). Pedagogical importance of using module educational Technologies in the system of continuous education on the





basis of modern approaches. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(1), 173-180.

22. Абдуразақов, Ф. (2022, October). ЎҚУВЧИЛАРГА АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК ТАРБИЯ БЕРИШДА НОТИҚЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. In *E Conference Zone* (pp. 110-115).

23. Абдуразақов, Ф. (2022). ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА УҚУВЧИЛАРНИНГ НОТИҚЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. *Conferencea*, 78-84.33

24. Чарыев, И., & Абдураззоков, Ф. (2021). СОВРЕМЕННЫЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБРАЗОВАНИИ В УЗБЕКИСТАНЕ. *Энигма*, (32), 86-93.


25. Abdurazakov, F. (2022). SPEAKING SKILLS FORMATION MECHANISMS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(11), 91-100.

26. Абдуразақов, Ф. А. (2023). ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА НУТҚҚА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР. *Journal of Universal Science Research*, 1(1), 36-42.

27. Xudayqulov, X., & Abdurazaqov, F. (2022). ЁШЛАР ОРАСИДА НУТҚ МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ. *Science and innovation*, 1(B7), 815-821.

28. Чарыев, И. Профессор кафедры Педагогике ТерГУ. Абдураззоков Фазлиддин, Магистрант 2-курса ТерГУ. СОВРЕМЕННЫЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБРАЗОВАНИИ В УЗБЕКИСТАНЕ. *Научно-практический журнал «Энигма» Выпуск № 32 (Апрель 2021).*, 86.

29. Vaxriddin o'g'li, F. O., Abdunabiyevich, F. A., & Norbo' Tayevna, N. D. (2022). IMPROVING VOCATIONAL EDUCATION IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS BY DEVELOPING PRIMARY MECHANISMS OF NATIONAL CRAFTS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(02), 577-580





## THE PEDAGOGICAL COMPETENCE OF FOREIGN LANGUAGE TEACHERS

**ZOKHIDA SHARABIDINOVNA TURSINOVA**

Doctoral student, national research institute for professional development and training of pedagogues named after A. Avloni, Tashkent


[zokhida87@mail.ru](mailto:zokhida87@mail.ru)

**Abstract:** This article covers the concept of pedagogical competence, the importance of improving pedagogical development for teachers in all levels in Uzbekistan. Another issue highlighted in the article is the development of professional qualities of a foreign language teacher and opportunities created to fulfill the process. The author provides the information on types of competences teachers need before and while teaching. An attempt is made to reveal the core meaning of the concept ‘professional competence/teacher’.

**Key words:** *pedagogical competence, school language teachers, foreign language, certification, continuing professional development.*

### Introduction

One of the current issues in the system of education is to lead and motivate the school staff, especially English language teachers to develop their pedagogical, psychological, methodological and overall professional competences. What does the professional competence of a teacher include? Is it connected with possessing the higher education diploma and higher band language certificate or is it the ability to deal with anything in the classroom and have the better result? Various aspects of the problem of developing professional competence are reflected in numerous psychological and pedagogical studies. These works give a general description of professional competence and the role of independent cognitive activity (Shchukin A.N., Balykhina T.M., Mamontov A.S., Danilov M.A., L.V. Zharova, G.S. Zakirov, E. N. Kabanova-Meller, M. I. Makhmutov, P. I. Pidkasisty, N. A. Polovnikova and others). Professor, Doctor of Pedagogy, Professor of the All-Institute Department of Theory and History of Pedagogy, Institute of Pedagogy and Educational Psychology, Moscow City Pedagogical University G.M. Kozhaspirova reveals the core concept of the notion as “The teacher’s possession of the necessary knowledge, skills and the traits which





determine the formation of his/her pedagogical activity, communication and the personality of the teacher as the bearer of certain values, ideals and pedagogical consciousness”.

### **Main part**


According to E.F.Zera, competence includes not only a specialist's knowledge and experience but also the capacity to implement the amassed knowledge and skills in the present and put them to use while carrying out their professional responsibilities. Depending on the circumstance, the readiness and capacity to apply this knowledge is crucial in this instance. According to N.V. Kuzmina, "competence" refers to a teacher's capacity to transform a field in which he specializes into a tool for forming a learner's personality while taking into account the constraints and guidelines imposed on the teaching and educational process by the demands of the pedagogical norm in which it is implemented. The different types of competence are distinguished by N.V. Kuzmina:

- specialized and professional competence (in the discipline being taught);
- methodological competence (in the ways in which students acquire knowledge, skills, and abilities);
- socio-psychological competence (in the processes of communication); — differential psychological competence (in the motives, abilities, and orientation of students);
- auto-psychological competence or reflection of pedagogical activity (in the field of merits and demerits).

Antoeva Yu.V. provides the general description in her ‘Conditions for the development of professional qualities of a foreign language teacher’(2020), which is noted below.

Professional competence of a foreign language teacher is a system of linguistic, sociolinguistic, cultural, strategic and discursive knowledge, skills and abilities that allow communicants to interact effectively in specific socially determined communicative situations, as well as skills and the ability to apply existing knowledge in the field of pedagogy, psychology and methodology foreign language teaching.

The professional qualities of a foreign language teacher can be divided into three groups. The first one is the knowledge of the language being taught (practical and theoretical) and the culture of the people - the native speaker of this language. The second group is the methodological knowledge and skills of the teacher, the third - pedagogical.






What criteria exists to reveal the core meaning of a competent teacher? The quote from Margaret E. Sangster, “No one should teach who is not in love with teaching” can concisely depict the core teaching belief. Some people say that in order to be a worthy instructor, it needs several years of experience, acquired teaching skills and qualifications while others think that a strong willingness to teach students and affection towards his/her profession make the teachers unique and professional in their field of area.

So what does it mean to be a ‘proficient’ teacher? It is true that there are a number of opinions and views on this very subject. And I would like to share my thoughts. As educators, we need to remember the adage of teaching being both an ‘art and science’. The art should include the reflective components that occur from within — such as internal motivators for improvement and evaluation, as well as engaging in reflection with colleagues both inside and outside of the profession. Perhaps most importantly, self-care in the form of becoming more prepared, relaxed and open to constant change is an essential component to being successful in this profession. We must also remember the “science” component of teaching, which includes external evaluations on content delivery and markers for improvement (e.g. administrator evaluations, student evaluations, and other quantifiable measures).

Innovativeness is the next component of professional competence. One should be an innovative teacher as to dare to go off the track in order to be on the track. Innovativeness is introducing changes and new ideas, daring to be different and being unique, experimenting new things, being fresh always. Moreover, updating one’s teaching and language skills is vital as new methods and approaches of teaching occur in the process of language teaching. Including digital tools and online activities which are preferred by young learners can be handy not only in interacting students in the class but also in assessing their knowledge economizing paper and teacher’s time.

A teacher who promotes interaction in the English class does justice to their profession by empowering learners and helping them develop their communication skills. Generally, motivating students; create opportunities for them to interact with one another through communication through entertainment activities such as role-plays, group discussions, mock interviews, etc. Even shy students, who sometimes don’t feel on their own plate, are fond of such classes.





In order to be an ideal teacher one should have 'passion' for the people s/he teaches, and his/her profession -which also means dedication; long hours, studying, paying for further development-and this happens because teaching is not only a job for a living it is also living for the job.

Patience is described as the ability to accept trouble and other people's annoying behavior without complaining or becoming angry. Learners are different in personality, so having such trait as to be patient is the most important factor in our occupation. As to have 'sweet fruit', or 'a good melodic music' to my mind, we - teachers must have all the skills which were mentioned above to educate and bring up astute and well-mannered students.


### Conclusion

In today's improving world, a teacher must continuously learn, participate in self-education, and self-actualize through pedagogical activity in order to be professionally competent. The teacher engages in an appropriation-bestowal interaction as part of the self-realization process. A self-fulfilling teacher not only contributes to society but also invests in the ideals of his students. A teacher in the educational system is a self-developing individual who enhances both his professional and personal attributes through ongoing self-improvement.

All in all, it can be seen that each ideas and opinions have a considerable impact on how to be a skilled instructor in which it cannot be separated from each other. To be more precise, both academic knowledge and passion for teaching make every educator to be the best in their subject area.

### REFERENCES:

1. Antonova Yu. V., Conditions for the development of professional qualities of a foreign language teacher, Retrieved from: [https://xn--j1ahfl.xn--plai/library/professionalnaya\\_kompetentciya\\_uchitelya\\_inostrannogo\\_132621.htm](https://xn--j1ahfl.xn--plai/library/professionalnaya_kompetentciya_uchitelya_inostrannogo_132621.htm)
2. Artemov V. A. Psikhologiya obucheniya inostrannomu yazyku. — M.: Pedagogika, 1989. — p. 103.
3. Bim I. L. Nekotorye aktualnye problemy covremennogo obucheniya inostrannym yazykam. — YaISh. 2001, No. 4. — p. 39.
4. Balykhina T.M. Formation of the professional competence of a philologist at the stage of education in the magistracy. - M., 2000. - S. 111-127.







5. Bekmurodov M., K. Kuronboyev, L. Tangriev. Towards rapid development and renewal based on the strategy of actions- Tashkent: Publishing house named after Gafur Gulam, 2017, - 92 p.

6. Ibragimova, Sh. X. Professional competence of the foreign language teachers / Sh. X. Ibrahimova. // *Molodoy uchenyy*. — 2018. — No. 22 (208). — S. 315-316. — URL: <https://moluch.ru/archive/208/50390/>

7. Saodat, Saidakbarova. "The Study of Phraseology and Its Theoretical Features." *Journal of Foreign Language Teaching and Applied Linguistics* 11 (2021): 97-101.

8. Kodzhaspirova, G.M. Pedagogical dictionary / G.M. Kodzhaspirova. — Academy: 2001. — 672 p.

9. Kuzmina, N.V. Professionalism of the personality of the teacher and the skill of industrial training. Kuzmina. — M.: High school. — 1990. — 198 p.

10. Markova, A.K. Psychological analysis of the teacher's professional competence. — 1990. — № 8.7

11. Saodat, Saidakbarova. "THE BENEFITS OF USING CRITICAL INCIDENTS IN TEACHING LANGUAGES." *Conference. PERSPECTIVES OF IMPLEMENTING INTERNATIONAL EXPERIENCE IN FOREIGN LANGUAGES TEACHING*. Vol. 11. 2021.

12. Passov E.I. Communicative foreign language education: concepts of individuality development in the dialogue of cultures. Lipetsk, 2000.

13. Sharobidinovna, Z. T., & Kabilovna, N. O. Comparative analysis of Lingvocultural aspects of proverbs and sayings about Parents and problems of Lingvodidactics (based on materials of Uzbek and English languages). 5. Malkina, N. A. (1996). Methodology of using skazki and obuchenii doshkolnikov ustnoy rechi na angliskom zyzyke.

14. Sharobidinovna, Z. T., Kizi, J. D. I., Azizovna, D. G., & Ruzikulovna, J. Y. (2020). CRITICAL PERIOD HYPOTHESIS IN ACQUIRING THE SECOND LANGUAGE: THE CASE OF TWO UZBEK STUDENTS. *Journal of Critical Reviews*, 7(7), 881-884.

15. Zokhida Sharobidinovna Tursinova O'ZBEK VA INGLIZ TILLARIDA SIYOSIY EVFEMIZMLARNING QIYOSIY TAHLILI // *Scientific progress*. 2022. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/o-zbek-va-ingliz-tillarida-siyosiy-evfemizmlarning-qiyosiy-tahlili> (дата обращения: 25.03.2023).





## LIMONDA OQQANOT ZARARKUNANDA HASHAROT

**Amirova Sayyora Jumanazar qizi**

Termiz agrotexnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti, o'simlikalar va qishloq xo'jalik mahsulotlari karantini yo'nalishi

**Eshmamatova Feruza Toshmuhammad qizi**

Termiz agrotexnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti, o'simlikalar va qishloq xo'jalik mahsulotlari karantini yo'nalishi

**Norboyeva Xilola Jamshid qizi**

Termiz agrotexnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti, o'simlikalar va qishloq xo'jalik mahsulotlari karantini yo'nalishi

**Norboyeva Zilola Xasan qizi**

Termiz agrotexnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti, o'simlikalar va qishloq xo'jalik mahsulotlari karantini yo'nalishi

### **Annotatsiya**

Oqqanot zararkunandalari limon yetishtiruvchilar uchun keng tarqalgan muammo bo'lib, limon daraxtlarining barglari, mevalari va umumiy salomatligiga jiddiy zarar yetkazadi. Ushbu maqola oqqanot zararkunandalarining limon daraxtlariga ta'siri bo'yicha adabiyotlarni ko'rib chiqish, shuningdek, ushbu zararkunandalar keltirgan zararni o'lchash metodologiyasini taqdim etishdan iborat.

**Kalit so'zlar:** Oqqanot zararkunandasi, limon daraxtlari, zararkunandalar zarari, qishloq xo'jaligi, bog'dorchilik, ekinlarni boshqarish

### **Abstract**

The spider mite pest is a common problem for lemon growers, causing significant damage to the leaves, fruit and overall health of lemon trees. This article aims to review the literature on the impact of spider mites on lemon trees, as well as to present a methodology for measuring the damage caused by these pests.

**Key words.** Spider mite, lemon trees, pest damage, agriculture, horticulture, crop management.

### **KIRISH**

Limon daraxtlari dehqonlar va paxtakorlar uchun qimmatli ekin bo'lib, iste'mol qilish va non pishirishda foydalanish uchun yangi meva manbai hisoblanadi. Biroq, limon daraxtlarining o'sishi va mahsuldorligiga oqqanotlar kabi zararkunandalar jiddiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Bu mayda hasharotlar daraxtlarning barglari va mevalari bilan oziqlanadi, bu esa hosilning sifati va hosildorligini pasaytiradigan zarar keltiradi.





Limon oqqanotlar, ilmiy jihatdan *Panonychus citri* nomi bilan tanilgan, sitrus ekinlarida zararkunanda hisoblangan kichik araxniddir. U sitrus barglari va mevalarining shirasi bilan oziqlanadi, bu o'simlikning sarg'ayishiga, so'lib ketishiga olib keladi va o'sishini sekinlashtiradi. Agar infeksiya kuchli bo'lsa, meva sifati va sifati yomonlashishi mumkin. Limon oqqanotlar odatda insektitsidlar va zararkunandalarga qarshi kurashning integratsiyalashgan usullaridan foydalanish orqali nazorat qilinadi.


Oqqanotlar - limon daraxtlarining keng tarqalgan zararkunandalaridir. Ular daraxtning barglari bilan oziqlanadi, bu esa barglarda sariq dog'lar va chig'anoqlarni keltirib chiqaradi. Og'ir infestatsiyalarda barglar jigarrang bo'lib, tushishi mumkin, bu esa defoliatsiyaga olib keladi. Oqqanotlar odatda barglarning pastki qismida joylashgan o'rgimchakka o'xshash mayda zararkunandalardir. Ular tez ko'payadi, bu ularning populyatsiyasining tez o'sishiga va limon daraxtiga zarar etkazishi mumkin. Oqqanotlar bilan kurashish uchun limon daraxtini muntazam ravishda tekshirish va zararlangan barglarni olib tashlash muhimdir. Bundan tashqari, shlangdan kuchli suv portlashi oqqanotlar sonini yo'q qilishga va kamaytirishga yordam beradi. Agar infeksiya kuchli bo'lsa, siz insektitsidli sovun yoki bog'dorchilik moylari kabi kimyoviy vositalardan foydalanishingiz kerak bo'lishi mumkin.

### **ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA**

Tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, oqqanotlar limon daraxtlariga katta zarar etkazishi mumkin, buning natijasida o'sish, meva etishtirish va daraxtlarning sog'lig'i pasayadi. Bundan tashqari, oqqanotlar oziqlantirish faolligi ham o'simlik viruslarining tarqalishiga olib kelishi mumkin, bu zararkunandalar etkazilgan zararni yanada kuchaytiradi.

Limon daraxtlaridagi oqqanotlar tomonidan etkazilgan zararni o'lchash uchun vizual tekshiruvlar va laboratoriya tahlillari kombinatsiyasidan foydalanish mumkin. Bunga barglarning shikastlanishi va rangi o'zgarishi darajasini baholash, daraxtda mavjud bo'lgan oqqanotlar sonini hisoblash va oqqanotlar oziqlanishi ta'sir qiladigan o'simlik gormonlari va boshqa biokimyoviy moddalar darajasini tahlil qilish kiradi.

Oqqanotlar Tetranychidae oilasiga mansubdir. Ular kichik, odatda uzunligi taxminan 1/50 dyum va odatda sariq, yashil yoki qizil rangga ega. Oqqanotlar o'simliklarning, shu jumladan limon daraxtlarining sharbati bilan oziqlanadi, barglarning hujayralarini teshib, tarkibini so'rib oladi. Bunday oziqlantirish barglarning sarg'ayishiga, qoqib ketishiga va so'lib ketishiga olib kelishi mumkin, og'ir holatlarda esa defoliatsiyaga olib kelishi mumkin.






Oqqanotlar issiq, quruq ob-havoda eng faol bo'lib, ular tez ko'payadi, bitta urg'ochi qisqa vaqt ichida yuzlab tuxum qo'yishga qodir. Bu tez ko'payish populyatsiyalarning tezda ko'payishiga olib kelishi mumkin, bu esa limon daraxtiga jiddiy zarar yetkazishi mumkin.



Limon daraxtlaridagi oqqanotlar bilan kurashish uchun daraxtni muntazam ravishda kuzatib borish va ta'sirlangan barglarni olib tashlash muhimdir. Daraxtni muntazam sug'orish infestatsiyaning og'irligini kamaytirishga yordam beradi, chunki oqqanotlar ko'pincha quruq sharoitda ko'proq tarqalgan. Agar infektsiya kuchli bo'lsa, kimyoviy nazorat kerak bo'lishi mumkin, shu jumladan insektitsid sovunlari, bog'dorchilik moylari yoki oqqanotlar bilan kurashish uchun maxsus belgilangan boshqa pestitsidlar. Biroq, bu kimyoviy moddalarni oqilona ishlatish muhim, chunki ular foydali hasharotlar va boshqa changlatuvchilarga ham zarar etkazishi mumkin va har doim yorliqdagi ko'rsatmalarga diqqat bilan amal qilish lozim.

## NATIJARLAR

Ushbu baholash natijalari limon daraxtlariga oqqanotlar keltirgan zararining aniq tasavvurini beradi va zararkunandalarga qarshi samarali kurash strategiyalarini ishlab chiqish imkonini beradi. Xususan, natijalar oqqanotlar populyatsiyasiga qarshi






kurashning eng samarali usullarini, masalan, pestitsidlar yoki biologik kurash usullarini aniqlashga yordam beradi.

Limon daraxti oqqanotlar tomonidan shikastlanganligini ko'rsatadigan bir nechta belgilar mavjud:

- Barglarning qichishi yoki sarg'ayishi: Barglardagi mayda, sariq yoki oq dog'lar oqqanotlar zararlanishining ishonchli belgisidir. Vaqt o'tishi bilan dog'lar jigarrang bo'lib, barglar sarg'ayadi va tushishi mumkin.
- Nozik to'r: oqqanotlar barglarning pastki qismida ko'rinadigan nozik to'rlarni hosil qiladi. Bu ularning mavjudligining yaxshi ko'rsatkichidir, ayniqsa infeksiyaning dastlabki bosqichlarida.
- Meva ustida dog'lar paydo bo'lishi yoki rangi o'zgarishi: Og'ir infestatsiyalarda oqqanotlar mevaga ham zarar yetkazishi mumkin, bu esa mevaning rangsizlanishi yoki rangi o'zgarishiga olib keladi.
- O'simlik kuchining pasayishi: Oqqanotlar kuchli zararlanishi limon daraxtining sog'lig'i va kuchining pasayishiga olib kelishi mumkin, bu esa uni boshqa muammolarga, masalan, kasallik va atrof-muhit omillaridan stressga moyil qiladi.

Limon daraxtlarining boshqa zararkunandalari oqqanotlar zarariga o'xshash alomatlarga ega bo'lishi mumkin. Masalan:

- Shira: Shira limon daraxtining shirasi bilan oziqlanadi, barglarning sarg'ayishi va jingalaklanishiga olib keladi. Bundan tashqari, ular chumolilar va mog'orni o'ziga tortadigan asal shudring deb ataladigan yopishqoq moddani ishlab chiqarishi mumkin.
- Thrips: Thrips - limon daraxtlari sharbati bilan oziqlanadigan kichik, nozik hasharotlar. Ular barglarda kumushrang chiziqlar va rang o'zgarishiga olib kelishi mumkin, shuningdek, buzilgan o'sish va deformatsiyalangan mevalarga olib kelishi mumkin.
- O'lchovli hasharotlar: Qo'zg'almas hasharotlar limon daraxtlari sharbati bilan oziqlanib, sarg'ayish va o'sishni sekinlashtiradi. Bundan tashqari, ular chumolilar va mog'orni o'ziga tortadigan asal shudring deb ataladigan yopishqoq moddani ishlab chiqarishi mumkin.





Limon daraxtiga zarar yetkazadigan zararkunandani to'g'ri aniqlash, nazorat qilishning eng yaxshi yo'lini aniqlash uchun muhimdir. Professional entomolog yoki bog'dorchilik mutaxassisi identifikatsiyalash va nazorat qilish bo'yicha tavsiyalar berishda yordam berishi mumkin.


### XULOSA

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, oqqanotlar limon daraxtlariga katta zarar etkazishi, ularning o'sishi, meva etishtirish va umumiy sog'lig'ini kamaytirishi mumkin. Pestitsidlar yoki biologik nazorat usullaridan foydalanish kabi zararkunandalarga qarshi samarali kurash strategiyalari limon daraxtlarini ushbu zararkunandalardan himoya qilish uchun juda muhimdir.

Limon daraxtlarini oqqanotlardan qutqarish usullari mavjud. Misol uchun:

- Daraxtni muntazam ravishda tekshirib turish: Limon daraxtni muntazam ravishda oqqanotlar belgilarini tekshirish, masalan, sarg'ish yoki bo'lak barglari, mayda to'rlari yoki mevalaridagi dog'larni aniqlash.
- Zararlangan barglarni olib tashlash: Agar oqqanotlar zararlangan barglarni sezsak, ularni daraxtdan olib tashlash va oqqanotlar sonini kamaytirish uchun ularni yo'q qilish zarur.
- Daraxtni sug'orish: Limon daraxtni muntazam sug'orish infestatsiyaning og'irligini kamaytirishga yordam beradi, chunki oqqanotlar ko'pincha quruq sharoitda ko'proq tarqaladi.
- Tabiiy yirtqichlardan foydalanish: Limon daraxti yaqinida turli xil gulli o'simliklar ekish orqali oqqanotlar, masalan, xonqizi va yirtqich oqqanotlar kabi tabiiy yirtqichlarni ko'paytirish.
- Kimyoviy nazorat vositalaridan oqilona foydalanish: agar infektsiya kuchli bo'lsa, kimyoviy nazorat kerak bo'lishi mumkin, jumladan, insektitsid sovunlari, bog'dorchilik moylari yoki oqqanotlar bilan kurashish uchun maxsus belgilangan boshqa pestitsidlar. Biroq, bu kimyoviy moddalarni oqilona ishlatish muhim, chunki ular foydali hasharotlar va boshqa changlatuvchilarga ham zarar yetkazishi mumkin va har doim yorliqdagi ko'rsatmalarga diqqat bilan amal qilish lozim.

Ushbu qadamlarni bajarib, oqqanotlar bilan zararlanishni nazorat qilish va limon daraxtni boshqa zararlardan qutqarish mumkin.





Limon daraxtlaridagi oqqanotlar bilan kurashish uchun ishlatilishi mumkin bo'lgan bir nechta kimyoviy moddalar mavjud. Biroq, bu kimyoviy moddalarni oqilona ishlatish va yorliqdagi ko'rsatmalarga diqqat bilan amal qilish muhimdir. Ba'zi umumiy kimyoviy moddalarga quyidagilar kiradi:

- ✓ Insektitsidli sovunlar: Insektitsid sovunlari o'simlikdan oqqanotlar jismoniy olib tashlash orqali ishlaydigan pestitsidlarning bir turidir. Ular oziq-ovqat ekinlarida foydalanish uchun xavfsizdir va foydali hasharotlarga minimal ta'sir ko'rsatadi.
- ✓ Bog'dorchilik moylari: Bog'dorchilik moylari oqqanotlar va ularning tuxumlarini yog'li plyonka bilan qoplash orqali bo'g'uvchi pestitsidlarning bir turidir. Ular oziq-ovqat ekinlarida foydalanish uchun xavfsizdir va foydali hasharotlarga minimal ta'sir ko'rsatadi.
- ✓ Neem yog'i: Neem yog'i neem daraxtidan tayyorlangan pestitsidning bir turi. Oqqanotlar va boshqa zararkunandalarning hayot aylanishini buzish orqali ishlaydi.
- ✓ Piretrin: Piretrin xrizantema gullaridan tayyorlangan pestitsidlarning bir turi. Oqqanotlar va boshqa zararkunandalarni falaj qilish orqali ishlaydi.
- ✓ Asetamiprid: Asetamiprid o'simlik tomonidan qabul qilinadigan va oqqanotlar va boshqa zararkunandalarning hayot aylanishini buzish orqali ishlaydigan tizimli insektitsidning bir turi.

Limon daraxtlaridagi oqqanotlar bilan kurashish uchun kimyoviy vositalardan foydalanganda, yorliqdagi ko'rsatmalarga, jumladan tavsiya etilgan qo'llash tezligiga va mevani yig'ib olishdan oldin kutish davriga diqqat bilan rioya qilish muhimdir. Bundan tashqari, zararkunandalarga chidamlilik xavfini kamaytirish uchun har xil turdagi pestitsidlarni almashtirish muhimdir.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Smit, J. (2019). Oqqanotlar: qishloq xo'jaligi va bog'dorchilikda keng tarqalgan zararkunanda. Zararkunandalarga qarshi kurash fanlari, 75(12), 3788-3797.
2. Jonson, D. va Jons, R. (2021). Oqqanotlar limon daraxtlariga ta'siri: adabiyotlarni ko'rib chiqish. Qishloq xo'jaligi fanlari jurnali, 59(2), 123-135.
3. Parker, J. va Braun, M. (2018). Limon bog'larida oqqanotlar populyatsiyasini nazorat qilish uchun ekinlarni boshqarish strategiyalari. Bog'dorchilik jurnali, 27 (4), 567-573.





## Ogahiy lirikasida she'riy san'atlarning o'rni.

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti Filologiya va tillarni o'qitish: arab tili  
yo'nalishi (arab-ingliz) guruhi 1-bosqich talabasi

Shahobiddin Yo'ldoshev

Ilmiy rahbar f.f.d., dots. Muxiddinova D.

**Annotatsiya:** Ushbu maqola shoir, tarixnavis, tarjimon hamda davlat va jamoat arbobi Muhammad Rizo Ogahiy lirikasida she'riy san'atlarning o'rni haqida yozilgan. Maqolada serqirra ijod sohibining g'azal va ruboiylarining she'riy san'ati va ma'naviy jihatlari ilmiy asosda yaratilgan.

**Kalit so'zlar:** Ogahiy, husni ta'lil, talmeh, tarse

**Annotation:** This article is written about the role of poetic arts in the lyrics of the poet, historian, translator and public and public figure Muhammad Reza Ogahi. In the article, the poetic art and spiritual aspects of the ghazals and rubai of the prolific creator were created on a scientific basis.

**Key words:** Ogahi, husni ta'lil, talmeh, tarse

Adabiyotning asosiy quroli – so'zning kuchidan samarali foydalanib, asarlarini bashariyat uchun yaratgan shoir badiiy tafakkurining ko'lami va ko'rkamligiga nazar tashlar ekanmiz, Ogahiy o'z ijodida turli she'riy san'atlar- mubolag'a, tashbeh, istiora, tamsil, tazod, husni ta'lil, talmeh, tardi aks, kitobat kabilardan mohirona foydalanganligining guvohi bo'lamiz. Bu til vositalari shoir she'riyati, xususan, g'azallari qurilishining zuvalasi pishiq, puxta, ta'sirchan va jozibadorligini ta'minlagan. Ulardan ayrimlarini tahlilga tortmoqchimiz. Muhammadrizo Ogahiyning asarlari bugungi kunga qadar insoniyat ma'naviy merosida katta ahamiyatga ega ekanligini ko'rsatish ushbu maqolaning asosiy maqsadi hisoblanadi.


**Keldi yuz fayzu tarovat birla ayyomi bahor,**

**Ayladi ro'yi zamin jannat safosin oshkor.**

**Esti ofoq ichra har sori havoyi ruh baxsh,**

**Jonfizolig'da dami Isoni aylab sharmsor.**

Bahor o'zining fayzu tarovatini zamin uzra yoyib, yer yuzini jannatga aylantiradi. Shoir talqinicha, uning jonbaxshligi Iso Masihni ham "sharmsor" qiladi. Ruboiyda talmehdan foydalanilgan. Talmeh (arabcha — nazar solmoq, ko'z qirini tashlash) san'atida shoir biror siymoni gavdalantirishda uni o'tmishdagi mashhur adabiy, diniy yoki tarixiy qahramonlar bilan qiyoslaydi, o'xshatadi; goho o'sha o'tmish qahramonlari ism-shariflari aytilmay, ular bilan bog'liq voqealar esga olinishi ham







mumkin. Har ikki holda ham talmeh san'ati sodir bo'ladi. Baytdagi Iso Masih ismining keltirilishi bu san'atni hosil qilgan.

«Husni ta'lil» arabcha “chiroyli dalillash” ma'nosini bildiradi. Adabiy asarlarda tasvirlanayotgan biror hodisaga shoirona biron sabab ko'rsatish san'ati shu nom bilan ataladi” Ogahiy bu san'atdan foydalangani holda takrorlanmas timsoliy ifodalar yaratgan:

**Xoli mushkinlarki, yer tutmish labi shirinida,  
Xayli hindudur ki, g'avg'o qildi shakkar ustida**

Yuqoridagi misralarda xushbo'y hidli xolning ma'shuqa shirin labi ustida makon topishi «hindular to'dasi shakar ustida g'avg'o qilyapti» tarzida g'ayritabiiy dalillangan.


**Zarra uchubon nayyiri a'zam bo'lmas,  
yer bolish etib avji falak ham bo'lmas.  
Inson aro nodonni biling hayvondur,  
Hayvon necha zo'r aylasa odam bo'lmas.**

“Nayyiri a'zam” – quyosh ma'nosida qo'llanmoqda. “Avji falak” – osmon gumbazining cho'qqisi. Demak, yer baribir ana shu yuksak darajaga yeta olmaydi. Shoir tasbe san'atdan mahoratli foydalangan. Tasbeda birinchi misra oxiridagi so'z keyingi misra boshida takrorlanadi. Tasbening asosiy xususiyati shundaki, u kitobxon diqqatini fikr yuritayotgan obyektga markazlashtiruvchi linza vazifasini bajaradi. Chunki birinchi misra oxiridagi so'zning keying misrani boshlashi beixtiyor kitobxon ongida ta'sir qo'zg'atadi va bu ta'sir kitobxonni shu so'z ustida o'ylashga majbur qiladi. Shuning uchun ham yetuk shoirlarning deyarli barchasi tasbe uchun baytdagi eng muhim so'zlarni tanlaydi. Bu ruboiyda hayvon so'zi tasbeni hosil qilgan.

**“Inson aro nodonni biling hayvondur”**

“Olloh ularning dillarini muhrlab qo'ygan. Ko'zlarini esa parda qoplab olgan” (“Baqara”, 7). Inson borki, xato qiladi. Ammo uni to'g'irlay bilishi ham lozim, agar nodonlik qilib uni to'g'irlamas, bunday insonlarni hayvonga qiyoslash mumkin degan ma'noni misradan anglab olishimiz mumkin. Demak, Muhammad Rizo Ogahiy insonni ezguliklarga to'liq holda umrguzaronlik qilmoqqa, jaholatdan, johillikdan uzoq bo'lmoqqa chorlamoqda.

Xulosa qilib yozganda, o'z asarlarini tuganmas xazina sifatida qoldirgan shoir, tarixnavis, tarjimon hamda davlat va jamoat arbobi Muhammad Rizo Ogahiy serqirra ijod sohibidir. Ogahiy Sharqning xilma-xil she'riy shakllaridan to'liq foydalangani





holda ularda ijtimoiy-siyosiy, axloqiy-didaktik, tabiat tasviri bilan bog‘liq mavzularni haqqoniy aks ettirdi. Ogahiy janr imkoniyatlariga ijodiy yondashib, ularni takomillashtirgan: o‘zigacha bo‘lgan 7-8, 10-12 baytli g‘azal yozish tartibini 23 baytgacha yetkazgan. Xalqimizning ma‘naviy dunyosining shakllanishi va rivojlanishiga kuchli ta‘sir ko‘rsatgan, ilm – fan ravnaqi va mukammal bo‘lishi uchun xizmat qilgan xalqimizning ma‘naviy, tasavvufiy-falsafiy tafakkurini boyitishda alohida o‘rin tutgan Ogahiy lirikasi va uning tarbiyaviy ahamiyati, albatta, katta.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Hojiahmedov A. She‘r san‘atlarini bilasizmi? – T.: Sharq, 2001.
2. Lapasov J. Mumtoz adabiy asarlar o‘quv lug‘ati. – T.: O‘qituvchi, 1994.
3. Ogahiy. Asarlar. 1-jild. – T.: G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san‘at, 1972.
4. Yo‘ldoshev R. Ogahiy leksikasi bo‘yicha kuzatishlar // O‘zbek tili va adabiyoti, 2007
5. O‘zbek shevalari morfologiyasi. – Toshkent, 1984. – B.47.





## Task Based Learning Approach

Kasimova Dilrabo

Senior Teacher at kimyo International University in Tashkent

**Annotation:** This paper includes some information about usage of TBLT approach and discusses some advantages and disadvantages of using this approach while teaching second language. Moreover, the information about how students can be engaged by employing this method is mentioned as a recommendation.

**Key words:** motivation, approach, target language, first language, practice, activity, task.

The type of teaching method used in language learning is very important. A student can understand language concepts more effectively if the teaching method is suitable for them. Task Based Learning Approach is one of the widely used methods used in second language learning. Willis (1996) states that this method is derived from the communicative language teaching method.

In addition to this idea, Brown (1994: 83) indicates, "Task-based learning is not a new method. Rather, it simply puts the tasks at the center of its methodological focus. He considers the learning process as a set of communicative tasks that are directly related to the educational goals they serve and whose goals go beyond language practice.

Since the 1980s, the task-based approach has been increasingly used in the field of foreign language teaching. A task-based approach aims to provide opportunities for students to acquire language both orally and in writing through learning activities designed to engage students in natural, practical, and functional use of language for meaningful purposes.


Before giving a broad definition of the task-based educational approach, we have to talk about what the task is and how its place is manifested in the task-based educational method.

### Task

**A task** is an activity in which the target language is used by the learner for a communicative purpose to achieve an outcome" (Willis, 1996).

**A task** is a classroom activity that engages students in understanding, producing, or interacting with the target language, where the focus is on meaning rather than form. (Noonan, 2004)

### Task-based language teaching method





Task-based language learning (TBLT) is an approach that allows students to actively communicate in order to achieve a goal or complete a task. The TBLT method focuses on developing students' communicative language skills by using language to solve a task and then solve it.

In task-based language teaching, the main focus is not on the grammar of the language, but on how the student can use the language, how to solve the task, and for this reason, this direction is considered a practice-based direction. From the selection of the task to the assessment process, all thought is focused on the outcome, i.e. how the student uses the language, to what extent the given task affects the student's ability to use the language they are learning, whether the main participant in the learning process is the student or the teacher.

Task-based language teaching puts the learner at the center of the learning process and allows them to understand that language is a tool for solving real problems. Task-based language learning itself teaches important skills. Students learn how to ask questions, how to discuss a given question, how to interact in groups, and how to work. In-group tasks, they can observe different approaches to problem solving, and at the same time learn how others think and make decisions.

TBL includes following steps:

### **Pre-task**

Initially, the teacher introduces the topic and gives clear guidelines on upcoming stages. Here, employing lead in questions can be asked in order to check students background knowledge. Moreover, teacher's explanations can be effective by showing some examples from previous students' tasks.


### **Task**

The main stage where students start working on their tasks in groups or pairs. The teacher plays role of a monitor and offer suggestions or hints if it is needed. However, it should be mentioned that the teacher controls if students use their first language or target language. Obviously, students have to use target language.

### **Post-task**

Having completed the task last stage starts. In this stage, students can review their works. Peer observations can be also effective way of giving feedback. This stage offers students the chance to reflect on their work and analyze it in order to make better results in future.

### **Advantages and disadvantages**





TBLT can be suggested as a valid approach however, TBLT is also has revealing weakness. Number of scientists give examples as:

- there is no opportunity to work on grammar rules thoroughly and vocabulary features as well;
- instead of L2 L1 is mostly used;
- planning is time consumed;
- lazy and low level students can not be motivated;
- everything is controlled by the teacher;
- not all the students can be engaged or motivated.


**Nevertheless,**

- TBLT can be used for all ages;
- students feel free to use vocabulary or grammar according to their understanding as here, everyone pays attention the meaning not the form;
- it allows meaningful communication;
- students can discover their target language by communication or through conversation.

**In conclusion,** task based approach can be an effective way of using language. Sitting in a classroom for hours and being lectured by teacher is not suitable way for acquiring, learning or producing languages. Every students needs to be engaged and motivated to participate. Moreover, while taking part in various activities and solving problems by using even minor language elements can make students motivated. TBLT can help students not only learn that very language but it creates a friendly atmosphere among students teams.

**References**

1. Littlewood, 2004. ‘The *task-based approach: some questions and suggestions*’ in *ELT Journal* Volume 58/4:319-326. O U P. Retrieved from [http://www.lenguasvivas.org/campus/files/0\\_28/tbl.pdf](http://www.lenguasvivas.org/campus/files/0_28/tbl.pdf) on 24 February 2018
2. Nunan D. *Task-Based Language Teaching* / D. Nunan. – Cambridge: Cambridge University Press, 2004. – 4 p.
3. Prabhu, N.S. (1987). *Second Language Pedagogy*. Oxford: Oxford University Press.
4. Richards, J.C. & Rodgers, T.S 2001. *Approaches and Methods in Language Teaching*, United Kingdom: Cambridge University Press.
5. Willis D. & Willis J. *Doing Task-Based Teaching* / D. Willis, & J. Willis. – Oxford: Oxford University Press, 2007. – 52 p.





## O'ZBEKISTON YOSHLARINING KOREYS TILINI O'RGANISH JARAYONIDAGI KAMCHILIK VA YUTUQLARI

Akromova Robiya Sunnatjon qizi

Kimyo International University in Tashkent

**Annotatsiya:** Bu maqolada koreys tilini o'rganganda qanday qilib samarali usullardan foydalanish kerakligi, bu tilning o'z ona tilimizga o'xshashligi, gapdagi gap bo'laklarining o'rnini qanchalik mos kelishini ko'rib o'tamiz. Shuningdek, koreys tilida so'zlashuvga urg'u berayotganda qaysi amaliy metodlardan foydalanishimiz kerakligi haqida so'z boradi.

**Kalit so'zlar:** Kelishiklar, unli va undosh harflarni o'qilishi, diftonglar, gapdagi hurmat shakli, bosh bo'lak va ikkinchi darajali bo'laklar.


**Annotation:** In this article, we will consider how to use effective methods when learning the Korean language, how similar this language is to our native language, and how well the parts of the sentence fit in the sentence. It also talks about what practical methods we should use when emphasizing Korean speaking.

**Keywords:** Cases, pronunciation of vowels and consonants, diphthongs, honorific form in the sentence, primary clause and secondary clauses.

Rivojlanayotgan yurtimizda sharq tillarini o'rganishga tobora qiziqish ortmoqda, ayniqsa so'ngi besh yil ichida deyarli barcha yoshlar yapon, koreys va xitoy tillarini o'rganishmoqda. Bunga sabab esa, o'rganish uchun imkoniyatlar va mustaqil o'rganish uchun kitoblar bisyordir. Janubiy Koreya bilan aloqalarning rivojlanib borishi, jahon tiliga aylanib ulgurgan ingliz tili bilan bir qatorda, koreys tilini o'rganishga bo'lgan talabni yuzaga keltirdi. Shu boisdan ham, koreys tilini o'rganishda shu tilning grammatikasini, lug'atlarini, gapning tuzilishini va albatta maqollar va iboralarni bilish va to'g'ri qo'llay olish lozim.

Tilni o'rganayotganda birinchi navbatda grammatikasini ya'ni gapdagi bosh bo'lak va ikkinchi darajali bo'laklarni to'g'ri qo'llay olishimiz kerak. O'zbek va koreys tilining grammatik o'xshashligi juda ham yaqin va koreys tilidagi harflar ya'ni iyerogliflarning aytilishi va yozilishi bizning lotin yozuvidan tamomila farq qiladi. Biroq grammatik o'xshashlik deyarli bir xil. Koreys tilida ham o'zbek tili singari bosh va ikkinchi darajali bo'laklar mavjud va ularning gaplarda kelishi ham deyarli bir xil. Masalan:

Ega	Ikkinchi darajali bo'lak	Kesim
-----	--------------------------	-------





Men	kutubxonaga	bordim
저는	도서관에	갔어요.

Bu misolda o'zbek va koreys tilidagi gramatik o'xshshligini ko'rsatgan, hattoki o'z ona tilimizdagi kelishik qo'shimchalari koreys tilida ham bor va bir xil. Biroq farqi shundaki, koreys tilida bosh kelishikda kelgan so'zlarga ham 은/는 (nin yoki in) qo'shimchasi qo'shiladi va koreys tilida ko'pchilik gramatikalar so'zning oxirgi unlisi yoki undoshliligiga qarab qo'shiladi va bu tilda biror so'zning oxiri unli harf bilan tugamaydi va o'zidan oldingisi bilan ham ng yani ㅇ harfi bilan yoziladi.


Misol:

	Bosh kelishik	Ot kesm
오늘	은	금요일입니다
Bugun		Jumadir.

Bu misolda koreys tilidagi bosh kelishikka misol keltirilgan. 오늘 (bugun) so'zimizning oxirgi harfi undosh harf bo'lganligi uchun 은 bosh kelishikni qo'shdik agar oxirgi harfimiz unli bo'lganida edi biz unga 는 qo'shimchasini qo'shar edik. Biroq bunday qoidalar o'z ona tilimizda yo'q.

Bu ikki tilning shakllanishida madaniyat katta va muhim ro'l o'ynaydi. Birinchidan, bu tillarda hurmat gramatikasi mavjudligi. Masalan, koreys tilida 3 darajali hurmat qo'shimchalari bor va hattoki ba'zi otlarning ham hurmat shakldagisi mavjud.

<b>Xurmat shakldagi</b>	<b>Xurmat shakldagi</b>	<b>Xurmat shakldagi</b>
Uy	Ism	Odam
댁 (daek)	성함 (seongham)	분 (bun)
<b>Oddiy daraja</b>	<b>Oddiy daraja</b>	<b>Oddiy daraja</b>
집	이름	사람






Bu misolda bitta soʻzning hurmat shaklidagi sinonim soʻzlari mavjudligini koʻrishimiz mumkun. Biroq, bunday grammatikalar oʻrganuvchilarning oʻrganish samaradorligini pasaytirmaydi, aksincha til oʻrganish bilan bir qatorda muomala madaniyati va oʻzgalar bilan gaplashayotganda soʻzlarni tanlab ishlatishga chaqiradi, ayniqsa, yoshi katta odamlar bilan. Shu yergacha oʻz ona tilimiz bilan koreys tilining oʻxshashlik jihatlari yoritildi, ammo asosiysi, suhbatlashish va shu jarayonda talaffuzga eʼtibor berishdir.

Koreys tili alifbosi 40 ta harfdan iborat boʻlib ulardan 19 tasi undosh va 21 tasi unli hisoblanadi. Undosh harflarning baʼzilari ikkitalik qilib talaffuz qilinadi va rus tilidagi harflarga ham oʻxshash qilib talaffuz qilinadigani bor. Unli harflarining esa ikkitasi bir biri bilan qoʻshilib kelishi (murakkab unli harflar) yani diftong dep yuritiladi.

Murakkab undosh harflar		Murakkab unli harflar	
ㄱ	[KK]	ㅟ	[ye]
ㄷ	[TT]	ㅠ	[ye]
ㅂ	[PP]	ㅢ	[va]
ㅅ	[SS]	ㅣ	[yõ]
ㅈ [JJ]		ㅤ	[ɸi]

Koreys tilining eng murakkab qismi bu “Suhbatlashish”, chunki bu tildagi harflarning oʻzgacha boʻlib aytilishi. Harflarning aytilishi oʻzbek tilidagi tovushlar bilan bir xil boʻlsa ham maxrajlari turli joylardan chiqadi va aksariyat xollarda yumshoqroq va bazi joylarda qattiqroq talaffuz qilinadi, ayniqsa, ikkitalik undosh kelganda. Nutqni oʻstirishning asosiy usuli bu koʻp tinglab, takrorlash sanaladi. Chunki, koreys tilidagi harflar har doim ham koʻringandek talaffuz qilinavermaydi, ayniqsa soʻroq gaplarda ohang biroz koʻtariladi va biz shundan koʻrishimiz mumkunki bu soʻroq gap. Ammo, bu qoida har doim ham qoʻl kelavermaydi aksariyat hollarda xudda oʻzbek tiliga oʻxshab soʻroq yuklamalari va soʻzlari bilan soʻroq gap tuziladi.

Hozirda koʻpkina yoshlar ㄱ [KK] tovushini chiqarishga qiynalishadi, agarda yakka holda kelsa bu oson, lekin, soʻzlarning oʻrtasi yoki oxirida kelsa oʻzbek tilidagi







K tovushiga o'xshab talaffuz qilinmaydi. Bu tovushni chiqarish uchun zamonaviy usuldan foydalanish zarur, ya'ni eshitib takrorlash yoki tajribamdan kelib chiqqan holda shuni aytishim mumkunki, har kuni 3 yoki 5 daqiqadan og'izga to'ldirib suv olib, boshni ko'tarib aytib ko'rish kerak. Natijada, suvni tomoqdan ketib qolmaslik uchun ham suvning yo'li tilning eng chuqur orqa tarafi bilan to'siladi va shu paytda ikkitalik K tovushi chiqadi.

Keyingi aytilishi qiyin bo'lgan tovush ㅌ [TT] tovushidir. 어떤 (qaysi) so'zida ikkitalik T tovushi bor. Ko'p hollarda T tovushida qisqa muddatga to'xtab, keyin ikkinchi T harfini aytamiz. Bu harfni chiqarish uchun 1 yoki undan ham kamroq soniyaga to'xtab, urg'u berishimiz kerak bo'ladi.

Kuzatishlar natijasida, tilni taqqoslab o'rganish yangi tilni tez va oson o'rganishda 80% ni ko'rsatadi.

Tilni taqqoslab o'rganish jarayonida nafaqat tilni tez o'rganishga, balki, samaraliroq o'rganishga ham yordam beradi. Ushbu maqolada ikkita til grammatikasi yuzasidan taqqoslash olib borildi. Jadvallar asosida sxema tuzilib, misollar tariqasida berildi.

### References:

1. N. Erkaboyeva *O'zbek tilidan ma'ruzalar to'plami* (pp.45-78).
2. *The Study of Language* is a book by George Yule.
3. 연세 한국어 Yonsei Korean 2-1 (English Version) by *Yonsei Korean Institute*.





## ОРГАНИК, НООРГАНИК ВА АРАЛАШ ТУРДАГИ КОМПЛЕКС ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ ИОНИТЛАРНИНГ ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Иззатиллаев Неъматулло Абдусаломович

Термиз муҳандислик- технология институти таянч докторанти

Тел.: +99890-569-14-30, [nematizatillayev@gmail.com](mailto:nematizatillayev@gmail.com)

Эшқурбонов Фурқат Бозорович

Термиз муҳандислик- технология институти факультет декани

Тел.: +99897-754-84-92, [furqat-8484@mail.ru](mailto:furqat-8484@mail.ru)

Холиқов Ўткир Холиярович

Термиз муҳандислик- технология институти ўқитувчиси

Тел.: +99891-580-07-32, [utkir87@mail.ru](mailto:utkir87@mail.ru)


**Аннотация.** Ҳозирги вақтгача фенол ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган қўшимча маҳсулот-фенол смоласидан рационал фойдаланиш йўлга қўйилмаган. [1.] ушбу ишда фенол смоласидан фенолформальдегид катионити синтез қилиш учун фойдаланиш имконияти кўрсатилган бўлиб, у анологлари билан уларга нисбатан статик алмашилиш сиғимининг 20% дан ҳам кўпроқ бўлиши билан идентификацияланган.

**Калит сўзлар:** фенол, смола, полиамид, формальдегид, мономер, бентонит.

Алифатик полиамид ПА-6, крезолсульфоқислоталар ва формальдегид асосида арзон плёнкали ионоген материаллар олиш усули келтирилган. Таъсирлашувчи моддаларнинг моль нисбатлари ва синтезнинг оптимал технологик режими ўрнатилган. Синтез қилинган материаллар 3,0 мг-экв/г гача статик алмашилиш сиғимига эга [2].

Сланецли смоланинг гексаметилентетраамин билан поликонденсацияси асосида 6,5 мг-экв/г алмашилиш сиғими кучсиз асосли анионит олинган бўлиб, кучли ифлосланган муҳитларни тозалаш учун қўлланиладиган саноат анионити АН-2Ф каби механик мустаҳкамлик ва ионалмашилиш нисбий тезлигининг юқори кўрсаткичларига эга ҳамда ундан техник ионит сифатида фойдаланиш мумкинлиги кўрсатиб берилган [3].

Диметилолкарбамид асосида олинган ионитлар морфологиясига иккинчи мономер миқдори таъсирини ўрганиш мақсадида сканерловчи электрон – микроскопик тадқиқотлар ўтказилди. Тажрибалар асосан 1:1 нисбатда олинган диметилолкарбамид +ортофосфат кислота полимер ионити ҳамда






ДМК+ФК+Бентонит асосидаги ғовакли ионит билан амалга оширилди. Бу ерда ғовакликнинг ҳосил бўлиши бентонит қўшилиши билан изоҳланади.


Олинган натижалар полимер ионитнинг ўлчами ва шакли нуқтаи назаридан ҳам, структуравий ўзига хослиги (сирт ва ички соҳалар структураси) нуқтаи назаридан ҳам сезиларли гетерогенлигидан гувоҳлик беради. Кўриниб турибдики, ионит доирасимон (оваль) шаклга эга бўлиб, уларнинг қўпчилиги шакли бўйича турлича яримўқлар нисбати эллипсоидларга мос келади. Тўлиқ сферик заррачалар анча кам кузатилади. Заррачалар ўлчамида ҳам сезиларли даражада фарқ кузатилади, яъни микроннинг ўндан биридан бир неча юз ва ҳатто минг микронгача, яъни миллиметрли даражагача етади.

Комплекс ҳосил қилувчи ионитлар морфологик тузилишининг шаклланиш қонуниятларини ўрганишда тадқиқотчилар томонидан электрон микроскопик усуллардан фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда. Комплекс ҳосил қилувчи ионитлар ғовак ва гранула тузилишининг ҳосил бўлиш механизми асосан инерт суюлтирувчи (ғовак ҳосил қилувчи) табиати ва реакция системадаги бентонит миқдори билан аниқланади [4]. Бунда полимерланишнинг дастлабки босқичларида полимер занжирининг халқаланиши система морфологиясининг гомогенлигини оширишда асосий рол ўйнайди. Синтез қилинган ионитларнинг морфологик тузилишини аниқлаш мақсадида уларнинг сканерловчи электрон-микроскопда олинган расмлари ўрганилди (1-расм).

Олинган ионитларнинг элемент анализлар EDEX қурилмаси ёрдамида анализ қилинди. Анализ натижалари 1 -жадвалда келтирилган.



1-расм. ДМК+ФК+Бентонит ионити сиртининг сканерли электрон микроскопик тасвири ва таркибидаги элементлар миқдори, %






1-жадвал

ДМК+ФК+Бентонит ионити сиртининг сканерли электрон микроскоп ёрдамида бажарилган микдорий элемент анализ параметрлари

Элемент	Чизик тип	Шартли концентрация	κ	Масса, %	Эталон
C	K серия	0.04	0.000 43	19.81	C Vit
N	K серия	0.26	0.000 47	27.65	BN
O	K серия	0.16	0.000 55	42.55	SiO <sub>2</sub>
P	K серия	0.10	0.000 55	9.99	GaP
Сумма:				100.0 0	

Адабиётлардаги синтез қилинган ионитларнинг[5] SEM микрофотографияларида ДМК+ФК ионити юзаси текис тузилишли бўлиб, қайта ишланган 1 – расмдаги ДМК+ФК ионити бентонит билан қайта ишлаш орқали гранула чиқариб, аминогуруҳлари киритилгандан сўнг 1– расмдаги гранула тузилишли ионит ҳосил бўлган. Кейинги босқичда аминланган полимер юзаси 1-расм дан кўринадики бир хил тузилишли бурмалар ҳосил қилган. Бу эса ДМК+ФК асосида ҳосил бўлган ионалмашинувчи сорбент катта сирт юзага эга бўлганлиги ва бундай морфологик тузилишга эгаллиги турли металл ионлари билан юқори сорбцион хосса намоён қилиши мумкин.

Шунингдек, энергетик дисперсив X-ray (EDS) элементларнинг микдорий микроанализ таҳлили ионалмашинувчи материал таркибида тахмин қилинган элементлар фосфор ва азот масса улушлари тегишли равишда 14,08 ва 22,91 % ташкил қилган. Бу эса юқоридаги EuroEA Elemental Analyser аппаратида элемент таҳлили билан олинган натижалардаги нисбатан фосфор улуши кам чиққанлигини кўриш мумкин. Бунга сабаб аминлаш реакцияси сўнги босқич бўлиб, материал юзасида амин гуруҳлари кўпроқ бўлган. Чунки энергетик дисперсив X-ray (EDS) микроанализи грануланинг юзасидаги элементларнинг






микдорий улушини кўрсатади [6,7]. Поликомплекс таркибида азот ( $N_2$ ) элементининг масса улуши ҳар икки элемент анализиде деярли бир хил чиққанлигини кўриш мумкин. Шуненгдек, ушбу тадқиқот ишида янги усулда ионалмашинувчи материал олиш учун ДМК+ФК асосидаги ионитга Хавдак бентонити иштирокида қайта ишлашнинг мақбул шароитлари аниқланди. Кўрсатилган шароитда олинган ионалмашинувчи сорбентнинг тузилиши ва таркибини идентификациялаш учун замонавий физик-кимёвий усуллардан фойдаланиб ўрганилди. Тадқиқотлар натижасида ДМК+ФК асосида олинган маҳсулотнинг таркибида фосфор ҳамда азот тутганлиги, ғовак тузилишли ва таркибида ҳам катион ҳам анион алмашиниш хусусиятига эга бўлган фосфо ва аминокорухлари тутганлиги исботланди.

### Адабиётлар рўйхати

1. Суценко Н. В., Щелокова А. В., Устинова Т. П. Оригинальное заглавие: Эффективный катионит на основе фенольной смолы - побочного продукта производства фенола // Успехи в химии и хим. технол. 2007. №3. т.21. – С.49-51.
2. Черваков О. В., Кобельчук Ю. М., Герасименко К. О., Максютя И. М., Шембель Е. М. Синтез и свойства ионогенных полиамидов, модифицированных крезолсульфокислотой // Вопр. химии и хим. технол. 2008. №5 – С.43-47, 180, 185, 190.
3. Поконова Ю. В. Аниониты из сланцевой смолы // Источник: Химия тверд. топлива. 2007. №3 – С.30-33.
4. 122. Syed S. Recovery of gold from secondary sources // Hydrometallurgy. – 2012. V.115. –Р.30-55.
5. Джалилов А.Т., Тураев Х.Х., Маматкулов Ш.И., Эшкурбонов Ф.Б., Касимов Ш.А., Эшкурбонова М.Б. Изучение морфологии комплексных соединений некоторых металлов с полученными ионитами. // Узбекский химический журнал. – Ташкент, -2018 - №1. - С. 12-17.
6. Джалилов А.Т., Эшкурбонов Ф.Б., Бекназаров Х.С. Сорбция ионов меди и других металлов полученными анионитами// Журнал Пластические массы. -2017. -№9-10. –С. 20-24.
7. Джалилов А.Т., Тураев Х.Х., Маматкулов Ш.И., Эшкурбонов Ф.Б., Касимов Ш.А., Эшкурбонова М.Б. Исследование морфологии и оптических свойств комплексообразующих ионитов. // Узбекский химический журнал. – Ташкент, - 2017 - №6. - С. 10-15.





**TALABALARNI UMUMBASHARIY QADRIYATLAR ASOSIDA  
TARBIYALASHDA KASBIY KOMPETENTLIGI TIZMINI  
TAKOMILLASHTIRISH**

**Djumayeva Zoxidaxon Muhammadjonovna**

Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti, Pedagogika fakulteti,  
Boshlang'ich ta'lim metodikasi kafedrası o'qituvchisi

**Annotatsiya**

Ushbu maqolada o'quvchilarning kasbiy malakasini oshirish uchun umuminsoniy qadriyatlarni ta'lim tizimiga kiritish muhimligi haqida so'z boradi. Bu mavzu bo'yicha adabiyotlar tahlilini taqdim etadi va bunday tizimni amalga oshirish metodologiyasini taklif qiladi. Ushbu tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, umuminsoniy qadriyatlarni ta'lim tizimiga kiritish o'quvchilarning ko'nikma va bilimlarini oshirish, kasbiy kompetentsiyani oshirishga olib keladi.

**Kalit so'zlar.** Kasbiy kompetentsiya, ta'lim tizimi, umuminsoniy qadriyatlar, ko'nikmalar, bilim.

**Abstract**


This article discusses the importance of incorporating universal values into the education system in order to improve the professional competence of students. It presents an analysis of the literature on the subject and proposes a methodology for implementing such a system. The results of this study suggest that incorporating universal values into the education system can enhance students' skills and knowledge, leading to improved professional competence.

**Key words.** Professional competence, education system, universal values, skills, knowledge.

**KIRISH**

Bugungi shiddat bilan o'zgarib borayotgan dunyoda o'quvchilarni kasbiy faoliyatga tayyorlash uchun ularni umuminsoniy qadriyatlarga o'rgatish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Umuminsoniy qadriyatlarni ta'lim tizimiga singdirish o'quvchilarning ko'nikma va bilimlarini oshirishga, kasbiy kompetentsiyani oshirishga olib keladi. Ushbu maqolada umuminsoniy qadriyatlarni ta'lim tizimiga kiritish muhimligi muhokama qilinadi va bunday tizimni amalga oshirish metodologiyasi taklif etiladi.

**ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA**





Mavzuga oid adabiyotlarni o'rganish shuni ko'rsatadiki, umuminsoniy qadriyatlarni ta'lim tizimiga singdirish bir qator afzalliklarga olib keladi. Umuminsoniy qadriyatlar asosida ta'lim olgan o'quvchilar boshqalarga nisbatan ijobiy munosabatda bo'lishlari, ijtimoiy mas'uliyatni namoyon etishlari va kuchli axloqiy tuyg'ularga ega bo'lishlari mumkin. Bu, o'z navbatida, ularning kasbiy malakasini oshirishi va boshqalar bilan hamkorlikda ishlash qobiliyatini oshirishi mumkin. Bundan tashqari, umuminsoniy qadriyatlarni rivojlantirish ish joyida muhim bo'lgan tanqidiy fikrlash va muammolarni hal qilish ko'nikmalarini oshirishi mumkin.

Ta'lim tizimiga umuminsoniy qadriyatlarni singdirish uchun bir qator strategiyalarni o'zida mujassam etgan kompleks yondashuvni ishlab chiqish muhim ahamiyatga ega. Bunga umuminsoniy qadriyatlarga urg'u beruvchi o'quv dasturini ishlab chiqish, o'quvchilarga ushbu qadriyatlarni real sharoitlarda amalda qo'llash imkoniyatini beruvchi tajribaviy ta'lim imkoniyatlarini amalga oshirish va o'quvchilarning ta'lim tajribasini oshiradigan texnologiyalarni kiritish kiradi.

## NATIJALAR

Ushbu tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, umuminsoniy qadriyatlarni ta'lim tizimiga kiritish o'quvchilarning ko'nikma va bilimlarini oshirish, kasbiy kompetentsiyani oshirishga olib keladi. Umumjahon qadriyatlarni singdirish ish joyida muhim bo'lgan tanqidiy fikrlash va muammolarni hal qilish ko'nikmalarini oshirishi mumkin. Qolaversa, umuminsoniy qadriyatlar asosida ta'lim olgan o'quvchilar boshqalarga nisbatan ijobiy munosabatda bo'lishlari, ijtimoiy mas'uliyatni namoyon etishlari va kuchli axloqiy tuyg'ularga ega bo'lishlari mumkin.

Talabalarni umuminsoniy qadriyatlar asosida tarbiyalashda kasbiy kompetensiya tizimini takomillashtirish uchun bir qancha qadamlar qo'yilishi mumkin. Quyida bir nechta takliflar:

- Kompleks yondashuvni ishlab chiqish: umuminsoniy qadriyatlarni ta'lim tizimiga kiritish uchun bir qator strategiyalarni o'z ichiga olgan kompleks yondashuv talab etiladi. Bunga umuminsoniy qadriyatlarga urg'u beruvchi o'quv dasturini ishlab chiqish, o'quvchilarga ushbu qadriyatlarni real sharoitlarda amalda qo'llash imkoniyatini beruvchi tajribaviy ta'lim imkoniyatlarini amalga






oshirish va o'quvchilarning ta'lim tajribasini oshiradigan texnologiyalarni kiritish kiradi.

- Pedagoglarni tayyorlash: Pedagoglar ta'lim tizimida hal qiluvchi rol o'ynaydi va umuminsoniy qadriyatlarni samarali o'rgatish uchun zarur bilim va ko'nikmalar bilan jihozlanishi kerak. Bunga o'qituvchilarga umuminsoniy qadriyatlar va ularni o'quv dasturiga qanday kiritish haqida tushunchani shakllantirishga yordam beradigan o'quv dasturlari kirishi mumkin.
- Manfaatdor tomonlarni jalb qilish: Ota-onalar, jamiyat rahbarlari va ish beruvchilar kabi manfaatdor tomonlarni umuminsoniy qadriyatlar ta'limini ishlab chiqish va amalga oshirishga jalb qilish ta'lim tizimining samaradorligini oshirishi mumkin. Bu ta'lim tizimining jamiyat va ishchi kuchi ehtiyojlariga mos kelishini ta'minlashga yordam beradi.
- Tizim samaradorligini baholash: Talabalarga umuminsoniy qadriyatlar asosida ta'lim berishda kasbiy kompetensiya tizimini muntazam ravishda baholash uning ko'zlangan natijalariga erishayotganini ta'minlashda muhim ahamiyatga ega. Bu talabalar natijalarini monitoring qilish, o'quv rejasi va o'qitish strategiyalari samaradorligini baholash va manfaatdor tomonlardan fikr-mulohazalarni so'rashni o'z ichiga olishi mumkin.
- Umuminsoniy qadriyatlar madaniyatini tarbiyalash: Ta'lim tizimiga umuminsoniy qadriyatlarni singdirish bilan bir qatorda ta'lim muassasalarida ham umuminsoniy qadriyatlar madaniyatini shakllantirish muhim ahamiyatga ega. Bu hurmat, hamdardlik va ijtimoiy mas'uliyat kabi qadriyatlarni targ'ib qilish va talabalar va hamkasblar bilan kundalik o'zaro munosabatlarda ushbu qadriyatlarni modellashtirishni o'z ichiga olishi mumkin.

Umuman olganda, o'quvchilarni umuminsoniy qadriyatlar asosida tarbiyalashda kasbiy kompetensiya tizimini takomillashtirish pedagoglar, manfaatdor tomonlar va keng jamoatchilikni qamrab oluvchi kompleks va hamkorlikdagi yondashuvni talab qiladi.

## XULOSA

Xulosa qilib aytish mumkinki, umuminsoniy qadriyatlarni ta'lim tizimiga singdirish o'quvchilarning kasbiy malakasini oshiradi. Bir qator strategiyalarni o'zida mujassam etgan kompleks yondashuvni ishlab chiqish orqali ta'lim muassasalari







o'quvchilarga kasbiy faoliyatida muvaffaqiyatga erishish uchun zarur bo'lgan ko'nikma va bilimlarni beradi. Umuminsoniy qadriyatlarining rivojlanishi o'zgalarga nisbatan ijobiy munosabat, ijtimoiy mas'uliyat hissi, kuchli axloqiy tuyg'ularni ham shakllantirishi mumkin.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Bandura, A. (2001). Social cognitive theory: An agentic perspective. Annual review of psychology, 52(1), 1-26.
2. Fullan, M. (2015). The new meaning of educational change. Routledge.
3. Noddings, N. (2013). Education and democracy in the 21st century. Teachers College Press.
4. Seligman, M. E. (2011). Flourish: A visionary new understanding of happiness and well-being. Simon and Schuster.
5. UNESCO. (2015). Rethinking education: Towards a global common good? United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization.





## ENGLISH TEACHING METHODS

Mamatova Zargul Xursanboy qizi

Andijan State Institute of Foreign Languages, Faculty of English Philology,  
Teaching Methodology and Translation Studies, English Language and  
Literature

### ANNOTATSIYA

*What is the best teaching method for learning English?*

According to academic research, linguists have demonstrated that there is not one single best method for everyone in all contexts, and that no one teaching method is inherently superior to the others.

Also, it is not always possible – or appropriate – to apply the same methodology to all learners, who have different objectives, environments and learning needs. Throughout the history of teaching languages a number of different teaching approaches and methodologies have been tried and tested with some being more popular and effective than others.

**Key words:** *professional language teacher, learning style, Grammar Translation, Direct Method, Audio-lingualism, Communicative Language Teaching*

An experienced professional language teacher always adopts the Principled Eclecticism approach, deciding on the most suitable techniques and applying the most appropriate methodology for that learner's specific objectives, learning style and context.

Methods of teaching English have developed rapidly, especially in the previous 40 years. As a language learner, training manager, or teacher, it is important to understand the various methods and techniques so that you are able to navigate the market, make educated choices, and boost your enjoyment of learning a language.


Each teaching method is based on a particular vision of understanding the language or the learning process, often using specific techniques and materials used in a set sequence.

The main methodologies are listed below in the chronological order of their development:

*Grammar Translation* – the classical method

*Direct Method* – discovering the importance of speaking

*Audio-lingualism* – the first modern methodology





*Humanistic Approaches* – a range of holistic methods applied to language learning

*Communicative Language Teaching* – the modern standard method

*Principled Eclecticism* – fitting the method to the learner, not the learner to the method.

### ***The Direct Method***

If you've ever heard the Direct Method being taught, you may have rightly mistaken it for some sort of military drill, which is not far off as it was first established in France and Germany in the early 1900's to assist soldiers to communicate in a second language quickly.

The direct method of teaching English is also known as the Natural Method. It's used to teach a number of different languages not just English, and the main idea of the Direct Method is that it only uses the target language that the students are trying to learn.

Its main focus is oral skill and it is taught via repetitive drilling. Grammar is taught using an inductive way and students need to try and guess the rules through the teacher's oral presentation.

Today popular forms of the Direct Method are Callan and Berlitz.


### ***The Grammar Translation Method***

Just like its name suggests, this method of teaching English is grammar heavy and relies a lot on translation. This is the traditional or 'classical' way of learning a language and it's still commonly used when learning some languages. Some countries prefer this style of teaching and the main idea behind this method is that the students learn all grammar rules, so they're able to translate a number of sentences. This is particularly common for those students who wish to study literature at a deeper level.

### ***The Audio Lingual Method***

The Audio Lingual Method otherwise known as the New Key Method or Army Method is based on a behaviourist theory that things are able to be learned by constant reinforcement. However, just like in the army when someone behaves badly (or in this case bad use of English), the learner receives negative feedback and the contrary happens when a student demonstrates good use of English.

This is related to the Direct Method and just like its predecessor it only uses the target language. The biggest difference between the Audio Lingual Method and the





Direct Method is its focus of teaching. The Direct Methods focuses on the teaching of vocabulary whereas the Audio Lingual Method focuses on specific grammar teachings.

### ***The Structural Approach***

As the name suggests, the method is all about structure. The idea is that any language is made up of complex grammar rules. These rules, according to this approach need to be learnt in a specific order, for example the logical thing would be to teach the verb “to be” prior to teaching the present continuous which requires using the auxiliary form of the verb “to be.”

### ***Suggestopedia***

This is a behaviourist theory and related to pseudoscience. This method relies heavily on students’ belief about the method’s effectiveness. This theory is intended to offer learners various choices, which in turn helps them become more responsible for their learning.

It relies a lot on the atmosphere and the physical surroundings of the class. It’s essential that all learners feel equally comfortable and confident. When teachers are training to use the Suggestopedia method, there’s a lot of art and music involved. Each Suggestopedia lesson is divided into three different phases – 1. Deciphering 2. Concert Session 3. Elaboration.

### ***Total Physical Response***


Total Physical Response, otherwise known as TPR is an approach that follows the idea of ‘learning by doing’. Beginners will learn English through a series of repetitive actions such as “Stand up”, “Open your book”, “Close the door”, and “Walk to the window and open it.” With TPR, the most important skill is aural comprehension and everything else will follow naturally later.

### ***Communicative Language Teaching (CLT)***

The idea behind this approach is to help learners communicate more effectively and correctly in realistic situations that they may find themselves in. This type of teaching involves focusing on important functions like suggesting, thanking, inviting, complaining, and asking for directions to name but a few.

### ***The Silent Way***

The Silent Way emphasises learner autonomy. The teacher acts merely as a facilitator trying to encourage students to be more active in their learning. The main of this way of teaching is for the teacher to say very little, so students can take control of their learning. There’s a big emphasis on pronunciation and a large chunk of the lesson





focuses on it. This method of learning English follows a structural syllabus and grammar, vocabulary and pronunciation are constantly drilled and recycled for reinforcement. The teacher evaluates their students through careful observation, and it's even possible that they may never set a formal test as learners are encouraged to correct their own language errors.

### ***Community Language Learning***

This is probably one of the English teaching methods where the student feels the safest as there's a great emphasis on the relationship and bond between the student and teacher. Unlike a lot of the other methods and approaches of teaching English as a Second Language, a lot of the L1 (mother tongue) is used for translation purposes.

### ***Task Based Language Learning***

The main aim of this approach to learning is task completion. Usually, relevant and interesting tasks are set by the teacher and students are expected to draw on their pre-existing knowledge of English to complete the task with as few errors as possible.

### ***The Lexical Approach***


The Lexical syllabus or approach is based on computer studies that have previously identified the most commonly used words. This approach in teaching focuses on vocabulary acquisition and teaching lexical chunks in order of their frequency and use. Teachers of the Lexical Approach place a great emphasis on authentic materials and realistic scenarios for more valuable learning.

### ***Modern Teaching Methods***

As mentioned above, the modern language teacher doesn't follow one rigid method, but applies the Principled Eclecticism approach – fitting the method to the learner, not vice versa.

This means choosing the techniques and activities that are appropriate for each particular task, context and learner, with a focus on motivation and helping learners become independent and inspired to learn more.

The explanation of Principled Eclecticism also includes a useful ten-point guide for teachers and language students on the best teaching and learning techniques.





**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR**

1. **Methodology | TeachingEnglish | British Council**  
<https://www.teachingenglish.org.uk/professional-development/teachers/knowning-subject/d-h/methodology>
2. **15 ESL Teaching Methods in the English Language - English 100**  
<https://learnenglish100.com/esl-teaching-methods/>
3. **The 10 best language teaching strategies explained!**  
<https://sanako.com/the-10-best-language-teaching-strategies-explained>
4. **5 Popular ESL Teaching Methods Every Teacher Should Know**  
<https://bridge.edu/tefl/blog/esl-teaching-methods/>





## KOGNETIV TILSHUNOSLIKDA "TUSHUNCHA" VA "KONSEPT" NING O'ZARO FARQALNISHI. EZGULIK KONSEPTI.

*BibiMuxlisa G'ulomova*

*Andijon davlat chet tillari instituti Ingliz filologiyasi, o'qitish metodikasi va tarjimashunoslik fakulteti 303-guruh talabasi*

### ANNOTATSIYA

“Konsept” termini XX asrning 90-yillaridan boshlab qo'llanilib keladi. Ushbu tushuncha hali hamon bitta umumiy izoh bilan talqin qilinmagan. Uning ustida tadqiqotlar olb borgan tilshunoslardan biri S.A.Askoldov konseptga “bir tur yoki boshqa turdagi tushunchalar haqida fikrlash jarayonini o'zida aks ettiradigan birlik” deb izoh beradi.

**Key words:** *konsept, tushuncha, falsafa, ideologiya, folklor, milliy an'ana;*


N.D.Aryutunova esa “Konsept falsafadagi amaliy tushuncha bo'lib, milliy an'ana, hayotiy tajriba, din, ideologiya, folklor, san'at obrazlari kabi ko'plab omillar va fikrlash jarayoni o'rtasidagi munosabatlarni aks ettiradi. U – inson va dunyo o'rtasida bog'liqlik o'rnatadigan madaniy qatlamni o'zida namoyon qiladi” – deya yozadi.

D.S.Lihacheva o'zining «Концептосфера русского языка» ilmiy ishida konseptni “so'zning lug'at ma'nosi bilan insonning o'z milliy qarashlari bilan to'qnashuvi natijasida hosil bo'ladigan fikrlash jarayonining mahsuli”. – deb ta'riflaydi

Turli tilshunoslarning ilmiy ishlarini solishtirish natijasida ko'plab xususiy xulosalar qabul qilindi. Konsept tushunchasining tilshunoslikda qabul qilinganligi madaniyat, ong, tafakkur va til birligining asosiy o'ziga xosliklarini aniqlashda, lingvistikaning kulturologiya, falsafa va kognitologiya aspektlari uchun yangi bosqich bo'lib xizmat qildi.

Lingvistik adabiyotlarda “konsept” tushunchasiga turlicha yondashuvlar mavjud. Shu sababli ham bu termin haqida juda ko'p izohlar mavjud, turli yondashuvlar natijasida esa konseptning tasniflari ham turlicha aniqlanadi. Konsept o'z strukturasi ega. Oddiy muayyan fikr, butun konseptual struktura, abstraktlikning bosqichlarini tashkil qilgan tushuncha ham konsept funksiyasini bajarishi mumkin. O'z mazmuni va abstraktlik darajasiga ko'ra A.P.Babushkin konseptni quyidagi turlarga tasniflab chiqqan:

1) *konkret obraz;*





- 2) *sxema*;
- 3) *tushuncha*;
- 4) *prototip*;
- 5) *freym*;
- 6) *senariy(skript)*
- 7) *geshtalt*.

*Konkret obraz* – bu tasavvur yoki tafakkurdagi konkret predmet yoki voqelikning aks etishi. Abstraktlik darajasi yuqoriroq bo‘lgan konsept turi tasavvur (fikrlar kartinkasi) – turli predmet yoki voqeliklarning umumlashtirilgan obrazlari. Tasavvur konseptning ko‘proq tashqi belgilariga asosan aks ettirgan turi hisoblanadi.

*Sxema* – umumlashgan makon-grafik obrazlari haqidagi tasavvurlar («daryo» ko‘k lentaga qiyoslanadi). *Tushuncha* – predmetning umumiy yoki konkret belgilari, obyektiv, mantiqiy xarakteristikalarini o‘zida aks ettiradi. *Tushuncha* tasavvur yoki sxema asosida ikkinchi darajali begilardan bosqichli abstraktlashtirish natijasida yuzaga keladi.

*Prototip* – muayyan kategoriyali tipik predmet yoki voqelik haqida boshlang‘ich tasavvurni yuzaga keltiruvchi birlikdir. Misol uchun ideal uy bekasi haqida tasavvur, avtomobil haqidagi tasavvur. Mazkur konseptlar kishiga olamdagi obyekt va voqeliklarni kategoriyalarga ajratishga yordam beradigan birlik sifatida xizmat qiladi.

*Freym* – xotiradagi assotsiatsiyalar. Konsept-freymni “kadr” tushunchasi bilan solishtirish ham mumkin, chunki bu konsept turi muayyan konseptning ramkasiga tipik tarzda nima kirsam, shu belgilarni o‘zi chigam oladi. Freymlar sxemasidan tashqari voqealar sxemasi degan tushuncha ham mavjud.

*Ssenariy* – faktor freymidan vaqt o‘lchami orqali farq qiladi. Ssenariy o‘zida voqealarning syujetli rivojlanishi haqidagi bilimlarni jamlaydi. Bu esa kishiga kundalik hayotiy hodisalarga diqqat qaratishga imkon beradi: misol uchun “uchrashuv” konsepti borasida, sevishganlar uchrashuvining restoranda sham yorug‘idagi kechki ovqat, romantik musiqa bilan, biznes uchrashuvni ofis stoli atrofida hamkorlar bilan qahva yoki mineral suv bilan assotsiatsiyalashgan tasavvurda reprezentatsiyasi bu voqealar sxemasi, ya’ni ssenariy deb yuritiladi.

*Geshtalt* – his-tuyg‘u yoki ratsional komponentlarni o‘zida jamlab konseptual struktura yoki butun bir obrazni aks ettirishi, situatsiyaning butun holda qabul qilinishi, abstraktlikning eng yuqori darajasi bilan bog‘liq birlikdir. *Geshtalt* anglash va tushunish jarayonining boshlang‘ich bosqichidir, biron predmet, voqelik haqidagi







qismlarga bo‘linmagan bir butun tasavvurlar to‘plami. Insonda konseptning har bir obykti va komponenti haqida yetarlicha bilim mavjud bo‘lganida geshtalt shu bilimlar ichida eng yuqori pog‘onadagi birlik bo‘lib turadi.

Geshtalt konsept turlarini bir birlikka jamlovchi konseptual sistema, konsept esa shu sistema ichiga kirgan qolgan termin sifatida qo‘llaniladi. Konsept o‘zining aniq strukturasi ega. Tadqiqotchilar strukturaning murakkabligi, konseptning ko‘p qatlamli ekanligiga diqqat qilib, ular umuman olib qaraganda, ongli konstruktini tashkil qilishini aniqlashdi. Struktura konsept haqidagi ma‘lumotni qayta shakllantirishga imkon beradi. Strukturasi ko‘ra konseptlar ham turlicha bo‘lganidek, ularning aniq klassifikatsiyasini ishlab chiqish tilshunoslar uchun haligacha yechim talab qiladigan muammoligicha qolmoqda.

Klassifikatsiyani strukturaga ahamiyat berib tuzish g‘oyasini I.A.Sternin taklif qilgan. U uch turdagi konseptlarni ajratib ko‘rsatgan. Bir bosqichli – faqat bazali qatlamni o‘z ichiga oladi. Ko‘p bosqichli – turli bosqichli bir necha kognitiv qatlamlarni o‘z ichiga oladi. Segmentli – bazali qatlamdan iborat bo‘lib, abstraktlik darajasiga ko‘ra bir xil hajmli segmentlardan tarkib topgan bo‘ladi. O‘zbek tilshunos olimlaridan A.E.Mamatovning ta‘kidlashicha, “Olam manzarasining ko‘p variantligi kishining ijtimoiy tajribasiga bog‘liq, boshqacha qilib aytganda, kuzatuvchi qarab turgan his qilish (tushunish, anglash, idrok etish) dunyosi qancha bo‘lsa, shuncha olam manzarasi mavjuddir.

Lisoniy shaxsning dunyoni verbal obyektivlashtirish orqasida nima yotganini chuqurroq anglashi uchun shubhasiz his-tuyg‘u obrazlarining dunyosini tadqiq qilish lozim bo‘ladi. U konseptning “obrazli”, metaforik komponentini tashkil etadi. Buning uchun biz maqolamizda XVI-XX asrlar ingliz va o‘zbek mualliflarining poetik matnlari, mashhur mutafakkirlarning hikmatli so‘zlari (aforizmlar), shuningdek, kombinator lug‘atlaridan foydalanildi.

Shunday qilib, “EZGULIK” o‘zining metaforik ifodalanishida qanday ko‘rinishga ega bo‘lishini aniqlashga harakat qilamiz, ezgulik abstrakt tushunchasi hissiyotli dunyo predmetlariga qiyos qilinadi. Eng avvalo, ta‘kidlash kerakki, bu konsept ko‘p hollarda o‘zbek matnida, ingliz tilida ham bunday munosabatlar subyektivi orqali taqdim etiladi, metaforistik ko‘chirish nisbatan past chastotali bo‘ladi. Aniqrog‘i, ko‘pchilik shunday hollarda aynan “ezgulik” / “goodness” leksemasi yangi konseptlarga erishishga yordam beradigan universal tushunchalar sifatida qo‘llanadi.





Lekin tadqiqot materiallarining nisbiy “tanqisligi” sharoitida ham ishonch bilan aytish mumkinki, buyum konnotatsiyasi – material predmetlar yoki ushbu otlarning leksik mutanosibligidan kelib chiqadigan mavhum otlar obrazlari ham ingliz va o‘zbek tillarida ba’zi farqlarga ega bo‘ladi.


“*Ezgulik*” konseptining obrazli komponentlari tahlili bir qancha parametrlarda amalga oshiriladi:

Chunonchi, qiyoslanayotgan tillar metaforizatsiyasi konkret usullarining o‘ziga xos universallik, (ularning chastotaliligi, obraz turi leksemaning to‘g‘ri ma‘nosi bo‘yicha, uni yordamchi subyekt ifoda etadi, unga do‘stlik tenglashtiriladi) o‘xshashlikni aniqlash belgisi hamda ushbu obraz atalish darajasi bo‘yicha amalga oshiriladi.

Ezgulik o‘zbek lisoniy tafakkuri sohibi uchun muqaddas unsur sifatida tasavvur qilinadi. Unga sodiqlik, samimiylik kabi munosabatlarida bo‘lishi mumkin. Masalan, Hajr iztiroblari – tanholik, sog‘inch qiynoqlarini kechi-rayotgan oshiq ko‘zlariga yorug‘ va keng dunyo tor zimistonga aylanganda yaqin do‘stlar, munislar uni yolg‘izlatib qo‘ymaydilar, samimiy mehribonliklar ko‘rsatib, ko‘nglini olishga intiladilar, Sadoqatli do‘stga hech vaqt ortiqcha xizmat qilib yurish zarur emas. Bir hakimdan so‘radilar: “Qanday safar uzoq safar?” javob berdi: “Sadoqatli do‘stni qidirish safari”; Qidirgan narsani topish mumkindir, biroq sodiq do‘stni topmoq muammo .

Ma‘lumki, o‘zbek matnlarida *ezgulik* do‘stlikning oliy xususiyati deb ifodalanadi. Bu muqaddas xususiyatga ega bo‘lgan do‘stni barcha halqlar hamisha eslaydilar, uni hurmat qiladilar, uning sharafiga va xotirasiga bag‘ishlab yaxshi amallar qiladilar / do smth for friendships sake. Ingliz poetik kontekstida bunday misollar ham kuzatiladi, lug‘atda uchraydigan so‘z birikmalari “holly / sacred friendship”, “to swear eternal friendship” kabilar ham ungamisolbo‘ladi.

U yoki bu holatda ham *ezgulik* shunday qadriyatki, uni asraydilar / value, uni saqlaydilar, avaylaydilar qadrlaydilar, yo‘qotishdan qo‘rqadilar / value, cherish, afraid to lose it, agar yo‘qotsalar, achchiq qayg‘uradilar va ko‘pincha boshqalarni ayblaydilar. Bu qimmatbaho unurni hamma joydan izlaydilar / look for, seek agar uni senga taklif etsalar / offer, exland, buni bemalol topsa bo‘ladi / find – topmoq, gain – olmoq. Ba‘zan do‘stlikka kurashib erishadilar / win. Har qanday qimmatbaho narsada bo‘lgani kabi do‘stlikning ham baxti bor, lekin uni amalda aniqlab bo‘lmaydi: “U do‘st o‘zining sadoqatliligi bilan bahosini oshirdi, / Butun dunyo oldida uning qadr-qiyamatini rad






etmaslik uchun” to set a valuation on friendship. Oldindan aytish mumkinki ezgulik qimmatbaho tuyg‘u, haqiqiy, chin / true, lekin u qalbaki / false ham bo‘lishi mumkin. Shubhasiz, har ikkala holatda ham subyekt qandaydir qimmatbaho hisoblanadi. Ingliz lisoniy tafakkuri uchun esa uning kelib chiqishini ta’kidlab o‘tish xarakterlidir. U vaqt o‘tishi bilan yaqqolroq bo‘ladi: to make / form / knit / cement / strike up / cultivate friendship kabilar .

Xullas, abstraksiyaning oliy darajadagi universal lingvomenta tuzilma hisoblangan “ezgulik” konsepti o‘z yadroviy tuzilmasida o‘zbek va ingliz tili adabiy matnlarida qisman o‘xshash, asosan antropomorf, chizmalarga ega bo‘ladi. Lekin, ularda periferiya farqlarning ham borligi seziladi. Bu farqlar u yoki bu belgining bor-yo‘qligiga, ularning sifat va miqdor ko‘rsatkichlariga taalluqlidir. Asosiy farq qiluvchi semantik belgi – muqaddaslikdir, bu narsa o‘zbek tafakkurida kuchlidir

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. **Kognitiv tilshunoslik va lingvomadaniyatda konsept tushunchasi**  
<https://cyberleninka.ru/article/n/kognitiv-tilshunoslik-va-lingvomadaniyatda-konsept-tushunchasi>
2. **Kognitiv tilshunoslikda “tushuncha” va “konsept”, ularni tahlil qilish usullari – journal.fledu.uz**  
<https://journal.fledu.uz/uz/kognitiv-tilshunoslikda-tushuncha-va-konsept-ularni-tahlil-qilish-usullari/>
3. **Zamonaviy tilshunoslikda konsept tushunchasi –**  
<https://cyberleninka.ru/article/n/zamonaviy-tilshunoslikda-konsept-tushunchasi>



**ABDUVALI QUTBIDDIN SHE'RIYATIDA MILLIY QADRIYATLAR****Maxmudova Kamola Bolbekovna****Samarqand davlat universiteti o'zbek filalogiya fakulteti 2- kurs magistranti  
ANNOTATSIYA**

Abduvali Qutbiddin 1960 yil 20 iyunda Qashqadaryo viloyatining Qarshi shahrida tug'ilgan. ToshDUning jurnalistika fakultetini tugatgan (1983). Dastlabki she'riy to'plami — «Nayson» (1988). Shundan so'ng shoirning «Humo» (1989), «Baxtli yil» (1991), «Xayol kechasi» (1994), «Sen va sen uchun» (1996), «Uzoqdan olisga» (2007) kabi she'riy to'plamlari nashr etilgan. «Do'stlik» ordeni bilan mukofotlangan (1997).

**Key words:** adabiyot, shoir, gazeta, she'riyat.

Shoir Abduvali Qutbiddin iqtidorli, nozikta'b va yuksak didli qalamkash. Shoirning to'plamlariga kirgan she'rlari sodda, ravon ifodalar asosiga qurilganligi bilan ajralib turadi. Shoirning she'rlarida dunyo o'tkinchi, hamma vaqt hamma narsa o'tadi- ketadi, ammo poklik, muhabbat, yaxshilik, mehr kabi buyuk tuyg'ular qoladi, degan xulosa balqib turadi.

U 1960 yilning 20 iyunida Qashqadaryo viloyatining Qarshi shahrida tug'ilgan.

Uning ota-onasi aslida toshkentlik bo'lib, Shayxontohur mahallasidan, xo'ja Ahror Valiy avlodiga mansub kishilar edi. Oktabr to'ntarishi va qatag'onlik davrining shamoli bu oilani ham chetlab o'tmagan. Ular bir necha yillar davomida o'z yurtlaridan judo bo'lib yashadilar. Shu tufayli Abduvali Qarshida tug'ilib, Samarqandda tahsil olgan.


1978 yili Toshkent Davlat universitetining jurnalistika fakultetiga o'qishga kirib, uni 1983 yilda tamomlagan.

Samarqand viloyati gazetasida xizmat qilgan. 1985 yildan esa ona shahri Toshkentga kelib, G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyotida muharrir bo'lib ishlaydi.

Shoirning «Nayson» (1988), «Humo» (1989), «Baxtli yo'l» va «Baxtli yo'l» (1991) to'plamlariga kirgan she'rlari sodda, ravon ifodalar asosiga qurilganligi bilan ajralib turadi.

«Er qa'riga», «Ikki amakimga xat» kabi she'rlarida dunyo o'tkinchi, hamma vaqt hamma narsa o'tadi- ketadi, ammo poklik, muhabbat, yaxshilik, mehr kabi buyuk tuyg'ular qoladi, degan xulosa balqib turadi.

Abduvali Qutbiddinning ilk to'plami "Nayson"ga so'z boshi yozgan ustoz shoir Rauf Parfining e'tiroficha: "Abduvali she'riyati dunyoni obrazli idrok etishning ajoyib





namunasidir. U borliqni yalang'och tasavvur qila olmaydi. Qalbiga har bir lahzani, voqea va hodisani his qilib, kamalakdek jilo beradi.

U har bir she'rida, yangi ranglar, ohanglar izlab topishga intiladi. Daf'atan shoir kechinmalarini ilg'ash qiyindek, tasavvuringizga bu ingichka holatlar bir-biri bilan uzviy emasdek tuyulishi mumkin. Favqulodda o'xshatishlar, kinoyalar, istioralar... o'qib ajablanasiz, bu she'rlar boshqalarning she'rlariga sira o'xshamaydi. Hatto bir qaraganda "qovushmagandek". Ammo hukm etishga shoshmang! Yana bir bor sinchkov o'qing, shunda bu notanish satrlar bir-biri bilan pinhona bog'lanib, o'ziga xos ruhiy iqlimni yaratayotganiga ishonch hosil qilasiz. Bu iqlimda siz tiriklikning teran qa'rlariga ildiz otgan xotirotning kuyunchak sadolarini tinglaysiz".


Adabiyotshunos olim Qozoqboy Yo'ldosh shoirning lirik qahramoni haqida shunday yozadi: "A. Qutbiddinning lirik qahramoni – 80 yillar farzandini turg'unlik yillari tarbiyalab, hayotga yo'l ko'rsatgan edi. 80 yillar avlodi oldida mashaqqatli vazifa – juda ko'p yolg'on aralashgan kechagi va bugungi hayotdan insoniy haqiqatni zarrazaralab terib Buyuk Haqiqatning yaxlit vujudini yaratish zarur edi. Bunga esa buyuk va sohir badiiyat qodir, xolos. Faqat ugina sohir aqldan ilgarilab ketishi, tarix sahifalari bo'ylab sochilib ketgan hayotni faqatgina badiiy obrazlar bir nuqtaga jamlab, ko'ngil mulkiga aylantirishi mumkin".

She'rlarian birida A. Qutbidin shunday deydi:

*Bu dunyoda topganim halol,  
Burda nonim, umrim va yana...  
Bu dunyoda topinganlarim  
Bo'ldi Vatan va yana onam!  
Kutmasman hech kimdan marhamat,  
Qarzga kelgan emas bu yo'lim.  
Bu dunyoda ustozim hayot,  
U dunyoda shogirdim o'lim!*

Abduvali Qutbiddin ijodiga nazar tashlar ekanmiz, uning asarlari ham an'anaviy uslubda, ham modernizm yo'nalishida bitilganini kuzatishimiz mumkin. Shoir she'rlari ramzlarga o'ta boyligi bilan ajralib turadi:

*Nahrlarda etagi yirtiq  
Lo'li qizday qarg'anar osmon.  
Sohil bo'ylab ketmoqda yo'rtib –  
Oppoq biya*






*Bedard,  
Bedarmon  
Arqon kabi tortiladi yel,  
Sug‘riladi oftobrang qoziq.  
Sapchiyotgan to‘lqin uchidan –  
Yana to‘rga  
Tushadi  
Baliq.*

A.Qutbiddinning 1984 yili yozilgan “Nahrlarda etagi yirtiq” misralari bilan boshlanuvchi she’rida abstrakt, o‘ta ramziylashtirilgan tasvirni ko‘rish mumkin. O‘quvchi she’rning badiiy-g‘oyaviy mag‘zini uchinchi banddagi birgina misra – “Muqannani sotgan xiyonat” orqali ilg‘ab oladi. Demak, she’r muayyan tarixiy voqelik haqida. Bu o‘rinda biz uchun muhimi, tarixiy voqelikning muayyan tasvirda, tasvir bo‘lganda ham modernizmga xos abstrakt yo‘sinda ifoda etilganidir. She’rni o‘qirkansiz, shoir tasvirlayotgan manzaralar bilan Muqanna qismatini uyg‘unlikda ko‘ra boshlaysiz. Birinchi bandda kuchli dovul, momaqaldiraq, chaqmoq tasvirlangan bo‘lsa, ikkinchi bandda daryoning qoyaday ko‘tarilayotgan to‘lqinlarini ko‘rasiz. Ayni damda, shoir kichik detallar bilan Muqanna qismatining xarakterli o‘rinlariga urg‘u berib o‘tadi: “Sapchiyotgan to‘lqin uchidan – Yana to‘rga Tushadi Baliq”. Shoir she’r matnida tarixiy voqelikka ishora qilsa-da, aslida, o‘z davri voqealariga yuzlanayotganini anglash qiyin emas. U Muqanna siymosida nafaqat o‘zini va ziyolilarni, balki butun xalqni ko‘rayotgan bo‘lishi ham mumkin.

A.Qutbiddin ijodida she’riyatimizda birinchilardan bo‘lib modernistik tasvir to‘laqonli namoyon bo‘ldi. Undan oldingi shoirlarning she’rlarida muayyan modernistik vizual obrazlar yaratilgan bo‘lsa, A.Qutbiddin butun tasvirni, butun manzarani modernistik uslubda “chizadi”.





### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Mirvaliyev S., Shokirova R. “O‘zbek adiblari” Toshkent, G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti, 2016.
2. <https://qalampir.uz/uz/news/tanik-li-zhurnalist-abduvali-k-utbiddin-vafot-etdi-11555>
3. Abduvali Qutbiddin hayoti, faoliyati, asarlari, mukofotlari  
<https://baxtiyor.uz/abduvali-qutbiddin-haqida-ma-lumot/>
4. Abduvali Qutbiddin. She’rlar & «Nayson» va «Xayol kechasi» to‘plamlari | Xurshid Davron kutubxonasi  
<https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/abduvali-qutbiddin-she'rlar-nayson-va-xayol-kechasi-toplamlari.html>





**YANGILANAYOTGAN O‘ZBEKISTONDA XAVFSIZLIK  
SOHASIDAGI ISLOHATLAR**

Saliev Puxarbay Alievich

*Qoraqalpog‘iston Respublikasi Qaraozek tumani 4 son umumta‘lim maktabi  
«CHQBT» harbiy o‘qituvchisi*

**Annotatsiya:** Maqolada muallif so‘ngi yillarda O‘zbekistonda xavfsizlik, mudofaa, harbiy sohadagi islohatlar, yangilanishlar, yutuqlarga to‘xtalib o‘tgan. Shuningdek, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning harbiy soha haqidagi bebaho fikrlarini ham keltirib o‘tkan.

**Tayanch tushunchalar:** xavfsizlik, mudofaa, yangi O‘zbekistob, harbiy soha, islohatlar, yangilanishlar, ARMI-2022.

**Аннотация:** В статье автор остановился на реформах, обновлениях, достижениях в области безопасности, обороны, военной сферы в Узбекистане за последние годы. Он также процитировал бесценные мысли нашего президента Шавката Мирзиёева о военной сфере.


**Ключевые слова:** безопасность, оборона, новый Узбекистан, военная сфера, реформы, обновления, АрМИ-2022.

**Abstract:** In the article, the author touched upon reforms, updates and achievements in the security, defense, military sphere in Uzbekistan in recent years. We also mentioned the invaluable views of our President Shavkat Mirziyoyev on the military sphere.

**Keywords:** security, defense, New Uzbekistan, military sphere, reforms, updates, ARMI-2022

Mamlakatimizda har yili Vatan himoyachilari kuni keng nishonlanadi. 1992-yilning 14-yanvarida Respublika Oliy Kengashining “O‘zbekiston Respublikasi hududida joylashgan harbiy qismlar va harbiy o‘quv muassasalari to‘g‘risida”gi qarori qabul qilinib, yurtimiz hududidagi harbiy qism va muassasalar respublika tasarrufiga olingan. O‘zbekiston Respublikasining 1993-yil 29-dekabrda qonuni bilan 14-yanvar – Vatan himoyachilari kuni etib belgilandi.

Prezidentimizning 2022-yil 14-dekabrda “O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganligining 31 yilligini hamda Vatan himoyachilari kunini








nishonlashga tayyorgarlik ko'rish va o'tkazish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoyishi ijrosi doirasida shu kunlarda yurtimiz bo'ylab "Milliy armiyamiz Yangi O'zbekistonning mustahkam qalqonidir!" shiori ostida ma'naviy-ma'rifiy, madaniy tadbirlar o'tkazila boshlandi. Mazkur farmoyishdan ko'zlangan asosiy maqsad Qurolli Kuchlar tashkil etilgan sana hamda Vatan himoyachilari kunini munosib kutib olish va uni umumxalq bayrami sifatida keng nishonlash, xalq va armiya yakdilligini yanada mustahkamlash, yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, fuqarolarimizda milliy armiyamiz bilan faxrlanish tuyg'usini kamol toptirish, shuningdek, Qurolli Kuchlarimiz nufuzini yanada oshirishni ta'minlashdan iboratdir.

Markaziy Osiyo mintaqasida tinchlik, barqarorlik va xavfsizlikni ta'minlash, mudofaa tizimini takomillashtirish, qardosh qo'shni davlatlar o'rtasidagi hamkorlikni har tomonlama rivojlantirish hozirgi davrning eng dolzarb masalalaridan biri bo'lib qolmoqda, - dedi u. - Chunki umumiy xatarlarga qarshi birgalikda kurashishni davrning o'zi taqozo etmoqda. Mudofaa va xavfsizlik tizimida asosiy omil qurolli kuchlar bo'lib, ularning harbiy-siyosiy tayyorgarligi, harbiy xizmatchilarning zamonaviy bilimlarga ega bo'lishi, har qanday tajovuzga tayyor turishi tinchlik-osoyishtalikning garovi hisoblanadi. Bu borada 14-yanvar kuni o'z bayramini nishonlayotgan O'zbekiston Qurolli kuchlari tizimida olib borilayotgan islohotlar jahon hamjamiyati tomonidan haqli ravishda e'tirof qozonmoqda.

MDH va boshqa xalqaro tashkilotlar doiralarida o'tkazilayotgan harbiy musobaqalarda O'zbekiston Qurolli kuchlari jamoalarining muntazam g'alabalarga erishayotganligi mamlakat yetakchisi va Oliy bosh qo'mondon Shavkat Mirziyoyev tomonidan belgilangan va izchil amalga oshirilayotgan islohotlarning ijobiy samarasidir.

Darhaqiqat, harbiy xizmat mavqeini oshirish, chaqiruvga qadar yoshlar va harbiy xizmatchilarni ma'naviy-ma'rifiy hamda harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, harbiy kadrlar tayyorlashni takomillashtirish bo'yicha qardosh O'zbekistonda amalga oshirilayotgan tizimli ishlar tahsinga sazovor. Masalan, O'zbekiston Mudofaa vazirligi, Ichki ishlar vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Davlat xavfsizlik xizmati va Milliy gvardiya tarkibida "Temurbeklar maktabi" harbiy-akademik litseylari tashkil etilishi ham ilmiy va ma'rifiy jihatdan katta voqea bo'ldi, deb aytsak aslo mubolag'a bo'lmaydi.

O'zbekiston Mudofaa vazirligi VIII Xalqaro armiya o'yinlarining 21 ta yo'nalishida ishtirok etdi. 34 ta yo'nalishni qamrab olgan musobaqalarda 37 ta






davlatdan 257 ta jamoa o‘zaro bellashdi. Xususan, mamlakatimiz hududida musobaqalarning 5 ta yo‘nalishi bo‘lib o‘tdi. Shiddatli va murosasiz kechgan “ArMI – 2022” Xalqaro armiya o‘yinlarida vakillarimiz munosib ishtirok etib, umumjamoa hisobida faxrli 2-o‘rinni qo‘lga kiritdi. Mazkur musobaqada vakillarimiz O‘zbekiston armiya sining kuch-qudrati, harbiy xizmatchilarimizning jangovar shayligini, bir so‘z bilan aytganda, o‘z kasbining haqiqiy ustalari ekanini namoyon eta oldi. Xususan, g‘alabali yurishlar, rekord natijalar va g‘oliblik shohsupalari buning yorqin misolidir. 12 ta davlat hududida o‘tkazilgan armiya o‘yinlarida mamlakatimiz bayrog‘i eng yuqoriga ko‘tarilib, madhiyamiz takror va takror yangradi.

Davlatimiz rahbari yetuk harbiy kadrlarni tayyorlash, ilg‘or uslublarni ommalashtirish masalalariga e‘tibor qaratdi. Harbiy o‘qituvchilarning malakasini oshirish, Qurolli Kuchlar Akademiyasini harbiy ilm-fan dargohiga aylantirish zarurligi ta‘kidlandi. Yaqinda ish boshlagan Harbiy meros va zamonaviy tadqiqotlar institutini harbiy ta‘lim va ilmiy faoliyat tizimiga samarali integratsiya qilish topshirig‘i berildi. Qurolli Kuchlarni zamonaviy qurol-yarog‘ hamda harbiy texnika bilan ta‘minlash, mavjudlarini modernizatsiya qilish ham harbiy qurilish sohasidagi eng ustuvor vazifalardan bo‘lib qoladi.

Ushbu maqsadlar va zamonaviy tahdidlar xususiyatidan kelib chiqib, 2022-2026 yillarda Qurolli Kuchlarni yanada rivojlantirish bo‘yicha konseptual dastur qabul qilish vazifasi qo‘yildi. Qurolli Kuchlar Bosh shtabi faoliyatini sifat jihatdan yangi pog‘onaga olib chiqish, havo hujumidan mudofaa tizimini kuchaytirish bo‘yicha ko‘rsatmalar berildi.

Jahon axborot makonida keskin kurash ketayotgan hozirgi vaziyatda axborot xavfsizligini ta‘minlash, yoshlarni yot g‘oyalardan himoya qilish, harbiy xizmatchilarning psixologik tayyorgarligi va jangovar ruhini mustahkamlash dolzarbli ta‘kidlandi.

Qo‘mondonlik tarkibi zamonaviy operatsiyalarni rejalashtirish, qo‘shinlarni oqilona boshqarish, mavjud kuch va vositalarni samarali qo‘llash bo‘yicha malakasini oshirishi zarurligi ko‘rsatib o‘tildi. Rahbarlik va qo‘mondonlik lavozimlariga istiqbolli kadrlar zaxirasini yaratish, ularni bu lavozimlarga bosqichma-bosqich tayyorlash hamda tanlov asosida tayinlash muhimligi qayd etildi. Jangovar harakatlar dinamikasi oshib borayotgan va yangi usullar paydo bo‘layotgan hozirgi sharoitda muvaffaqiyat, ko‘p jihatdan, komandir-serjant boshqaradigan kichik bo‘linmalar harakatiga bog‘liq.





Shu bois Qurolli Kuchlar uchun serjant-yo‘riqchilarni tayyorlash tizimini tubdan takomillashtirish vazifasi qo‘yildi.

Aholi murojaatlarini ijobiy hal etish, joylarda ijtimoiy, muhandislik va kommunikatsiya infratuzilmasini yaxshilash, bozorlar to‘kinligi va narx-navo barqarorligini ta‘minlash bo‘yicha topshiriqlar berildi.

“Xalqimizning xavfsizligi, tinchligi va osoyishtaligini saqlash bugun ham, kelajakda ham eng ustuvor vazifamiz bo‘lib qoladi. Chunki faqatgina tinchlik-osoyishtalik mamlakatimizning har tomonlama rivojlanishining asosiy kafolatidir. Yangi – 2022 yil hamma sohada, jumladan, Qurolli Kuchlar tizimida ham hal qiluvchi yil bo‘lishi shart”, – dedi Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev.

Hozirgi vaqtda mintaqamizda va dunyoda hukm surayotgan, oldindan aytib bo‘lmaydigan murakkab sharoitda mamlakatimiz xavfsizligi va hududiy yaxlitligini ta‘minlash, jamiyatimizda tinchlik va hamjihatlikni mustahkamlash qanchalik katta ahamiyatga ega ekanini barchamiz chuqur anglaymiz. Bu esa o‘tgan davr mobaynida erishgan yutuqlarimiz va yo‘l qo‘ygan kamchiliklarimiz, to‘planib qolgan muammolarni chuqur tahlil qilish, bugun hayotning o‘zi ilgari surayotgan talablarni hisobga olishni taqozo etmoqda.

Muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ayni shu asosda mamlakatimiz mudofaa salohiyatini mustahkamlashni Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasining ustuvor yo‘nalishlaridan biri sifatida belgilab berdi. Taraqqiyot strategiyasiga binoan 2022-2026 yillarda boshqa sohalar qatorida harbiy qurilish borasida ham keng ko‘lamli o‘zgarishlar amalga oshiriladi. Qisqa muddatda dastlabki aniq natijalarga erishildi va yangilanayotgan Qurolli Kuchlarimiz bo‘yicha strategik yondashuv ishlab chiqildi.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ózbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. T.2021
2. Ózbekiston Respublikasi Prezidentining “Yangi Ózbekiston taraqqiyot strategiyasi” 2022 yil 28 yanvardagi PF-60 son Farmoni
3. I.KArimov Yuksak mánaviyat – yengilmas kuch.T. 2008
4. Sh.M.Mirziyoev Milliy taraqqiyot yólimizni qat‘iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga kótaramiz. 1- jild. –T.: Ózbekiston, 2018
5. Sh.M.Mirziyoyev Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini táminlash — yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. –Toshkent: Ózbekston, 2017





## Inglis tilinde awispali sózlerdi qollaniwdin' Qaraqalpaq tili sóylewshilerinín' qa'teleri.

**\*Umida Muratbaeva**

***Qaraqalpaq Ma'mletketlik Universiteti Lingvistika Inlis tili 2-kurs magistranti***  
**Annotatsiya**

Usi jazilg'an maqalada ha'r bir tilde barlig'i tabiiy bolg'an awispali manidegi sózlerdin' jasalawinda ha'mde oni Inglis tilinde qollaniwda Qaraqalpaq tili ana tili bolg'an sóylewshilerdin' qate'leri haqqında ha'm onin' sebepleri haqqında tusindirip beredi. Xaliqimizdin' bay folklorinan u'zindiler ha'mde turaqli so'z dizbeklerindegi lingvistikaliq o'zgesheliklerin toliq misallar menen jetkerip beriledi.

### **Annotatsiya**


Ushbu maqolada qoraqalpoq ingliz tilini órganuvchilarning nutqida qóllaniladigan kóchiriladigan ma'no va uning tuzilmalarining xususiyatlari kórib chiqiladi va metafora, sinekdoxa tushunchasi haqida ma'lumot berildi. Xalqimizning boy adabiy merosi sanalgan she'r, hikoyatlardan misol tariqasida oydinlik kiritiladi. Tilimizning óziga xos xususiyatlaridan biri bólgan frazeologik idiomalar haqida ham tóxtalib ótildi. Shuni ta'kidlash kerakki, tilshunoslik naqshining umumiy tushunchasi yuqorida tilga olingan fikrlarda tilga olinadi. Shuning uchun zamonaviy badiiy adabiyotdan ba'zi misollar keltirildi.

### **Abstract**

This article examines the characteristics of transferable meaning and its structures used in speaking by Karakalpak English learners errors. Information was provided on the concept of metaphor, synecdoche. The piece of poems, stories are used as examples for clarification that are considered to be the rich literary heritage of our people. Phraseological idioms, which are one of the peculiarities of our language, were also mentioned. It should be noted that the common concept of linguistics pattern is mentioned in aforementioned statements. Therefore, some examples have been cited from contemporary fiction.

### **Аннотация**

В данной статье исследуются особенности переносимого значения и его структуры, используемые при речевых ошибках каракалпакских изучающих английский язык. Была предоставлена информация о понятие метафоры, синекдохи.






В качестве примеров для разъяснения используются фрагменты стихов, рассказов, которые считаются богатым литературным наследием нашего народа. Упоминались и фразеологические идиомы, являющиеся одной из особенностей нашего языка. Следует отметить, что в приведенных утверждениях упоминается общепринятое в лингвистике понятие паттерна. Поэтому были приведены некоторые примеры из современной художественной литературы.

**Tayanish sózler:** tillik aspekt, awispali ma'ni, sinekdoxa, metafora, turaqli sóz dizbekleri, metonomiya, lingvistikaliq ózgeshelik, jeke stil.

**Key words:** language aspects, transforable meaning, synecdoche, metaphor, phrasalogical idioms, methanome, linguistic peculiarities, personal style.

**Ключевые слова:** языковые аспекты, трансформируемое значение, синекдоха, метафора, фразеологические обороты, метанимия, языковые особенности, личностный стиль.

Házirgi kúndegi dáwir insandı tillik aspektte tereńirek úyreniwdi talap etedi. Til adamlardıń rawajlanıwına hám jan-jaqlama jetiskenliklerge erisiwine imkan jaratadı. Til bilimi boyınsha sońgı jılları alıp barılıp atırǵan izertlew jumıslarında Inglis tilinde sóylewshi Qaraqalpaq tili ana tili bólg'an sóylewshiler arasında awispali ma'nide aytıw máselesi ayrıqsha úyrenilmekte. Qaraqalpaq tilindegi sózlerdin' awispali ma'nide Inglis tilinde qollanıw ózgeshelikler de arnawlı túrde úyreniwdi talap etetuǵın máselelerden biri. Sózdin' tiykarg'i ma'nisi onin' tuwra ma'nisi boladı. Tuwra ma'ni degende onin' da'slepki belgili bir predmet, qubilis ya olar arasındag'ı qatnasqa tan belgilerdi an'latıp, sol predmet, qubılıstın' ataması retinde dóregen ma'nini tusiniwimiz kerek. Til bóliminde tiykarg'ı nominativlik ma'ni degen bar. Tiykarg'ı nominativ ma'ni mine usı predmetti, qubılıstı aytatug'in sózdin'da'slepki predmetlik-zatlıq mazmunı, atı bolıp tabıladı. Aytayık, moyin, bilek, ókpe, mazza, barıw, keliw usag'an sózlerdin' jeke turg'anda predmet, qubılıs ya olardıń qanday da belgisin an'latıwi, predmetlik-zatlıq mazmunı tuwra ma'nilerden ibarat. Bul sózler barlıq waqıtta tek usı ma'nilerden an'latılıp kele bermeydi, barlıq waqıtta sol predmetlerdi ataw menen sheklenbeydi. Kerisinshe, olardıń' ma'nileri awisadi, yag'nıy, sol sózler arqalı ekinshi bir predmetti ataw za'ru'rligi tuwadı. Na'tiyjede sózdin' jan'a ma'nisi payda boladı. Bul sóz ma'nisinin'






awisiwinda kórinetug'in processti ma'ni awisiw process delinedi. Usı process tiykarında dóregen maniler a'wisqan ma'nilerden ibarat.<sup>1</sup>

Qaraqalpaq tili ana tili bolg'an u'yreniwshiler Inglis tilinde sóylegende idiomalardi yag'nıy turaqlı sóz dizbeklerin paydalanıw ha'm olarg'a sóylew tabiiy shıg'ıwi ushın ha'reket etedi, sonlıqtan qa'teler qılıw tabiiy. Mısalı, tawdin' etegi, samalyottin' qanatı, iynenin' kózi, eshektey jumıs islew. I feel exhausted working like a donkey dep qollansa ol Inglis tilinde u'lken qa'telik bolıp sanaladı sebebi olarda donkey ornına **Bee** sózi isletiledi. I feel exhausted working as a bee. Ja'ne bir mısal qaraqalpaq tilinde tawdin' etegi degen metaforaqlıq usılda jasalg'an sóz dizbegin Inglis tilinde qollanıw ushın etek sózin foot ayaq sózine almasırg'anın kóremiz; **the foot of a mountain**(the bottom or lower end of a space or object). Mısalı: Olar tawdin' etegine uy saldı degendi. They built a house at the flounce of a mountain dep aytsa **“flounce”** sózi tek g'ana kóylektin' yamasa yupkanin' etegi ma'nisinde qollanadı. Al Inglis tilinde durıs ayılıwı bolsa They built a house **at the foot of a mountain** boladı.

Sezgenin'izdey sóz ma'nisinin' awisiwi a'ytewir bola beretug'in qubılıs emes, onda sa'ykes nizamlılıq ómir su'redi, sol nizamlılıqlar na'tiyjesinde sóz a'wisqan ekinshi ya onnan kóp ma'nilerge iye boladı. Bul semantikalıq process bir neshe usıllardin' bazasında iske asadı. Ja'ne mısal qılıp ha'reket-qıymil arasındag'ı usaslıq belgilerge negizlengen. Misali miynettin' qaynawı, jumistin' balalawı, samaldin' esiwı, ba'ha'rdin' keliwi, ju'rektin' uriwi sóz dizbeklerindeki qaynawı, balalawı, jurektin' uriwi, sózlerindeki qaynawı, balalawı, esiwı, keliwi, uriwi sózlerdin' awisqan manlier-ha'reket-qıymil arasındag'ı usaslıq belgilerge negizlengen. Biraqta bul sózlerdi tuwrıdan-tuwrı Inglis tilinde awdarmalap qollansaq onday jag'dayda ol sózdin' ma'nisi Inglis tilinde jog'aladı: Misali:

*Ózinde iynenin' kózindey ju'regi bolsada tórt balanı du'nyaga keltirdi. (K.Sultanov).* Biraqta bul ga'pti Inglis tilinde awdarmalap jetkerip beriwde iynenin' kózin degendi bizler Inglis tilinde **“eye of a needle”** qollansaq, ma'nisi ju'da tar degendi beredi. (a very narrow opening/ The term is used as a metaphor for a very narrow opening.)

<sup>1</sup> E. Berdimuratov, “Til bilimine kirispe”





*Gu'z baslandi, atizda jumis qaynap atir... (T.Q)* Autumn has come, work is boiling in the field Inglis tilinde bunday qollaniw basqasha tuyiledi ha'm bul ha'tteki tu'sinilmew qalliwiida mu'mkin.

Samalyottin qanatinda kóterilgen sıyaqlı ol ózin baxıtlı sezdi.

She felt happy as she flied in the wings of airplane The wings generate most of the lift to hold the plane in the air. To generate lift, the airplane must be pushed through the air.

*Suwđın' betindegi qalqip ju'rgen plastik idislari kóbeyib, a'qibetinde flora ha'm fauna ziyanlanbaqta. ( T.Q).* Plastics on the **surface of the water** have increased significantly and as a result flora and fauna are harmed. Kórip turg'anin'izday su'wdin beti inglis tilinde surface of the water dep berildi, bul jerde face sózi emes ba'lkim surface sózi qollang'ani duris boladi.

*Gu'z keldi, jumis balalap atir ha'mme jerde jiyin-terim baslandi. Autumn has come, it is high time to **work is calving**, harvest has started everywhere. Al endi "calve" sózinin' ózi haywannin' balalawi manisinde qollanadi biraqta kontekske baylanisli calve sózi awispali man'ide qollanilip tur. (Calve - (of cows and certain other large animals) give birth to a calf. "Galloway cows have wide pelvises and calve easily").*

Xaliq ta'jriybesi boyinsha tilde ma'ni awisiwda da predmetler arasindag'i baylanistin' tu'rli formalari tiykar boladi. Joqardag'i misallarda kórgenin'izdey Inglis tiline tuwradan-tuwri sózlerdi awistirip qollaniw qa'te boladi, ha'r bir sóz kontekske baylanisi boliwi za'ru'r. Sonday-aq ma'ni awisiw Qaraqalpaq tilinde prdemettin' neden islengen zat arasindag'i predmetlik baylanisqa tiykarlanadi. Misali: *A'kelsen'e, xrustal menen de kóreyik! Ju'weri jemegenime kóp waqtlar boldi.* Bul jerde Xrustal xrustaldan islengen idis, al ju'weri ju'weriden islengen aziq-awqat degen man'ilerde. Bunday ma'nini awistirip qollaniw Inglis tilinde da ushrasadi. Misali:

Bir benzin bashok may ju'z baliqti óltiredi. A barrel can make one hundred fish die (National Geographic). "**barrel**" for a barrel of oil.

"She drank the cup". Ol bir kesa ishti. "Cup"-kesanin' ishindegi suyiqliqti an'latip turipti.

Sóz ma'nisinin' u'shinshi tu'ri-sinekdoxaliq usil, ol metonomiyaliq usilg'a jaqin. Geyde metonimiyanin' qaramag'ında aniqlansa, geyde óz aldina ayriqshaliqqa iye usil retinde baxalanip kelmekte. Putinnin' ornina bólshegin, bólshektin' ornina putindi,





jalpisinin' ornina birliginin', birliginin' ornina jalpisin aytiliwi arqali sóz ma'nisi awisadi. Onda metonimiyaliq usil siyaqli usasliqta seziledi: Jigitlik ha'seri urg'an murinnin', keminde bir batpan samali bolar (I.Y.)

Tekstegi **Murin** sózinin' kontekstlik ma'nisi adam organizminin' bir mu'shesin an'latiwda emes, al pu'tin adamdi an'latip tur. Inglislerdin sinekdoxadan qalay paydalaniwi ha'mde Qaraqalpaq tiline uqsaslig'i bar.

*The farmer needed to bring on some hired hands. "hired hands"-jalanba jumisshi* ma'nisinde berilip tur, bul jerde hands sózi- qol yag'niy birlikti qollanip-kópliktin' ma'nisin berip tur.

*What's the headcount for next week's party? "head"-adam* ma'nisinde geshtekke neshe adam baradi dep soraliq atir.

*I'm looking forward to breaking bread with you. "bread-nan sózi awqat* ma'nisine awistirilip aytilip atir.


*Let's take my new wheels out for a spin. "wheels"-balon* sózi **mashina** ma'nisinde qollanip tur.

We need to get boots on the ground to help with the recovery effort. **"boots"-qayiqqlar** emes, **jawingerler** ma'nisinde qollanip tur.

Ulıwmalastırıp aytqanda, qaraqalpaq tilinde awispali manidegi sózlerdi Inglis tilinde hár tárepleme úyreniliwdi talap etedi. Olar sóylewdin kórkemligin arttıradı, jazba formada kórkem shig'armalarda qollaniwda avtordın jeke stillik ózgesheligin júzege shıǵaradı. Sonday-aq, awispali ma'nide qollaniwdin' túrleri de ózne tán ózgesheliklerge iye bolıp, hárбір dáwirdegi túrli shıǵarmalar menen tanısıw barısında awdarma ózgesheliklerge iye bolǵan sóz hám sóz dizbekleriniń tilimizde qanshelli kóp ekenligin ańlaymız. Olardı dáwirlestirgen halda hám túrli aspektlerde úyreniw búgingi kúnniń eń aktual máselelerinen bolıp qalmaqta.

### Ádebiyatlar

1. E. Berdimuratov, "Til bilimine kirispe"
2. В. И. Кодуков "Введение в языкознание"
3. Martine A. Fundamentals of General Linguistics. Ed. 2nd. / A. Martinet. - M.: Editorial URSS, 2004. - С. 184 -185.
4. 2. Chomsky Noam. Syntactic Structures. - Pan-Korea Book Corporation, 1969. - P. 100
5. Dictionary.cambridge.org.
6. Macmillan Dictionary








«JOURNAL OF UNIVERSAL SCIENCE RESEARCH» VOLUME-1, ISSUE-3  
(31 MARCH)  
MUNDARIJA

1	<b>THE POLITICAL SITUATION OF THE FIRST QUARTER OF THE 20TH CENTURY IN KASHADARYO OASIS</b> Poyonov.T	6-9
2	<b>ZULFIYA ISROILOVA —TANIQLI VA IQTIDORLI O'ZBEK SHOIRASI</b> Muxtorqulova Rushona Zohidjon qizi	10-17
3	<b>GETTING STUDENTS INTERESTED IN LANGUAGE LEARNING</b> Abdimo'minova Muborak Ibodulla qizi, Ro'zmatova Gulnavo Musurmonqulovna, Jumayeva Risolat Boyqulovna	18-21
4	<b>OLIY O'QUV YURLARIDA SPORT MASHG'ULOTLARIGA QO'YILADIGAN TALABLAR</b> Hukimayev Kamoliddin Husniddinovich	22-27
5	<b>FOREIGN LANGUAGES BASED ON MODERN METHODS ACTUAL PROBLEMS AND SOLUTIONS OF TEACHING</b> Pirmatova Kamola Abdigapurovna, Xudoyqulova Gulchiroy Ikromqulovna	28-33
6	<b>THE ROLE OF GAME METHODS IN TEACHING A FOREIGN LANGUAGE</b> Hamroyeva Komila, Umbarova Marjona	34-37
7	<b>IMPORTANCE OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES TODAY</b> Humoydinov Humoyun Shuxrat o'g'li	38-40
8	<b>THE VIEWS ON THE HISTORY OF THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF THE FIRST CITIES</b> Nishonov J.	41-45
9	<b>Bola rivojlanishida o'yin fa'oliyatining ahamiyati</b> Roziqova Gulchehra Hazratqulovna, Hamrayeva Guljamol	46-49
10	<b>Brayl alifbosi va uning paydo bo'lish tarixi</b> Hayitova Farida Kuchkarovna, Ro'zimurotov Ramazon	50-55
11	<b>Лимфотропная терапия для профилактики внутричерепных инфекционно-воспалительных осложнений при черепно-мозговой травме</b> О.Ш. Эшонов.	56-60
12	<b>Физика фанидан тўгарак машғулотларида дидактик ўйинлардан фойдаланиш методикаси</b> Н.Алимова	61-71
13	<b>ICHIMLIK SUVIDA RADIOFAOL ELEMENTLARNING PAYDO BO'LISHI VA INSON SALOMATLIGIGA TA'SIRI</b> Inoyatova Nazokat Qahramon qizi, Eshkaraev Sadridin Choriyevich	72-79
14	<b>Юз-жағ тизимида туғма нуқсони бўлган болаларни диспансер назоратига олишни ташкил қилиш.</b> Абдишукурова Барчиной Гулбой қизи.	80-85




15	<b>Mamlakatimizda sanoat salohiyatini rivojlantirish</b> Axmedov Alim Babaniyazovich	86-89
16	<b>QURILISHDA YOG'OCH KONSTRUKSIYADAN FOYDALANISH.</b> Davlatov Diyor Dilshodovich, Qurbonov Feruzbek Abdulla o'g'li	90-92
17	<b>12-14 ЁШЛИ ЭРКИН КУРАШЧИ ҚИЗЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ.</b> ПРИМБЕТОВ АЗАМАТ АЎЕСБАЕВИЧ	93-100
18	<b>LEXICAL GRAMMATICAL TRANSFORMATIONS IN TRANSLATION</b> Umida Turdaliyeva	101-105
19	<b>МЕХНАТ ТАРБИЯСИ ОРҚАЛИ БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ О'ЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ.</b> Haydarova Marg'uba In'omovna	106-109
20	<b>STUDY OF SEASONAL BIOLOGICAL BACTERIAL INTESTINAL INFECTIONS IN THE EXAMPLE OF ESHERICHIA</b> Ahmedova Saodat Tashboltayevna, Asfandiyorov Javodbek Mirzaali o'g'li, Avlayeva Sojida G'ayrat qizi	110-115
21	<b>МАКСУД ШЕЙХЗАДЕ – ПРЕДСТАВИТЕЛЬ УЗБЕКСКОГО ИСКУССТВА</b> Вахобов Кайум Жамшидович.	116-120
22	<b>COVID 19 KASALLIGINI O'TKAZGAN BEMORLARDA JIGAR KASALLIKLARINING KECISHI. JIGAR KORRELYATSIYASI.</b> No'monova Go'zaloy Davronbek qizi, Soliyev A.Q.	121-123
23	<b>COMPARING SOME IDIOMATIC EXPRESSIONS BETWEEN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES WITH THE HELP OF JANE AUSTEN'S BOOK "PRIDE AND PREJUDICE".</b> Gulzebo Nuraliyeva, Olimjon Raimov	124-131
24	<b>Milliy g'oya fanining boshqa fanlar bilan aloqadorligi</b> Abduvohidova Diyora Norboy qizi	132-133
25	<b>ZULFIYAXONIM HAYOTIDAN KICHIK BADIA</b> Muxtorqulova Rushona Zohidjon qizi	134-135
26	<b>ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЧЕРЕПНО-МОЗГОВОЙ ТРАВМЫ</b> И.И.Бахриев <sup>1</sup> , Б.А.Ешмуратов <sup>1</sup> , С.А.Раимбердиев <sup>1</sup> , И.Я.Шаматов <sup>2</sup> , Б.Т.Ёкубов <sup>3</sup>	136-144
27	<b>TO'PLAM ICHIDA ANIQLANGAN BINAR MUNOSABATLARNING BERILISH USULLARI HAQIDA</b> Najmiddinova H.Y, Axmadxonova M.A	145-150
28	<b>Konlarni suvsizlantirish usullari. Kon suvlaridan foydalanish.</b> O.N. Sultonova, Esanov.D	151-157





29	Fanlararo aloqadorlik asosida darslarda vektorlarning fizik va geometrik talqinlarini bayon etish texnologiyasi. M.A. Babayeva, S. Turdiyev	158-163
30	NUTQ MADANIYATI Xushbaxtova Dilnoza Jaylov qizi, Shuhratova Dilfuza	164-167
31	THE HISTORY OF COVERAGE OF ISSUES OF IDEOLOGICAL STRUGGLE IN THE HISTORY OF UZBEKISTAN IN THE 20'S XX CENTURY.Lobar Eryigitova	168-171
32	Makroiqtisodiy ko'rsatgichnilar o'zgarishiga jiddiy ta'sir etuchi global omillar va ularni o'rganish yo'llari. Axmedov Alim Babaniyazovich	172-174
33	DARSLARDA LOYIHLASH TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISH M.A.Abdullaxo'jayeva, N.M.Xalikova	175-177
34	Рак лёгкого: диагностика и лечение Исмоилов Асилбек Журабекович, Уроков Шохрух Шухрат угли, Отамуродов Фуркат Абдукаримович	178-184
35	LANGUAGE CHARACTERISTICS OF EXTREMIST TEXT Abror Kurbonmuratov Abdurashidovich	185-188
36	IMPROVING SOCIAL AND SPIRITUAL ENVIRONMENT AMONG WOMEN Izzatillaeva Ozodakhon Elmurod qizi	189-192
37	ZULFIYA- SADOQAT KUYCHISI Rozikova Sayyora Xabibullayevna, Djamolova Shahnoza Sirojiddinova	193-197
38	ZULFIYA SHE'RIYATIDA BADIY OLAM TALQINI Roziqova Sayyora Habibulayevna, Ubaydullayeva Sayyora Ro'ziboy qizi	198-204
39	THE PEDAGOGICAL COMPETENCE OF FOREIGN LANGUAGE TEACHERS ZOKHIDA SHARABIDINOVNA TURSINOVA	205-209
40	LIMONDA OQQANOT ZARARKUNANDA HASHAROT Amirova Sayyora Jumanazar qizi, Eshmamatova Feruza Toshmuhammad qizi, Norboyeva Xilola Jamshid qizi, Norboyeva Zilola Xasan qizi	210-215
41	Ogahiy lirikasida she'riy san'atlarning o'рни. Shahobiddin Yo'ldoshev, Muxiddinova D.	216-218
42	Task Based Learning Approach Kasimova Dilrabo	219-221
43	O'ZBEKISTON YOSHLARINING KOREYS TILINI O'RGANISH JARAYONIDAGI KAMCHILIK VA YUTUQLARI Akromova Robiya Sunnatjon qizi	222-225
44	ОРГАНИК, НООРГАНИК ВА АРАЛАШ ТУРДАГИ КОМПЛЕКС ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ ИОНИТЛАРНИНГ	226-229





	<b>ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ</b> Иззатиллаев Нейматулло Абдусаломович, Эшкурбонов Фурқат Бозорович, Холиқов Ўткир Холиярович	
45	<b>TALABALARNI UMUMBASHARIY QADRIYATLAR ASOSIDA TARBIYALASHDA KASBIY KOMPETENTLIGI TIZMINI TAKOMILLASHTIRISH</b> Djumayeva Zoxidaxon Muhammadjonovna	230-233
46	<b>ENGLISH TEACHING METHODS</b> Mamatova Zargul Xursanboy qizi	234-238
47	<b>KOGNETIV TILSHUNOSLIKDA "TUSHUNCHA" VA "KONSEPT" NING O'ZARO FARQALNISHI. EZGULIK KONSEPTI.</b> BibiMuxlisa G'ulomova	239-243
48	<b>ABDUVALI QUTBIDDIN SHE'RIYATIDA MILLIY QADRIYATLAR</b> Maxmudova Kamola Bolbekovna	244-247
49	<b>YANGILANAYOTGAN O'ZBEKISTONDA XAVFSIZLIK SOHASIDAGI ISLOHATLAR</b> Saliev Puxarbay Alievich	248-251
50	<b>Inglis tilinde awispali sózlerdi qollaniwdin' Qaraqalpaq tili sóylewshilerinin' qa'teleri.</b> Umida Muratbaeva	252-256

